O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 5 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 96-97 (7500)

Da'vat

Xalq qonunni o'z tayanchi, o'zini muhofaza qiluvchi devor sifatida himoya etmog'i lozim.

GERAKLID

Ibrat

Poytaxtimizning Mirzo Ulug'bek tumani IIB xodimlari tumandagi 248-maktab hovlisini panjara bilan o'rab berishdi hamda maktab kanalizatsiyasi va isitish tizimlarini ta'mirlab, homiylik yordami ko'rsatishdi.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайити» муносабати билан 1991 йил 11 апрелдаги 193-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2002 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 6 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2002 йил 6 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан

қарор қиламан:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар; б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар; в) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари; г) 60 ёшдан ошган эркаклар; д) биринчи марта судланган чет эл фуқаролари; е) эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар.

2. Биринчи марта уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Иқтисодиёт ва хўжалик фаолияти соҳасида жиноятлар содир этиб, биринчи марта судланган, етказилган зарарни қоплаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон — ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга ҳамда муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан;

б) мазкур Фармоннинг 1-моддаси — қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодексининг 97-моддаси) жиноятини содир этган шахсларга;

в) мазкур Фармоннинг 1-3, 5-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга.

8. Мазкур Фармоннинг 4- ва 6-моддалари Жиноят кодексининг 150-163, 242, 244, 244-1, 244-2-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан фақат жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишидан амалда пушаймон бўлганлиги тасдиқланган ҳолларгагина қўлланилиши белгилансин.

9. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонига ШАРҲ

Умумхалқ байрами — мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амнистия тўғрисидаги Фармон қабул қилинди.

Фармон озодликдан маҳрум этилганларнинг деярли барча тоифаларини қамраб олган.

Амнистияни қўллаш натижасида биринчи навбатда вояга етмаган ёшлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахслар озод этиладилар.

Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган йилда қабул қилинган Фармон 60 ёшга тўлган шахсларга, шунингдек, аёлларга ўз оилаларига қайтишларига имконият яратади. Қонунларимизни бузиб, ўта оғир бўлмаган жиноят содир қилган чет эл фуқаролари ҳам ўз ватанларига тинч меҳнат билан шуғулланишлари учун қайтадилар. Бундай шахсларга нисбатан ҳали дастлабки ва суд тергови якунланмаган жиноят ишлари ҳам тугатилади.

Иқтисодиёт соҳасида, хўжалик юритиш жабҳасида содир этган жиноятлари учун биринчи маротаба судланиб, етказилган зарарни қоплаган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларни озод этилиши ҳам назарда тутилган.

Турли сабабларга кўра, авваламбор ўзларининг савиясизлиги, билими ва тажрибаси етишмаслиги оқибатида ўз олдига конституциявий тизимни ағдаришни мақсад қилиб қўйган экстремистик радикал диний гуруҳларнинг домига тушган шахслар ҳам озод этилади.

Бу биринчи навбатда ўз қилмишларининг қанчалик оғирлигини ҳис қилиб, содир этган жиноятларидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга тааллуқлидир. Озод қилинаётган шахсларнинг яқин қариндошлари, шунингдек турар-жойларидаги маҳаллалар аҳли томонидан зарур эътибор, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишдаги иштироки шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилганлар қаторида жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларнинг ўталмай қолган жазо муддатларини сезиларли даражада қисқартириш ҳам кўзда тутилган. Бундай чора таъсирига тушувчилар жазо ўтаётган маҳкумларнинг ярмидан ортиғини ташкил қилади.

Инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик каби фазилатларга асосланган Фармон жаҳон демократик ҳуқуқ яратиш тажрибаси ва ўзбек миллий анъаналарини уйғунлаштирган.

Бу мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини босқичма-босқич ўтказилаётганлигининг, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёни мутаносиб амалга оширилаётганлигининг яна бир далилидир.

Қиш фасли — шундай бошланар асли.
Бурҳон РИЗО олган сурат.

ДЕМОКРАТИЯ КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛИШДАН БОШЛАНАДИ

Рисбой ЖЎРАЕВ,
Халқ таълими вазири

Бугун бахтимизнинг асосий қомуси — Конституциямиз қабул қилинганига ўн йил тўлди. Унда мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари аниқ ва равшан белгилаб берилган. Ўзининг демократик ва инсонпарварлик моҳияти билан Конституциямиз бутун дунёда эътироф этилди. У мамлакатимиз фуқаролари ва жамият манфаатларини ўзида ёрқин ифода этиб, халқ ҳокимиятига асосланган келажаги буюк давлат барпо этишдек улкан ишга ватандошларимизни сафарбар этишнинг асосий омили сифатида намоён бўлиб турибди.

Албатта, ҳар бир ривожланган давлат, соғлом жамият ўз фуқароларининг барча жабҳалардаги фаолиятини маълум бир қонунлар, қоидалар воситасида тартибга солган ҳолда ташкил этади. Уларнинг ўз зиммаларидаги вазифаларини қанчалик англаганликлари ва бажараётганликлари, қолаверса, шунга муносиб тарзда барча кафолатларга эга эканликлари тараққиётни таъминлайдиган асосий шартлар ҳисобланади. Шу боис, республикамиз ҳукумати томонидан ёшларимизга Конституцияни ўргатишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2001 йил 7 декабрда Кон-

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МАЪНАВИЯТ ГУЛИСТОНИ
5-бет

ТАЪЛИМНИНГ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ
3-бет

МАКТАБНИНГ "ЧОРАК ЎҚУВЧИСИ" БОР
4-бет

КАМЧИЛИКЛАР ҚАЧОН БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?
5-бет

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ
5-бет

БАЙРОҚЛАР ИЛК БОР ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?
6-бет

ШАРҚШУНОС ТАЛАБАЛАРНИНГ УЙИ
УНДА ҲАР БИР ЙИГИТ-ҚИЗНИНГ ЯШАГИСИ КЕЛАДИ
8-бет

"ҚОМУС" СУПЕРКРОССВОРДИ
8-бет

"МАЪРИФАТ" ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

Obuna — 2003

28 йилдан бери мактабда она тили ва адабиёт фанидан болажонларга дарс бериб келаман. Ўтиладиган ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик кўраман. Бунинг учун бадиий асарлардан, рисолалардан ва санъат арбобларининг ижодиётидан унумли фойдаланаман. Шу билан бирга газета ва журналлардаги берилаётган янгиликларга ва услубий қўлланмаларга доимо мурожаат қиламан, ўзимга керакли материалларни тўплайман ва уларни жойжойида ўринли ишлатаман. Бу эса дарсимни жонли, замонавий, қизиқарли ва мазмунли ўтишимда яқиндан ёрдам беради. Чунки ҳар бир ўтиладиган дарс бир ижод бўлиши керак. Бунда менга ҳамиша ёрдам берадиган ҳамфикр, ҳамсуҳбат ва доимий ҳамроҳим, севимли "Маърифат" газетасидир.

Мана, 28 йилдирки, мунтазам "Маърифат" газетасига тўлиқ бир йилдан обуна бўлиб келмоқдаман. Газетанинг ҳар бир сонини, ҳар бир саҳифасини доимо ўқиб бораман.

Газетанинг саҳифалари кундан-кунга бойиб, ҳажми эса кенгайиб бормоқда. Бу эса унинг яна ҳам қизиқарли бўлишига ва муштарийларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Газетада берилаётган ҳар бир саҳифадаги материалларнинг ўз ўрни ва ўзига хос хусусияти бор. Масалан, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ва маориф соҳасидаги янгиликлар, янги тизим асосидаги дарс услублари ва кўрсатмалари, услубий қўлланмалар, "Маърифат" маслаҳатхонаси, "Меҳмонхона", "Кутубхона" саҳифалари, шоир ва ёзувчиларимизнинг янги ижодидан намуналар, ўқитувчи ва талабалар ижодидан лавҳалар, жаҳон янгиликлари, ҳафталик теледастурлар, "Кўнғироқ чалингунча" дам олиш саҳифаси ва турли кроссвордлар каби қизиқарли саҳифалар фақат "Маърифат" газетасидан жой олган.

Шунинг учун биз оиламиз билан бу газетани севиб ўқиймиз. Агарда маълум сабабларга кўра газета кечикиб қолса, тезда қидириб қоламиз. Чунки оиламиз аъзолари турли касб эгалари бўлишига қарамай, "Маърифат" газетасига жуда ўрганиб қолганмиз.

Шу сабабли мен азиз ҳамкасбларим "Маърифат" газетасига обуна бўлишларини маслаҳат бераман. Фурсатдан фойдаланиб, "Маърифат" газетаси таҳририятига бир-биридан мазмунли мақолалар ва чиройли фотолавҳалар учун ўз миннатдорчилигимни билдириб, газета ҳажми бундан ҳам кенгайиб, муштарийлари эса яна ҳам кўпайишини истайман.

Гулжамила АЪЗАМХЎЖАЕВА,
Юнусобод туманидаги 105-мактаб муаллимаси, халқ таълими фидойиси

Конституцияга ёшларимизни болалигидан онгли этиш, унинг мазмунини ғоявий, ўзлари учун асосий ҳимоя сифатида қабул қилишларига эришмоғимиз керак.

"25 миллионлик катта халқни бирлаштирувчи қудратли куч борми?" деган саволни кўяди ва унга "ҳа бор, у — миллий истиқлол ғоясидир" - деб жавоб қилади.

МАЪНАВИЯТ ГУЛИСТОНИ



Жамиятни эркинлаштириш фуқаролик жамиятини таркиб топтириш, инсон ҳуқуқлари доирасини кенгайтириш, комил шахсни шакллантириш вазифалари билан бевосита боғлиқдир. Ана шу тизим доирасида юртбошимиз фикри, сўзи, амали бир бўлган бутун инсонларни тарбиялаш фавқулодда муҳимлигини таъкидлайдилар. Яқинда "Шарқ" нашриётида мамлакатимизнинг бир гуруҳ таниқли ёзувчи ва шоирлари муаллифлигида чоп этилган "Маънавият гулистони" китоби ана шу масалалар таҳлилига бағишланган.

Китобда шахсни таркиб топтириш вазифаси миллий менталитет ўзгаришлари билан уйғун бирликда таҳлил этилади. Ўзбек менталитетини бир томондан ўзгараётган давр руҳига монанд мувофиқлаштириш, иккинчи томондан ижтимоий жараёнларни инсон омили орқали ўзгартириш ғояси бадиий-публицистик лавҳаларда ўз аксини топгандир.

Taqriz

Бутунлик ҳодисаси таниқли олим Иброҳим Ғафуров мақоласида илиги тўқлик, иймони расолик тарзида талқин этилса, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов тилида ижодкорликка, ўз ғурурига, ифтихор туйғуларига эгалик, қийин кечмиши, қисматидан тўғри сабоқлар чиқара олиши, ўзлигини, исёнкорлик руҳини сақлай билиш салоҳияти сифатида бадиий идрок этилади. Ғайбуллоҳ ас-Салом суҳбатида эса, ўз халқи хотирасига, аслий томирига садоқат, ўтмиши, бугуни ва эртасига мустаҳкам боғлиқлик тарзида ифодаланади. Таниқли публицист Аҳмаджон Мелибоев бутунлик тушунчасини замомони Президентимизнинг ибратли саъй-ҳаракатлари, пурҳикмат сўзлари, жўшқин дарғалик фаолияти орқали ёрқин тасвирлаб беради. Юртбошимизнинг Жиззахда ёш аскар йигитни даст кўтарганлиги воқеасини образли талқин этиб, "Ислом Каримов ўшанда биргина ёш йигитни эмас, миллатнинг эртасини, келажагини кўтарди. Кўтарганда ҳам шиддат билан, меҳр билан даст кўтарди" деб ҳаяжон билан ёзади.

Китобнинг яна бир ибратли жиҳати бу ватан тушунчасига берилган теран ва доно фикрлар гулдастасидир. Ватан, ёзувчи Тоҳир Малик наздида, англанган муқаддас хилқатдир. Адиб ватаннинг табиий инстинктдан, шунчаки киндик қони тўкилган ҳудудга боғлиқликдан, атрофдаги гўзалликка маҳлиёликдан юқори бўлган нарса эканлигини, ватанни онг билан атайлаб севмоқ, асрамоқ, авайламоқ зарурлигини, ватанни севиш илм-маърифатга интилиш билан мустаҳкамланишини асослаб берса, шоир Усмон Азимов ватанни чексиз-чегарасиз, ҳудудсиз соғинч ҳисси сифатида бадиий талқин қилади. Чин ватанпарварлик ҳар қандай тазйиқларга қарамай ўзликда қола билиш, миллатга, она тилига, анъаналарига комил ишонч билан йўғрилган садоқатдир. Шоира Ҳалима Худойбердиева қарашларида ватан тушунчаси Ўзбекистон деган муқаддас атама билан уйғунликка эришишда намоён бўлади. Ватанни севиш, ватан муҳаббатига эришишда муттасил ҳаракат қилмоқлик ҳар бир инсон фаолиятида тўла намоён бўлиши зарурлиги, юрт дардини эрк келтирувчи ўғлонлар енгил қилишини эҳтирос билан қалбларга муҳрлайди. Шоир Анвар Обиджон эса ватанни севиш ўзликни доимий пок асрашга интилишда намоён бўлишини изоҳлаб, хоинлар, сотқинлар, ватанфурушлардан огоҳ бўлишга даъват этади:

Битта хоин бор жойда
Бефойдадир бефойда
Қалъалару соқчилар,

дея маънавий покланишга даъват этади.

Китобда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад тараққиётнинг жўшқин суръатларига ҳамқадамлик дунё дастурхони даврасидан ўрин олган ўзбекнинг ўзлиги ўзаро ҳамжиҳатликда, бирлашишда бениҳоя катта қудрат касб этишини илгари суриб, халқни бирлаштирувчи қудратли куч — миллий истиқлол ғояси халқимизнинг мустақиллик йилларида эришган бош қадриятидир, юртбошимиз таъкидлаганларидек "биз учун бу нарса энг асосий мақсаддир".

Китобнинг яна бир фазилати миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари бўлган миллийлик, жамоа, шахс, комил инсон, масъулият, ворислик, тафаккур, миллат, ғоя, глобализм, ҳамкорлик, экстремизм сингари атамаларнинг маъно-моҳияти оддий ва тушунарли тилда очиб берилганлиги кўзга ташланади. Мазкур тушунчалар, ўтган сабоқли кечмишимизнинг ҳар бир воқеаси тарихий далиллар, фактлар, мисоллар орқали Бойбўта Дўстқораев, Сувон Мели, Исмоил Шомуродов, Матниёз Абдулҳаким, Абдулла Аъзамов суҳбатлари орқали ёрқин очиб берилади.

Китоб миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, Ўзбекистон тарихи, социология, сиёсатшунослик ва бошқа фанларни ёш авлодга ўргатишда қимматли манба ҳисобланади.

Жовли ТУРСУНОВ,
Термиз давлат университети
кафедра мудири

ДЕМОКРАТИЯ КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛИШДАН БОШЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ституция қабул қилинганлигининг 9 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган "Қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз низоми бўлсин" мавзусидаги нутқида Олий қомусимиз белгилаб, муҳрлаб берган асосий тамойиллар моҳиятини чуқур ўрганишимиз, уларни жамият ҳаётига, аҳолининг турмуш тарзига чуқур сингдириш энг долзарб, энг масъулиятли вазифа эканлиги алоҳида таъкидланган эди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикр-мулоҳазалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Ф-1322 сонли фармойишида ўз аксини топди. Унда дунёдаги демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур эта олмаслигини, кундалик ҳаётда унда белгиланган қоида ва тартибларга тез-тез мурожаат қилиб туриши айтилиб, Қомусимизнинг маъно-мазмунини яхши билиш ва уни синчиклаб ўрганиш орқалигина бугун олдимизда турган кўпгина саволларга жавоб, муҳим муаммоларга ечим топишимиз, қонун устуворлигига эришишимиз, адолатли, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкинлиги таъкидланди. Бунинг учун эса Конституциямиз мазмун-моҳиятини фуқароларимизнинг барча қатламлари ўртасида, ёшларимизга узлуксиз таълим тизимининг барча турларида ўрганишни ташкил этиш кўрсатиб ўтилди. Орадан ўтган 2 йил муддат ичида ушбу фармойиш ижросини таъминлаш борасида Халқ таълими вазирлиги ва унинг тасарруфидаги барча ташкилотлар ва ўқув муассасаларида қандай ишлар амалга оширилди, нималарга эришилди, муаммолар нималардан иборат каби саволларга оқилона жавоб топиш таълим тизимида доимий жараён ҳисобланган бу ишнинг самарасини оширишга хизмат қилади.

Мазкур фармойишда кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда уларни бажариш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг буйруғи қабул қилинди. Унга биноан оилада, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болалар ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларида, олий ўқув юртлари талабаларида Республика Конституцияси бўйича мустақил билимларни шакллантириш, уни ўрганиш ва ўқитиш юзасидан ўқув дастурлари, методик қўлланмалар, кўрсатмали ва дидактик воситаларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш учун ташкил этилган Республика комиссиясига таклифлар тайёрлаш мақсадида ишчи ва мутахассислардан иборат эксперт гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳ томонидан ишлаб чиқилиб, Республика Комиссиясига тақдим этилган мазкур ишланмалар ижобий баҳоланди. Табиийки, яратилажак дарсликлар ва қўлланмалар, методик тавсиялар тарбияланувчилар, ўқувчилар ва талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши ҳамда машғулотлар ташкил этилишига асосий эътибор қаратилди.

Жумладан, мактабгача таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиш уч босқичда, яъни ўрта(3-4) ёш, катта(4-5) ёш ва мактабга тайёргарлик (6-7 ёш) даврида амалга оширилмоқда. Умумий мужассам машғулотлар сони 20 та мавзуни ўз ичига олди ва "Конституция сабоқлари" деб номланди. Дастурнинг мақсади болаларда умумий ахлоқ меъёрларига жавоб берадиган, уларнинг шахс сифатида камол топишига асос бўла оладиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, уларда ҳаётдаги ижобий ва салбий ҳолатларга нисбатан тегишли муносабатни таркиб топтириш, катталар, тенгдошлари фикри билан ҳисоблашиш, зарур бўлганда ўз қарашларини, фикрини ҳимоя қилишга ўргатиш, давлат, унинг рамзлари, Конституция ва қонунлар тўғрисидаги илк тасаввурларни таркиб топтиришдан иборат.

Умумтаълим мактабларининг бошланғич (1-4) синфларида эса "Конституция алифбоси" фани 10 соатдан, она тили, "Атрофимиздаги олам", "Одобнома", ўқиш, табиатшунослик каби фанлар таркибида, 5-7-синфларда "Конституция оламига саёҳат" деб номланувчи 17 соатга мўлжалланган мустақил курс ўрганилиши кўзда тутилди.

Мазкур фан ва курслар учун дарсликлар, қўлланмалар, қўшимча адабиётлар белгиланган муддатларда яратилиб, амалиётга жорий этилди. Республика таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш мақсадида "Конституциямиз бахтимиз пойдевори", "Сиз қонунни биласизми?", "Президент асарлари билимдони" каби кўрик-танловлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари каби мактабдан ва синфдан ташқари тадбирлар мунтазам ўтказиб келиняпти.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари", деб номланган нутқида юртимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг янги сифат босқичини давом эттириш борасидаги истиқбол дастурини баён эта туриб, "Барчамиз яхши биламизки, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат", дея бу борада таълим-тарбия тизими олдидаги асосий вазифага яна бир бор эътиборимизни қаратиб, айнан ушбу тизим марказида маънавият, одобахлоқ, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи кераклигига урғу берди. "Мана шундай чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади", деди Юртбошимиз. Бу талабларга жавоб берадиган шахсни камолга етказишда ҳар биримизнинг мавжудлигимиз, ўзлигимизни англашимиз ва авлодларга муносиб келажак яратишдек шарафли вазифамизни тўла-тўкис бажаришимизга имкон берувчи Конституцияга ёшларимизни болалигидан ошно этиш, унинг мағзини чақиб, ўзлари учун асосий ҳимоя сифатида қабул қилишларига эришмоғимиз керак.

БИЛИМДОН КУТУБХОНАЧИЛАР

Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани марказлашган кутубхоналар тизимида оммавий кутубхоналар ходимлари ўртасида "Президент асарлари билимдони" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Президент асарларини талқин ва таҳлил қилишни биз кутубхоначилар асосий вазифамиз ва бурчимиз деб биламиз. Шунинг учун ҳар бир кутубхоначи ўз устида доимий изланиши, дунёқарашини кенгайтиришига бир туртки бериш мақсадида ушбу кўрик-танлов 5 босқичда ўтказилди.

Булар кўрик-танлов қатнашувчиси ўзини таништириб, нишонига изоҳ бериши, Президент асарлари юзасидан тайёрланган тест саволларига жавоб бериш, Президент асарларини тарғиб қилишда кутубхона иш формаларидан фойдаланиши (каталог, картотека, бюллетень, китоб кўргазмаси, библиографик обзор), Президент асарлари юзасидан тайёрланган рефератларни тақдим этиши ҳамда эркин мавзуда ўз маҳоратини намойиш этишдан иборат бўлди. Қизғин беллашувда 1 ўринга 1- болалар кутубхонасининг ходимаси Н.Баратова муносиб топилди.

Дилором ХАСАТОВА,
Ҳамза туман МКТ услубият ишлари бўлими мудири

МУНОСИБ ТУРМУШ ТАРЗИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Amaliy mashg'ulotlar

Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларига йил давомида "Конституциявий ҳуқуқ асослари" фанидан 34 соат ҳажмда дарслар ўтилади. Дарсларнинг асосий мақсади ёшларга ҳуқуқий давлат тизими ва моҳиятини чуқурроқ англатиш, қонун асосларини ўргатиш, қонунларни ҳурмат қилиш туйғуларини тарбиялаш, ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишга ёрдам беришдан иборатдир. Хўш, илм масканларида бу жараён қандай кечаяпти? Ёшларимиз асосий қомусимиз моҳиятини англаб бораётирларми? Мустақил ҳаёт бўсағасида турган ўғил-қизларнинг ҳуқуқий билимлари етарли даражадами? Чунончи, муаллимларимиз ёшлар онгига ҳуқуқий тушунчаларни қандай усул ва услублар орқали сингдиришяпти?

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги тарих фанига ихтисослаштирилган 216-мактабнинг ҳуқуқ фани ўқитувчиси Халил Матёқубовнинг "Инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари" мавзуидаги бир соатлик дарсида ана шу жиҳатларни пайқашга ҳаракат қилдик. Дарс шеър билан бошланди:

Қадимий ота юрт
тиклади қаддин,
Шукр сенга етдик, буюк
истиқлол!
Кўплар етолмади, бахш
этиб қалбин,
Кучоқ очолмади нурли
истиқбол!
Таъқибга учрамас танқид,
эътироз,
Таҳлика тўкмагай
ҳақгўйнинг қонин!
Меҳнат қилган инсон
топади эъзоз,
Сенга суянамиз, эй, буюк
Қонун!

Муаллим шеърда келтирилган истиқлол, истиқбол, инсон, меҳнат, таъқиб тушунчаларини таҳлил қилар экан, Ўзбекистон халқи истиқлол туфайли ўз мадҳияси, байроғи, герби ва Конституциясига эга бўлгани, шубҳасиз, бу жиҳатлар мустақил юрт фарзандларига ифтихор ва ғурур бағишлаётганига алоҳида тўхталиб ўтди. Сўнгра у ўқувчиларга ўтилган мавзулар, яъни Конституциямизнинг давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ташқи сиёсат, умумий қоидалар, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар бобларидан "янглиш" жумлалар ўқиб бериб, уларнинг "Конституциявий ҳуқуқ асослари"ни қандай ўзлаштираётганини синаб кўрди. Ўзга хос синов ўқувчиларни фаоллаштириб юборди, сабаби ўқитувчи қомуснинг баъзи боб, моддаларини, ибораларни аташда "адашаётган" эди. Асосийси, дарс ўтишнинг ўзига хос услуби орқали ўтилган мавзулар мазмунини ўқувчилар чуқур ўзлаштирганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Муаллимнинг усталиги билан янги мавзуга боғлаб юборилди.

1. Муносиб турмуш даражаси нима?

2. Инсон ҳуқуқларидан қайси бири энг муҳими?

3. Шахсий ҳуқуқ билан сиёсий ҳуқуқларнинг фарқи борми?

Саволлар устида ишлаш натижасида дарсликнинг ўнинчи боби мавзуларига мос равишида келтирилган қомусимизнинг 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42-моддалари моҳиятига бирма-бир тўхталинди. Хусусан, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги, шу билан бирга меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш, ижтимоий таъминот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш ҳуқуқларига эгалиги ҳамда ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши тўғрисида ўқувчилар батафсил тушунчалар олдилар.

Айни пайтда фаол ўқувчилар— Шаҳло Бўронова, Мунира Мамажонова, Фароғат Аҳмедова, Муслима Қодирова, Умаржон Отамуродовлар Конституцияда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари бежиз келтирилмаганлигини қайд этган ҳолда қуйидаги саволларни ўртага ташлашди:

1. Ҳуқуқларимиз поймол қилинганда кимларга мурожаат қиламиз?

2. Туман(шаҳар) маъмуриятининг вазифалари нималардан иборат?

3. Меҳнат биржасига мурожаат қилишнинг тартиби қандай бўлади?

4. Қонунлар назорати кимлар томонидан таъминланади?

5. Муносиб турмуш даражасини сақлаб қолиш учун инсонга нималар зарур?

6. Мардикорларга милиция ходимлари нега тазйиқ ўтказишади?

Ўқитувчи ўғил-қизларнинг бундай ҳаётий саволларига жавоб бера туриб, жараёнда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Солиқ кодекси, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" каби кўплаб ҳужжатлардан ҳам фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Чунки оддий солиқ қонунчилигини билмасанг, солиқчи жисмоний шахсга ёки фуқарога хоҳлаган солиқ турини айтиши мумкин. Ёки жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар ҳам борки, аксарият кишилар бу ҳақда чуқур тушунчага эга эмаслар. Ваҳоланки, бу хусусда Солиқ кодексининг XVI бобида батафсил маълумотлар келтирилган... Демак, қонунларни яхши билсаккина, ўзимизга муносиб турмуш даражасини таъминлай олган бўламиз.

Ўқитувчи дарс якунида ўқувчиларга ўтилган мавзу бўйича дарсликнинг 52-бетида "Ўзингизни синанг!" сарлавҳача остида берилган саволларга ёзма жавоб тайёрлаб келишни уйга вазифа қилиб топширди.

— Мактабимизнинг ҳуқуқ фани ўқитувчиси Халил Матёқубов ҳали ёш бўлса-да, изланувчан муаллимлар сирасига киради,— дейди олий тоифали тарих фани муаллимаси Ҳамида Раҳматуллаева.— У ҳар бир дарсни турли усулларни қўллаган ҳолда кўргазмали тарзда ўтишга ҳаракат қилаётир. Ўғил-қизлар ҳам ҳам- касбимиз дарсларини интиқлик билан кутишади.

Назаримизда, бу эътироф ўқитувчи меҳнатига, бир соатлик дарсига берилган холис, шу билан бирга энг муносиб баҳодир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

КАЙФИЯТЛАР АЪЛО

Tuhfa

Навоий педагогика институти педагогик жамоаси Конституция қабул қилинганлигининг 10 йиллигини аъло кайфиятда нишонлашмоқда. Янги ўқув биноси қурилиб, ишга туширилганидан ҳамма хурсанд. У хорижий тиллар, бошланғич таълим услубиёти ҳамда табиатшунослик факультетларида ўқиётган 890 нафар талаба ихтиёрига топширилди. Ўқув биносида замонавий аудиториялар, компьютер хонаси, лаборатория, машғулот хоналари бекаму кўст жиҳозланди. Қурилиш буюртмачиси Навоий вилоят халқ таълими объектларини қуриш ташкилоти ҳисобланади. Пудратчилар эса "Кимё саноати ва моллари" ҳамда "Валентина" хусусий фирмасидир. Ушбу қурилиш учун вилоят бюджетидан 40 миллион, республика бюджетидан эса 100 миллион сўм маблағ сарфланди. Курувчилардан Р.Аҳмедов, В.Таскаев, Қ.Жўраев, С.Раҳмонов ва бошқалар алоҳида намуна кўрсатишди.

Ўткир ПЎЛАТ

«... Қисқа вақт ичида мамлакатимизда замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган 216 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 44 та академик лицей ва 291 та касб-ҳунар коллежлари барпо этилди. Республикамиздаги 20 та туман ва вилоятларга бўйсинувчи шаҳарларда 9-синфни битириб чиққан ўқувчиларни янги турдаги таълим муассасаларига тўла жалб этишга эришилгани айниқса эътиборга сазовор».

Ислом КАРИМОВ

Milliy istiqlol g'oyasi

Ўтган йили мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг илк битирувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйдилар. Маълумки, академик лицейларда илм-фан соҳасида фаолият олиб боришга ўзини тайёрлаётган, касб-ҳунар коллежларида эса асосан замонавий касб-ҳунар эгаси бўлиш ниятидаги ёшлар ўқийди. 2001-2002 йилларда-ги кузатишларимизга қараб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, 94,7 фоиз академик лицей битирувчиларининг олий таълим муассасаларига интилганлиги ҳамда 97 фоиз коллеж битирувчиларининг олган мутахассислиги бўйича ўзлари танлаган жойларда меҳнат қилаётганлиги албатта қувонарли ҳолдир.

Зеро, бундай натижага осонликча эришилгани йўқ. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини яратиш, унга мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилишда айни кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологиялар ривожи билан уйғунлиги асосида ташкил қилиш ва олиб боришга алоҳида эътибор берилган.

Шу билан бирга иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари билан бирга илғор технологияларнинг кириб келиши, соҳа ва йўналишларнинг кенгайиши ва мураккаблашиши, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга ўта долзарб вазифа сифатида қаралган. Яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, Миллий дастурга мувофиқ янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуришда имкон қадар ўқувчиларни оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олишга, шунинг билан бирга улар яшайдиган ҳудудларнинг ривожланиш истиқболи шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисликларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олиб оқилона йўл тутилди. Уларнинг моддий техника ва ахборот базалари яратилди.

Узингизга маълум, мустабид тузум давридаги профессионал билим юрт(ПТУ)-ларида умумтаълим фанлари эътиборсиз, иккинчи даражали ўринда ўқитилиб, улар асосан ишчи(рабочий)лар тайёрлар эди. Ёдингизда бўлса, 6-7 синфларда ўқиётган ўқувчиларни «сени ПТУ га юбораман» деб қўрқитилар, 9-синфдан кейин гайритабиий бир ҳолатда ёшлар ўз орзуларига зид равишда бу билим юртларига мажбуран юборилар эди. Ажабланарли томони, ёш авлодга бўлган бундай муносабат гарчи педагогик нуқтаи назардан умуман нотўғри бўлса-да, минг-минглаб йигит-қизларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилиниб, маълум касб-ҳунар ўрганишлари учун зарур ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, мебель, жиҳозлар билан таъминланди. Қисқа вақт ичида мазкур таълим муассасаларида ўзига хос илмий муҳит яратилди, уларнинг ҳокимлик, олий таълим муассасалари, вилоят ҳудудидаги қўшма корхоналар, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари, саноат, қурилиш, транспорт, банк-молия, енгил саноат, алоқа, ўрта ва кичик бизнесга алоқадор турли корхона, завод ва фабрикалар, фирма ва кичик корхоналар, қуйингки барча соҳалар билан мунтазам алоқаси йўлга қўйилди. Мазкур соҳаларнинг мутахассис, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари ўрганилиб, маркетинг изланишлари бошлаб юборилди.

Рўй бериши кутилаётган ҳодиса тўғрисида олдиндан юритилган ҳар қандай баҳсга энг тўғри жавоб воқеликдир. Хўш, яхши ният билан тарбия қилинган илм-ҳунар ўргатилган бу ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топа олдими? Уларга келажакда ҳам паноҳ, ҳам ҳимоя бўладиган, мақсад йўлларидан уларни эсон-омон олиб бориб муродига етказадиган билим, тафаккур, касб-ҳунар, бир сўз билан айтганда комиллик асосини бера олдикми?

— Андижон вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини 2001-2002 йилларда жами 3351 нафар ёшлар битириб чиқди, — дейди биз билан суҳбатда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиги А.Тешабоев. — Охирги икки-уч йил мобайнида Андижон вилоятида ана шу янги куч-салоҳиятли ёшларни ҳам назарда тутган ҳолда 30202та ишчи ўринлари яратилди. Битирувчиларнинг деярли барчаси ўз ихтисослиги бўйича узи танлаган ишни топди.

Шу маънода касб-ҳунар коллежлари маълум маънода ўзгарувчан хусусиятга эга. Ҳўш, айни мана шу борада таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги кадрлар тайёрлаш борасида мунтазам ҳамкорлик, соҳаларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи, ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ана шу эҳтиёжга мувофиқ мутахассислар тайёрланиши ҳудудлар ривожига қандай таъсир қилмоқда? Соҳаларнинг истиқболли ривожланиши учун қандай имкониятлар очиб бермоқда?

Вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Юсуфов 1997-2002 йиллар давомида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган туб ижобий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижобий натижаларга эришилганини таъкидлаб бизни вилоят истиқболи тўғрисидаги режалар билан таништирди:

— Ўтган давр мобайнида вилоятнинг таълим, соғлиқни сақлаш, саноат тизимларида туб ислоҳотлар ўтказилди. Хорижий сармоялар иштирокида Жанубий Корея, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Чехия, Туркия, Россия ва Германиянинг бир қанча компания ва фирмалари билан биргаликда «УзДЭУавто», «Узкоджи», «Анконтекс», «Уздонгвонко», каби 50 яқин қўшма корхоналар ташкил этилди ва уларда жаҳон андозалари даражасидаги ички ва ташқи бозорда рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Вилоятимиз иқтисодиётининг 2002-2010 йиллар мобайнида таркибий ўзгаришлар истиқболи республикамизда амалга ошириладиган таркибий ўзгаришлар, устивор тармоқларнинг ривожланиши ҳамда вилоятнинг демографик ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Аниқ илмий асосдаги таҳлилларга таянган ҳолда айтадиган бўлсам, 2010 йилда Андижон вилоятида ялпи ички маҳсулот ҳажми қарийиб 1,9 баробарга ошиб, унинг таркибидаги саноатнинг улуши 25,1 фоизни, қишлоқ хўжалигининг улуши 23,7 фоизни, қурилишнинг 4,7 фоизни ва хизматларнинг улуши 41,6 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

Битираётганларни янги таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олишга эришилди. 2009 йилгача вилоятда турли йўналиш ва ихтисосликлар бўйича замонавий кадрлар тайёрлайдиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини бунёд этиш жадал олиб борилади ва 2009 йилга бориб Андижон вилоятида жами 129 та касб-ҳунар коллежлари ва 15 та академик лицейлар фаолият юрита бошлайди. Бу билан вилоят умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларини тўлиқ равишда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш имконияти пайдо булади. Бу таълим муассасаларида вилоят иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар, соҳаларни ривожлантириш ҳисобига кадрларга яъни янги турдаги малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж тўла урганиб чиқилганлиги туфайли вилоятнинг истиқбол дастурларига мувофиқ барча тармоқ ва соҳалар учун зарур бўлган мутахассислар тайёрланади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, 2002-2010 йиллар давомида вилоят бўйича ушбу таълим тизимининг жами битирувчилари 223144 тани ташкил этади.

Жумладан, машинасозлик 3246 та, энергетика 329 та, енгил саноат 18951 та, транспорт 6546 та, алоқа ва коммуникациялар 4850 та, қурилиш ва коммунал хўжалиги 7300 та, қишлоқ хўжалиги 7470 та, соғлиқни сақлаш 23692 та, маориф 18347 та, ижтимоий- иқтисодий соҳалар 91368 та ва савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳалари йўналишлари бўйича жами 41045 та ўқувчи янги турдаги таълим муассасаларини тамомлайди. Бу эса биз юқорида таъкидлаб утган Андижон вилоятининг истиқбол дастурига мувофиқ юзага келадиган малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўла таъминлайди.

Бу уринда Андижон вилояти ҳокимлиги, вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси, шаҳар, туман ҳокимликлари, турли корхона ва муассаса раҳбарларининг Андижон вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, унинг маркетинг булими билан ҳамкорликдаги ишларини алоҳида таъкидлаб экан. Лекин, туманда шу пайтгача Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ бирорта замонавий касб-ҳунар коллежи қурилмаган. Бу ҳолатда туман истиқболи, тараққиёти, халқининг фаровонлиги қандай таъминланади? Ким уни обод қилади, ким ички имкониятлардан самарали фойдаланиб, уни ривожлантиради? Наҳотки бу ҳолат ҳудудий бошқарув органларини ташвишлантирмаса?! Афсуски бундай ҳудудлар мамлакатимизда битта эмас...

Камол топаётган ёш авлодни таълим олишини, истиқболли касб-ҳунар эгаллашини таъмин этиш, турли соҳаларнинг мутахассисларга бўлган бугунги ва яқин келажакдаги эҳтиёжлари билан мутахассис тайёрлаётган таълим муассасаларини уйгун ривожланишини таъминлаш, шаҳар ва туманнинг ички ресурс ва имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, қўшимча даромад олиш йўлларини ахтариш, ҳудуд тараққиёти ва одамлар фаровонлигини таъминлаш бир сўз билан айтганда нафақат бугунги кун, балки келажак ҳақида ҳам уйлаш туман, шаҳар ҳокимларининг биринчи галдаги вазифаси эмасми? Бу йўлда айнан 9-синфни битирган ёшларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўла қамраб олишга эришиш муҳим аҳамият касб этади, негаки малакали кадрлар туман истиқболи учун энг асосий таянчдир. Шу уринда касб-ҳунар коллежларини бунёд этиш ишларини белгиланган талаб ва муддат асосида бажариб, 9-синф ўқувчиларини бу таълим муассасаларига тўла қамраб олишга эришган ҳокимларнинг фикр ва мулоҳазалари билан ҳам танишиб ўтсак.

— Биласизми, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширилиши биринчи навбатда биз ҳокимларнинг туманнинг бугуни, эртаси, тараққиёти борасидаги фикрларимизни тубдан ўзгартириб юборди, — дейди биз билан суҳбатда Андижон вилояти Хонобод шаҳри ҳокими М. Мусаев. — Энг муҳими, одамлар, ёшлар онгига жуда катта ижобий таъсир қилди. Биз Қирғизистон билан чегарадош булганлигимиз учун ҳам яна бир нарсани айтишим керак, бошқа соҳалардаги бунёдкорлик ишлари қатори таълимдаги ислоҳотлар ҳам қўшниларимизнинг Ўзбекистонга бўлган қараши, ҳурматини ҳам оширмоқда. Утган-кетган, у раҳбарми, оддий фуқароми, ким бўлмасин шаҳримиздаги муҳташам касб-ҳунар коллежларига кирар экан, айланиб, томоша қилиб, танишиб ҳавас билан чиқиб кетади. Ҳатто фарзандларини Узбекистондаги шу таълим муассасаларида ўқишини истаётганлар қанча. Бу коллеж ва лицейлар ўзига хос меъморчилик кўриниши билан ҳам шаҳримиз файзига яна файз қўшди.

Ҳар бир ҳоким ўз ҳудудини обод булишини, халқи фаровон яшашини истайди. Аммо, маблағингиз бўлса, ресурсингиз бўлса, яхши-яхши режаларингиз бўлса-ю уни амалга оширадиган малакали мутахассисларингиз бўлмаса, аниқки бирор ишда олға силжиш қилолмайсиз. Шу маънода бу таълим муассасаларини битираётган ёшлар бизга сув ва ҳаводек зарур. Айтишадику, «Қаторда норинг булса, юкинг ерда қолмайди» деб, шу маънода бу ёшлардан умидимиз жуда катта.

Шаҳримиз ҳақида сўзлайдиган булсам, бугунги кунга келиб, мавжуд бўлган «Андижонкабель», «Тарандубитель», «Электроника» заводлари, «АндижонГЭС» ташкилоти, «Сувқурилишжиҳозлаш» каби жаъми 5 та йирик корхоналар қаторига Узбекистон-Корея ҳамкорлигидаги «Узкоджу», Узбекистон-Хитой ҳамкорлигидаги «Узхонбугда» каби йирик қўшма корхоналар қушилди. Ҳозирда Хонобод шаҳрида электроэнегетика, кабель махсулотлари ишлаб чиқарувчи, енгил саноат, қурилиш материаллари, машинасозлик, озиқ-овқат саноат йўналишларида 7 корхона, шунингдек, 263 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари, 5 та қурилиш корхонаси, 2 та умумий транспорт хизмати, ҳамда коммунал хизмат, савдо, маданий-маърифий, бошқа қўплаб ташкилот, муассаса, корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Хонобод шаҳридаги 7та умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини бу йил 826 нафар ёшлар битириб чиқди. Бизни қувонтирган ҳолат шундаки, бу ўғил-қизларимизнинг барчаси шаҳримизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ташкил этилган 3 та касб-ҳунар коллежига ўқишга кириб ўзлари танлаган соҳа ихтисосликлари бўйича таълим олмоқдалар. Яна бир жиҳати, аввалларида тўла қамровга эришишимиздан олдин ёшлардан келажак мақсадлари тўғрисида сўраганимизда улар иккиланиб аниқ бир ҳаётий мақсади борасида фикр билдиришга қийналишар эди. Ҳозир эса биз 5-6-синфлардан бошлаб ўқувчиларни доимий равишда шаҳримиздаги касб-ҳунар коллежларига олиб бориб у ердаги муҳит билан яқиндан таништирамиз. Шунда улар ўзларининг қизиқишига қараб маълум соҳани танлайди, мактабдаёқ шу соҳага тегишли ахборотлар билан танишиб боришга ҳаракат қилишади. Уларга бу борада «Ташхис марказлари» ҳам яқиндан ёрдам беришади. Энг муҳими, ёшларимизда касб танлаш борасида иккиланишлар йўқ, аксинча, эртанги кунга нисбатан қатъий ишонч мавжуд.

Бугунги кунда шаҳримиздаги касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган ёшлар компьютер ва офис жиҳозларини ўрнатиш, таъмирлаш, ишлатиш, халқаро алоқа, бухгалтерия ҳисоби, автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш, ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш, ҳуқуқий ҳужалик фаолияти, банк иши, чеварчилик ишлаб чиқариш, сартарошлик санъати ва нафис косметика, кенг тармоқли суратқаш, умумий овқатланиш кичик технология, молия, котибалик иши, бошланғич синфларда жисмоний тарбия каби қўплаб муҳим йўналишларда касб-ҳунар эгаллашмоқда. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, 2002-2010 йиллар давомида Хонобод шаҳрида 9340 нафар йигит-қизларимиз мазкур ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тугатар экан. Шунинг учун айнан ана шу бўлажак мутахассислар билими ва касб-ҳунарини ҳисобга олиб, уларга таянган ҳолда биз шаҳримиз тараққиётида муҳим ўзгаришлар қила олишимиз мумкин экан.

Ҳар қандай ота-она ҳам бўй етиб, маълум касб-корни эгаллаган фарзанди ёнига киришини, у бошлаган ишларни давом эттиришини, бошлашга кучи, билими, имконияти етмаган ишларни айнан шу фарзанди уддалашини хоҳлайди, сабр ва умид билан кутади. Ахир шунча фарзандимиз билимли, малакали, касб-корли бўлиб камолга етишар экан, биз ҳам шунга яраша истиқбол режаларини қўрқмай белгиласак бўлади. Хонобод шаҳри тоғли, баҳаво, ўзига хос гўзал табиатли ҳудудда жойлашган. Ҳар йили минг-минглаб одамлар дам олгани, зиёрат қилгани келади, шунинг учун бу соҳада юксак даражада меҳмонлар учун тегишли шароит яратиб, зарур хизматлар турини кўпайтирган ҳолда Хонободни «Курорт шаҳар»га айлантиришни мақсад қилдик. Ана шу мақсадда ўзида барча тиббий ва маиший тизмат турларини мужассамлаштирган «Хонобод» сихатгоҳи қурилишини бошлаб юбордик. Агар режамиз бўйича 2003 йилнинг сентябрь ойида сихатгоҳ қурилишини якунлаб олсак, бу ерда 200 дан ортиқ иш ўринлари яратилади. Ундан ташқари, биз 2003 йилдан Хонободда кичик ГЭС-2, ГЭС-3 иншоотларини қуришни режаштирганмиз. Шаҳарда саноат тармоғини ривожлантиришда ишлаб чиқариш жараёнига мавжуд хом-ашё ва малакали кадр жалб этишга қодир қайта ишлаш саноатини, меҳнат ресурсларни ҳамда мавжуд илмий-техника имкониятларини ҳисобга олган ҳолда техника ва илм-фан асосида ривожланадиган кичик тармоқларни ривожлантиришни мақсад қиляпмиз. Шунга кура, 2010 йилга келиб шаҳримиздаги мавжуд 263та кичик ва ўрта бизнес субъектлари қаторига яна 190 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари қушилади. Биргина ана шу кичик корхоналарни ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва курсатажак хизматлари ҳажмини 11,1 млрд. сумга етказишни режаштириб турибмиз. Агар эътибор берган бўлсангиз бугун шаҳримиздаги касб-ҳунар коллежларида мен юқорида таъкидлаб ўтган барча қурилади-ган, ташкил этиладиган, кенгайтириладиган тармоқларда ишлайдиган мутахассислар тайёрланмоқда. Таълимда таклиф бор, мавжуд ва қурилажак, кенгайтиралажак корхоналарда талаб, эҳтиёж бор. Мени назаримда мана шундай уйғун ёндошув билан тараққиёт, фаровонлик сари қўйган қадамларимиз, ҳаракатларимиз тезлашади.

Бугун академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар билан 11-синфни тугаллаётган ўқувчилар ўртасида жуда катта фарқ бор. Буни ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз. Айни ана шу лицей ва коллежларда таҳсил олган, олаётган ўқувчиларнинг очилаётган салоҳияти, иқтидори, илк битирувчиларнинг жамиятдаги фаоллиги таълимдаги ислоҳотлар йўлининг нақадар тўғрилигини кўрсатиб турибди.

Гувоҳи булганингиздек, тўла қамровга эришилган ҳудудларда Кадрлар тайёрлаш Миллий моделида кўзда тутилган мақсадларга эришилмоқда. Аммо, тўла қамровга эришилмаган ҳудудларда эса бу борадаги эзгу ҳаракатларимизга ҳозирча параллел ҳолда ишлаётган эски тизимнинг таъсири соя солиб турибди. Бу ҳолат прогрессив ўзгаришларга халақит беряпти. Гоҳо ёшларнинг ўз келажаги учун муҳим булган истиқболли йўлни танлашига таъсир қилиб, уларнинг иккиланишига, асосий мақсад йўлидан чалғишига сабаб бўлмоқда. Ислоҳотларнинг чуқурлиги, қолаверса, тўла қамровга эришишнинг жамият ривожи учун қанчалар муҳимлиги айни мана шу ҳолатда ҳам намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз мамлакатимизнинг 20 та ҳудудида 9- синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига тўла қамраб олинганлигини муҳим кўрсаткич сифатида қайд этиб, ана шу натижаларга эришган ҳудудларга рағбатлантирувчи куч бердилар.

Кўриниб турибдики, биз қанчалик тезроқ 100 фоизли қамровни таъминласак, халқимиз фаровонлиги, ўғил-қизларимизнинг бу даргоҳларда ўқиб, замонавий касб-ҳунар эгаллаб, жамиятда ўзига муносиб ўрин топа биладиган малакага эга бўлиб яратиш, бунёдкорлик билан шуғулланишига, шу орқали бахтли, фаровон яшашларига эришамиз.

Шу уринда масаланинг яна бир жиҳатига эътиборингизни қаратишни истар эдик. Агар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мазмуни, унга асосан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу дастурнинг вояга етаётган ҳар бир ўғил-қизимизни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя қиладиган энг муҳим восита эканлигини ҳам англаб етамиз. Негаки, мамлакатимизда ёшларга умумий ўрта таълим билан бирга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бериш ҳам давлат томонидан кафолатланган. Таъкидланганидек, Миллий дастур ***«...инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири — билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади».***

Бугун истиқлол боис, Ватанимизда барча-ота-оналарнинг орзуси, аждодларимизнинг армони бўлган энг эзгу ниятларнинг тўлиг рўёбга чиқиши учун барча асос ва имкониятлар яратиб берилмоқда.Таълим тизими чин маънода мустақиллигимиз меваси. Уни айнан ана шу мустақиллигимиз асосчиси яратди, шакллантирди, бунёд этди. Энди эса у ўз навбатида давлат ва жамиятни, ўзбек, Узбекистон номини дунёга кутаришни керак.

Минҳожиддин МИРЗО

"Халқ сўзи" газетасининг 2002 йил 28 ноябрь сонидан олинди.

ТАЪЛИМНИНГ ТАРАҚҚИЁТГА ТАЪСИРИ

Юртбошимиз томонидан бу йил 20 та туман, вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда 9-синфни битириб чиққан ўқувчиларни янги турдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўла жалб этилганлиги нима учун муҳим натижа сифатида таъкидланди? Юз фоиз қамровга эришган туман ёки шаҳарда қандай ўзгариш, бунинг ҳудудлар ривожи, инсон тақдирига таъсири қандай? Агар бутун мамлакатимиз ёшларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўла жалб этишга эришган, бу жамият учун қандай аҳамиятга эга бўлади?

Шу уринда бир мулоҳаза, ёдингизда булса, бундан бир неча йиллар муқаддам юртбошимиз шундай сўзни айтган эдилар: ***«Биз ғалати вазиятга дуч келиб қолдик, иш билан таъминланмаган аҳоли бор, иш бор, аммо иш жойлари банд эмас...»*** уша пайтда мамлакатимиз ёшлари, ўрта мактабни битираётган йигит-қизлар орасида қанчадан-қанча ишсизлар бор эди. Негаки, мавжуд ва янги ташкил этилаётган корхоналарда ишловчилардан юқори билим ва малака талаб қилинарди. Мавжуд ишсиз ёшлар эса, бундай талабга жавоб бера олмас эди. Хўш, бугунчи? Бугун вазият бир қадар ўзгарди. Бугун 9-синфдан кейин уч йил замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида юқори билим, бир неча замонавий касб-ҳунар сирларини эгаллаган бу мутахассисларнинг ўзига яраша харидори бор. Бугун улар турли тармоқларда, корхоналарда фаолият олиб боришмоқда, айтиб утилганидек, айримлари узининг якка фаолиятини бошлаб, фирма, кичик корхоналар, фермер ҳужаликлари ташкил қилмоқда, яқинлари билан ишламоқда.

Бозор иқтисодиёти туфайли, бугун ҳар қайси ташкилот, корхона, фирма ёки ўрта ва кичик бизнесга алоқадор ташкилотлар бўлсин фойда билан зарарни ажратадиган булиб қолди. Айрим ҳолатларда мутахассисининг озгина хатоси ёки малакасизлиги оқибатида содир этилган кичик бир нуқсон корхонага катта зарар келтириши мумкин. Ёки ўқувсизлик оқибатида махсулот сифатига зарар етиши, бу эса унинг нархини бир неча баробар туширib юбориши, бозорда сотилмай қолинишига сабаб бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда бугун ҳар бир раҳбар ўзи ишга таклиф қилаётган, ишга олаётган мутахассис билан алоҳида суҳбат утказади. Унинг билимини, малакасини, замонавий ишлаш, фикрлаш даражасини синовдан утказади. Бугун бир нарса аёнки, битта малакали мутахассис, учта-тўрта малакаси паст ишчидан афзалроқ. Ҳозирда қайси оммавий газета ва хафтаномаларни варақламанг, малакали мутахассисларни юқори даражадаги маошли ишга таклиф қилиб ёзилган эълонларга кўзингиз тушади. Биз бугун шундай даврда яшаяпмизки, мутахассиснинг малакаси қанча юқори бўлса, унга шунча юқори ҳақ тўланади, у эъзозланади.

— Мен Хонобод маиший хизмат коллежида ўқиганимдан фахрланаман, — дейди биз билан суҳбатда мазкур коллежни «Котибалик иши" мутахассислиги буйича тамомлаган Дилноза Ярматова, — Ҳозирда мен, «Андижонкабель» Узбекистон—Россия қўшма корхонаси директорининг ёрдамчиси лавозимида ишлаб, яхшигина маош ҳам олмоқдаман. Коллежда олган билимларим, биз ўқиган муҳитдаги юқори муомала маданияти, тил билишим, компьютер технологиялари, хусусан интернет орқали ишлай билишим менга жуда қўл келяпти. Айниқса, хорижий ҳамкорлар билан инглиз, рус тилларида телефон, факс, электрон почта орқали буладиган алоқаларда ўзимни жуда эркин тутишим раҳбарларимизга ҳам манзур бўлмоқда.

Асака шаҳри ҳам 9-синф ўқувчиларини юз фоиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олишга эришган ҳудудлардан биридир. 2001-2002 ўқув йилида Асака касб-ҳунар коллежини менежмент, молия, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқшунослик, компьютер ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва ишлатиш, радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш ва ишлатиш йўналишларини 211 нафар ўқувчи ёшлар тамомладилар. Битирувчилардан 18 нафари олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга ният қилмоқдалар. 193 нафари эса бугунги кунда Асака дон махсулотлари ҳиссадорлик жамияти, «Тадбиркорбанк», «Пахтабанк», «Солиқ инспекцияси», «Тадбиркорлар палатаси» ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарида меҳнат қилмоқда.

Коллеж битирувчиларидан 6 нафари ўз отасининг тадбиркорлик борасидаги ишини давом эттириш ниятида. Масалан, Мамажоновлар оиласи Асака туманида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этган. Фермер хўжалиги раҳбари Н.Мамажонов бу йил фермер хўжалигида ҳисобчи лавозимида иш бошлаган қизи Шахноза Мамажонова ҳақида тўлқинланиб гапириб юради:

— Қизимнинг гайрати, шижоатини кўриб, ниятларини эшитиб жуда хурсанд бўлиб кетаман. Узига, ўз кучи, билимига ишонган, олдига қўйган мақсадларига эришишга қўзи етган одамдагина шундай қатъият булади. Келажакда ферма фаолиятини кенгайтириш, махсулот турларини кўпайтириш, тан нархини арзонлаштириш, хорижий алоқаларни йўлга қўйишда фарзандимнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимлари, иқтидори ва тадбиркорлик қобилияти асқотишига ишонаман. Насиб этса, бир-икки йил ишлаб тажриба ортиргач, бошқарувни унга топшираман. Мен қилолмаган ишларни қизим бажаришига, уддасидан чиқишига ҳеч шубҳам йўқ.

Иш берувчи корхона раҳбарларининг фикрларича касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан бу ёшлар аввалги билим юрти битирувчиларидан чуқур билими, эркин фикри, дадиллиги, бир неча ихтисосликни бажариб кета олиши, дунёқараши, маданияти, айниқса, компьютер технологияларида юқори даражада ишлай олиш қобилияти билан ажаралиб турар экан. Шу билан бирга улар ёшларнинг иқтисодий таҳлил, статистика борасида билимларидан мамнун эканликларини билдирмоқдалар.

Ҳар қандай ривожланиш асосини биринчи навбатда ҳаракат ташкил қилади. Айниқса, маълум ҳудуд раҳбарининг одамларни эзгу мақсад йўлида бошини қовуштириш, ҳар бир соҳада узоқни кўзлаб қилинган аниқ режа ва дастурларга эга бўлиш, ички имкониятлар, мавжуд ресурслардан имкон қадар самарали фойдаланишга бўлган интилиши шубҳасиз маълум муддат ичида уша ҳудудни мамлакатимизнинг гўзал ва обод, халқи фаровон гушасига айланишига сабаб бўлади. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бу ишларда муваффақиятни таъминловчи асосий восита малакали кадрлардир. Шунинг учун мазкур ҳудудда илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари қуламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва ҳусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги ва янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш ишларига қанчалик бошчилик қила олишига боғликдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасида айтилган ***«Маҳаллий давлат ҳокимият органлари: таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар; таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар...»*** деган сўзларда ҳокимликларнинг айни шу борадаги вазифалари таъкидланади.

Демак, маҳаллий давлат ҳокимият органлари мазкур ҳудуднинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ва заруратини вилоятнинг истиқболларини белгилашда, ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш, уларни кенгайтириш, янги-янги тармоқларини бунёд этишни режалаштираётган бир пайтда мазкур соҳаларда меҳнат қиладиган мутахассислар тайёрлашни ҳам ҳисобга олишлари шарт.

Бу қурсаткичларга эришиш учун саноат соҳасининг махсулотлар хажмини қарийиб 3 баробарга, қурилиш - монтаж ишлари хажмини 2,5 баробарга, хизматлар хажмларини 2,1 баробарга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хажмларини 1,2 баробарга купайтириш кузда тутилган...

Албатта, булар шунчаки рақамлар эмас, балки вилоятнинг ҳар томонлама пухта уйланган яқин йиллар ичида амалга оширадиган истиқбол режасининг айрим жиҳатлари. Бу билан вилоятда минглаб янги ишчи ўринлари вужудга келади. Аниқки, бу режаларнинг бажарилиши, керакли ресурслар билан бир вақтда энг муҳим омил—малакали кадрларни талаб қилади. Мана шу соҳа ва тармоқларда меҳнат қиладиган, унинг ривожини таъминлаб, шу билан бирга уз ҳаёти ва фаровонлигини ҳам таъминлайдиган малакали ишчи мутахассислар қаерда тайёрланади, қандай тайёрланади? Бунинг учун вилоят таълим муассасаларининг имкониятлари етарлими? Бу соҳалар учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш борасида мазкур режа ва таълим муассасалари режалари ўртасида уйғунлик мавжудми? Шу вақтгача Андижон вилоятида ташкил этилган, ташкил этиладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари 9-синфни битирадиган ёшларни тўла қамраб олишга, уларни айнан мана шу соҳалар ривожини таъминлаб берадиган мутахассислар қилиб етиштиришга улгурадиларми?

Бугунги кунда Андижон вилоятида 742 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб уларда 544,8 мингта ўқувчи таҳсил олмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кура вилоятда утган йиллар мобайнида янгитдан қуриш ва тубдан реконструкция қилиш ҳисобига 2025 ўқувчи ўрнига эга 3 та академик лицей, 32975 ўқувчи ўрнига эга бўлган 48 касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилди. Юқорида айтиб утганимиздек, 2002 йилда вилоятнинг Хонобод, Асака шаҳарлари ва Бўз туманида 9 синфни утиш лозим.

Аммо, бу соҳада белгиланган муҳим вазифаларни бажаришга ҳамма жойда ҳам жиддий эътибор билан қараляпти, деб бўлмайди. Юртбошимиз, 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигига бағишланган йигилишдаги маърузасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ амалга оширилган кенг қуламли ишларни эътироф этган ҳолда, 2001 йилда режадаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш Бухоро, Навоий, Тошкент, Самарқанд вилоятларида кечикаётгани, Хоразм, Навоий, Фарғона вилоятларида лойиҳа-смета ҳужжатлари, тендер савдолари утказиш борасида бир қатор камчиликлар борлигини айтиб утди.

Шу билан бирга «Узбекенгилсаноат», компанияси, «Узавтосаноат», «Узозиқовқатсаноат» «Узёгмойтамакисаноат» уюшмалари, «Уздонмахсулот», корпорацияси, «Узавтойул» концерни, «Узқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ва «Узмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» томонидан коллежларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари амалда ҳалигача бошланмаганлигини қайд этиб ут

Демак, бундай кўнгилсизликлар содир бўлмаслиги учун ҳар бир киши "Ҳаёт хавфсизлиги асослари"дан бохабар бўлиши, шундай офатлар юз берганида эсанкираб қолмасдан, тезкор ва онгли иш юрита билиши лозим бўлади.

Тил ўрганиш инсоннинг тафаккурини ғарҳлаб, ғеқсиз ахборотлар қулфини очишда калит бўлиб хизмат қилади.

Ma'rifat

РУҲИЙ БАРҚАРОРЛИК – ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСИ

Одамлар эртага нима бўлишини, қай бир фавқулодда ҳодисот рўй беришини, қай ташвиш ва не азият бошга тушишини билмай яшайдилар, уларнинг кундалик ҳаёт тарзи, оддий қисматлари ҳар доим бахтли сонияларга муяссар этилмаган. Ҳаётдан массурлик билан шундоққина ёнма-ён ногаҳоний мусибатлар, фавқулодда ғайри-табиий вазиятлар, кутилмаганда бахтсиз ҳолатлар кўнгилсизликлар содир бўлиб қолиши мумкин.

Дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу минтақасида юз бериб турган зилзилалар, вулқонлар отилиши, кемалар ҳалокати, ер ўпирилиши, қор кўчиши, сув тошқини, яшин уриши, жала ёғиб сел келиши, ёнғинлар, тўфонлар, довуллар, қурғоқчилик, терроризм каби техноген ҳамда табиий-экологик фавқулодда вазиятлар фикримиз далилидир.

Хўш, инсоният фавқулодда вазиятларни четлаб ўтиши, осуда ва мўътадил ҳаёт кечира олиши мумкинми? Афсуски, буни ҳеч ким айта олмайди. Фақат шу нарса маълумки, каттаю кичик фавқулодда вазиятлардан қисман сақлаш ва улар келтириб чиқарадиган оқибатларни кенг кўламда авж олдирмаслик мумкин. Ўқитувчи "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" машғулотларида муаммоли вазиятларни имкон қадар кўпроқ намойиш этолса, кинофильмлар ва кўргазмали воситалардан унумли фойдалана билса, турли мусобақалар ва танловлар ўтказиб борса, унинг амалий машғулотларида сўзсиз самара бўлади.

Демак, бундай кўнгилсизликлар содир бўлмаслиги учун ҳар бир киши "Ҳаёт хавфсизлиги асослари"дан бохабар бўлиши, шундай офатлар юз берганида эсанкираб қолмасдан, тезкор ва онгли иш юрита билиши лозим бўлади.

Яқинда Гулистон туманидаги 14-мактабда "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фанини умумтаълим мактабларида ўқитишни такомиллаштириш мавзусида бўлиб ўтган республика семинар-кенгашида шу мазмундаги муаммоларга ечимлар изланди.

Иштирокчилар мазкур мактабнинг 4-"Г" синфида ўқитувчи Санобар Мусаеванинг "Олов инсоннинг дўсти ва душмани" мавзусида, 6-"В" синфида ўқитувчи Шоҳида Сафарованинг "Авария хусусиятига эга бўлган турар-жойлардаги фавқулодда вазият" мавзусидаги, 9-"В" синфида ўқитувчи Кумушой Нормуҳамедованинг "Шикастланганда ва бахтсиз ҳодисаларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари" мавзусидаги очиқ дарсларини зўр қониқиш ҳисси билан кузатдилар. "Фуқаролар муҳофазаси" кабинетининг жиҳозланиши билан яқиндан танишилгач, кузатилган дарслар таҳлил қилинди.

Шу куни мактабда "Фуқаролар муҳофазаси куни" ўтказилиб, меҳмонлар бир қатор тадбирларнинг фаол иштирокчисига айландилар. Мактабнинг 9-синф ўқувчилари "Фуқаролар муҳофазаси" бўйича мушоира ва эстафета ўтказишди.

Куннинг иккинчи ярмида ялпи йиғилиш бўлиб ўтди. Унда семинар иштирокчилари Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари С.Худойбердиевнинг вилоят умумтаълим мактабларида "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фанининг ўқитилишини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳарбий-ватанпарварлик ва жисмоний тарбия бошқармаси бошлиғи Т.Муҳитдинов "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фанини ўқитишни ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳақида, Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бўлим бошлиғи Р. Қодиров ва шу вазирлик "Фуқаролар муҳофазаси" институти ўқитувчиси З.Илёсовалар "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" курсини ўқитишдаги муаммолар ва уларнинг ечими хусусида" маърузалар қилишди.

Республика семинар-кенгаши сўнгида давра суҳбати ўтказилди. Семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республика семинар-кенгашида Халқ таълими ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг масъул ходимлари, олимлар, мутахассислар, мамлакатимизнинг қатор вилоятларидан келишган меҳмонлар, умумтаълим мактабларининг "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фани ўқитувчилари иштирок этдилар.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Истиқлолга эришгандан сўнг Ўзбекистонимиз ўз олдига демократик тамойилларга асосланган адолатли фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйди. Шунга асосан, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди ва мана ўн йилдирки, бош Қомусимизнинг қабул қилинганлигини катта байрам сифатида нишонлаймиз. Мазкур шодиёна арафасида таҳририятимизга Конституциямизга бағишланган жуда кўплаб хатлар, мақолалар келди. Улар билан сизни ҳам қисман таништириб ўтмоқчимиз.

БУРЧГА СОДИҚЛИК

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлида шахснинг бурчга содиқлигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Ўз бурчини онгли англаган инсонгина табиатга, меҳнатга, Ватанга, инсонларга меҳр-муҳаббат қўя олади. Ҳозирги шароитда инсоннинг табиат ва авлодлар олдидаги бурчи, оилавий бурч янгича аҳамият касб этмоқда. Она Ватанга, халққа хизмат қилиш энг улуғ ва шарафли бурчдир. Худди шу бурчни адо этиб юрувчи инсоннинг бағри тоғдай юксак бўлади, уни ҳаёт мазмуни деб билади. Баъзан кундалик ҳаётимизда ёшларнинг оила, ота-она ва жамият олдидаги бурчини яхши англамаслиги сезилиб қолади. Қадимги ривоятларда ҳам, "Қобуснома"да ҳам ота-онани улуғлаш, уларнинг дилини оғритиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслиги таъкидланган.

О. ХУДОЁРОВА,
ЎзПФИТИ докторанти
П. ХЎЖАҚУЛОВ,
ТДЮИ талабаси

БЕШ ТАЛАБНИНГ БИРИ

Давлат тузилмасининг асосий беш талабидан бири бўлмиш Конституция— давлат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётининг ҳуқуқий асосларини, ички ва ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини, фуқаро ва давлат орасидаги узвий алоқани, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бурчларини белгиловчи муҳим ҳужжатдир. Унинг моҳиятини тўлиқроқ тушуниш учун қуйидаги ўхшатишга мурожаат қиламиз. Давлатимиз қонунларини пирамида тарзида жойлаштирсак, унинг чўққисидан Конституциянинг ўрин олиши, табиий. Жаҳон амалиётида "Энг ихчам конституциянинг таркибида сўз ва иборалар миқдори ҳам шунча кам бўлади", деган фикр илгари сурилади ва шу ўринда бизнинг бош Қомусимиз ҳам АҚШ Конституцияси сингари ихчам яратилган, унда давлат ва жамият ҳаётининг барча қирралари ўз ифодасини топган.

Элдор АҲМЕДОВ.

ИБРАТЛИ МАСКАН

Қибрай туманидаги Охунбобоев номли 17-мактабга келган киши бу ердаги ораставликни кўриб кўнгли қувнаб кетади. Истиқлол берган беқиёс имкониятлар самараси ўлароқ, мактабда 570 нафар ўзбек, қозоқ, тожик ва бошқа миллат вакиллари биргаликда 30 нафар изланувчан устозларидан билим оладилар. Мактаб биносига кўз ташлаб, ёшларга ҳуқуқий билимлар хазинаси очиб қўйилганлигининг гувоҳи бўласиз. Асосий Қомусимизни ёш авлод онггига сингдиришда билимдон ўқитувчи З. Икромова, М. Шариповларнинг ташаббусини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар ўқувчиларга қомусимизнинг ҳар бир моддасини жонли, ҳаётий воқеалар асосида ўргатмоқдалар.

Р. ДАМИНОВ,
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи

ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

Ҳуқуқий давлатнинг асосий таянчи унинг мустаҳкам ишланган конституциясидир. Асосий қомусимиз олдинлари амалда бўлган конституциялардан тубдан фарқ қилади. Давлатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, бурч ва масъулиятнинг тенглиги ҳаётнинг барча соҳаларида алоҳида ҳисобга олиниб иш юритилади. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганларидек, қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади. Бош қомусимиз фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

С. РАЗЗОҚОВ,
талаба.

ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Халқимизнинг бугуни ва келажакдаги ишончи, асосий ҳужжати ҳисобланган Конституциямизнинг қабул қилиниши бутун жаҳон халқлари орасида юртимизнинг ўзлигини ва обрўсини белгилаб берди. Аждодларимиз шу бугунгидек ёруғ кунларда яшашни, инсон қадри ва шаъни улуғланган адолатли давлат барпо этишни орзу қилганлар. Не бахтки, энди у бизнинг қўлимизда. Қомусимиз— бизнинг жамиятимиз ва сиёсий турмушимизнинг барча томонларини ўзида акс эттирувчи кўзгу бўлиб ҳисобланади.

Г. САПАРОВА,
ўқитувчи

ЎҚУВЧИЛАР МАСЪУЛИЯТИ

"BIOEKOSAN" республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактаб ўқувчилари иштирокида Республикамиз Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган "Табиатни муҳофаза қилишнинг Конституциявий асослари" мавзуида тадбир ўтказди. Унда ўқувчиларнинг қомусимиз қоидалари ва тамойиллари асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилишлари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиб, кўкаламзорлаштириш ишларида ўз ҳиссаларини қўшишлари кераклиги ҳақида қизғин мунозара бўлди.

Азиз НОРҚУЛОВ,
ЎзМУ талабаси

ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Халқимизнинг бугуни ва келажакдаги ишончи, асосий ҳужжати ҳисобланган Конституциямизнинг қабул қилиниши бутун жаҳон халқлари орасида юртимизнинг ўзлигини ва обрўсини белгилаб берди. Аждодларимиз шу бугунгидек ёруғ кунларда яшашни, инсон қадри ва шаъни улуғланган адолатли давлат барпо этишни орзу қилганлар. Не бахтки, энди у бизнинг қўлимизда. Қомусимиз— бизнинг жамиятимиз ва сиёсий турмушимизнинг барча томонларини ўзида акс эттирувчи кўзгу бўлиб ҳисобланади.

Г. САПАРОВА,
ўқитувчи

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган Конституциямизнинг 10 йиллиги шодиёнаси Мирзо Улуғбек тумани қўшимча таълим мажмуасида ҳам катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Тадбирда ўқувчиларнинг Қомусимизни изоҳлаб берувчи энг яхши реферат, плакат ва китобчаларининг кичик танлови ҳам ўтказилди. Бугун биз устозлар кўҳна заминимиз маърифий булоқларининг кўзини очиб, буюк келажак сари юз тутаётган юртимизнинг порлоқ келажаги учун пойдевор яратишимизга ҳеч ким, ҳеч қачон тўсқинлик қила олмайди.

Ширмоной АСРАНОВА,
ҚТМ услубчиси

МАКТАБНИНГ "ЧОРАК ЎҚУВЧИСИ" БОР

ёхуд ягона ва янгиликларга бой маскан

МАКТАБ ҲАҚИДА...

1944 йилда пойтахтимизда, Чирчиқда ва Наманганда хитой тилини ўқитадиган мактаблар очилган эди. Кейинчалик шу учала мактабдан иккитаси ўзининг тил ўргатиш йўналишларини ўзгартиришганидан сўнг Шайхонтоҳур туман ХТБга қарашли 59-умумтаълим мактаб республикамиздаги ягона хитой тилини ўргатувчи таълим-тарбия ўчоғига айланиб қолди. Мустақиллик ҳамма жабҳалар каби ушбу мактаб фаолиятида ҳам туб бурилишлар ясади. 1991 йилда мактабда Хитой халқининг маданияти, санъати, тарихи ва умуман ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи мўъжазгина музей очилганида, хитойлик меҳмонларнинг хурсандчилиги чексиз бўлди ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан "Хитой Халқ Республикаси" газетасида икки саҳифали ушбу мактаб ҳақидаги мақола эълон қилинди. Юртимизда Хитой Халқ Республикасининг элчихонаси очилганидан сўнг, мазкур мактабга бўлган эътибор кучайиб, аввал иқтисодий томондан, кейинчалик техник воситалар билан таъминланди. "Хитой маданияти кунлари" ўтказилганда мактаб ўқувчилари қўлларидан келганича Хитой миллий кийимларини топишиб, бадиий чиқишлар қилишганида, ўша пайтдаги Хитойнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Цзин Сянь ва бошқа ходимлар тўлқинланиб кетганидан, мактабга миллий кийимлар, бадиий китоблар ва ўқув қўлланмалари тақдим этишганди. Умуман, мактаб ҳаётида бундай эсда қоларли кунлар жуда кўп бўлган.

Яхши биламиз, ҳеч қандай сабабсиз бирор ўзгаришга эришиш мумкин эмас, шунга яраша иш ҳам олиб борилаяпти.

МАКТАБ — ФИДОЙИЛАРНИНГ ВАТАНИ

57 йилдан бери шаклланиб сайқал топган маърифий анъана шу даргоҳ ўқувчисини ҳам, ўқитувчиларини ҳам халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни чуқурлаштиришга, Ватанимизнинг халқаро майдонда нуфуз топишига кўмаклашиш руҳида тарбиялаяпти, десам муболаға қилмайман. Чунки бу ерда таълим олган ўқувчиларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва бошқа обрўли олий ўқув юртларида таҳсил олиш жараёнида ўзларининг жонажон мактабларида амалиёт ўтайдилар. Ва мутахассисликлари тақозо этса, бошқа жойдан овора бўлиб иш қидириб юрмасдан, албатта, яна шу мактабга келиб таълим беришади. Бундай дейишимга сабаб, мактабдаги кадрларнинг аксарияти шу ерни битирган собиқ ўқувчилар экан.

Одатда, ижодий муҳит, меҳнатнинг самараси, илмнинг қадри бор жойда хўжакўрсинга ишлаб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаб халқнинг маънавий зарарига хизмат қиладиганлар учрамайди. Мабодо, адашиб пайдо бўлиб қолса ҳам, бундай шароитдан ўзидан-ўзи сиқилиб чиқиб кетади. Аксинча бўлганлар эса, заҳматларининг роҳатини кўриб, шогирдларининг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиши, шубҳасиз. Намуна тарзида ҳавас билан тилга олаётганимиз мактаб директори Фахриддин Шамсиев худди шундай устозлардан талайгинаси билан таништириб ўтдики, лекин уларнинг барчаси ўз ишлари билан банд эканлигини кўриб, халал беришдан ўзимизни тийдик. Фақатгина катта танаффус пайтида 45 йилдан ортиқроқ умрини шу илм масканига бағишлаган мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Мели опа Шарипова билан мазмунли суҳбат қуришга муваффақ бўлдик.

— Мен сизга айтсам, ўқитувчининг касал бўлиши мумкин эмас. Ўқитувчининг бир кун дарсга келолмай қолгани юздан ортиқ ўқувчисининг қимматли вақти бекор ўтишига, шу фанга бўлган иштиёқи сўнишига, уйга вазифасини тайёрлашдек масъулиятни ҳис қилишидан маҳрум бўлишига сабабчи бўлади. Лекин, шунча йилдан бери мадордан қолиб, юролмай қолмасам, бошқа енгил-елпи дардларни писанд қилмай мактабга ошиқаман. Грипп бўлган пайтларимда оёғимнинг тагига горчичник қўйиб, устидан пайпоқ кийиб дарсга келганман. Ҳозирги ёш муаллимларга ҳам ҳар доим шуни айтаман. Бекорга мактабни фидойиларнинг Ватани дейишмаганда... — дейди қуюнганича Мели опа.

Ҳақиқатан ҳам бу гапларни келтириб ўтиш биз учун қарз. Чунки, ҳаётий тажрибалардан келиб чиқиб айтилган гаплар ҳар доим исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлади.

"ЧОРАК ЎҚУВЧИСИ" — БУ ТАЖРИБА ОММАЛАШТИРИШГА АРЗИЙДИ

Юқоридаги тасвирлашларимиздан мазкур мактаб иш фаолиятининг қай даражада эканлиги тўғрисида сизларда тасаввурлар пайдо бўлди, деб ўйлаймиз. Шубҳасиз, шундай ҳаракатлар эвазига мактаб ўқувчилари қайтараётган жавоблари ҳам муносиб бўлаяпти.

Маълумки, бутун дунё ҳозирда эркинлик тарафдори. Давлатчилик бошқарувида ҳам, ишлаш, ижод қилиш, фикрлашда ҳам... Сабаби, "қотиб қолган", "қолипдан чиқмас" фикрлар янги ғоялар, тасодифий кашфиётлар, хилма-хил фикрлар рақобатидан етилиб чиқадиган сара янгиликларни чеклаб, ривожланишни ўзгармас маромга тушириб қўйишига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз. Шунинг учун бугун ноанъанавий дарслар, ўқувчининг ўзи устида кўпроқ ишлашига ундовчи интеллект-клублар ташкил бўлишига ҳамма яхши назар билан қараяпти. Буни вақтида англаб етган мактаб қошида "Zakovat" иқтидорли ўқувчилар клуби ташкил этилган. Мактабда таълим олаётган иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш келгусида ўз мақсадлари йўлида оғишмай ҳаракат қилишга ўргатиш ва рағбатлантириш маъносида уларни оммавий ахборот воситалари орқали элга танитишни кўзлаган ушбу клубда анчагина амалий ишлар қилинибди. Шулардан бири "Чорак ўқувчиси" илк танловидир.

Мактабнинг собиқ ўқувчилари — Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетининг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси илмий тадқиқотчиси Дилшод Саъдуллаев ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг информацион технологиялар ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бош бошқармаси услубчиси Фарҳод Акбаровлар ташаббускорлигида "Zakovat" телеўйинининг Ҳабибулла Ражабов командаси "Zakovat": истеъдодларни излаб" лойиҳаси доирасида "Чорак ўқувчиси" илк танловини ўтказишди. 9, 10, 11-синфлар ўртасида бўлган танлов иштирокчиларининг уч босқичда билимлари синалди. 1-босқич — IQ-test, яъни мантиқий тестдан иборат бўлди. Бу ҳақда икки оғиз сўз. IQ-test бутун дунёда кенг тарқалган ёшларнинг фикрлаш коэффициентини юқори даражада аниқловчи усул. Унинг саволларини тўғри баҳолаш учун ҳар бир инсон чуқур ўйлаши, аниқ бир тўхтамга келиб, қарор чиқариши талаб қилинади. Шу боисдан ҳам ўқувчининг шахсий мустаҳкам фикрга эга эканлигини текшириш учун 1-босқични IQ-test тарзида ўтказилиши ҳаммага маъқул келди. 2-босқич "Менинг орзуим" мавзусидаги иншо ёзиш орқали ўтказилди. Чунки ўқувчи орзуларидан унинг келажакда ким бўлиши, мақсадлари, жамиятга бўлган муносабатлари ойдинлашади. 3-босқич эса дунёқарашни синовчи турли мавзули суҳбатдан иборат бўлди. Бунда ўқувчининг жамоатчилик, ташкилотчилик қобилияти, равон нутқи орқали устунликка эришиши ва тезкорлик билан воқеликка муносабат билдириб, хулоса ясаш жиҳатлари инобатга олинди. Айтиш керакки, танловда қатнашчиларнинг дарс мобайнида олаётган баҳолари инобатга олинмади. Чунки паст ўзлаштирувчи ўқувчи ҳам кўпқирралиистеъдодга эга бўлиши мумкин. Хуллас, учинчи — савол-жавоб шартида бошқа босқичлардан юқори балл тўплаган 3 нафар ўқувчи иштирок этди ва барча жараён одилона ўтиши учун ўқитувчи ва ўқувчилардан иборат кузатувчилар гуруҳи томонидан назорат қилинди. Кўнгилли ўқувчилар иштирокидаги танлов кескин кураш майдонида кечганлигига ҳайрон қолмасак ҳам бўлади. Чунки, бир чорак мобайнида бериладиган 10 минг сўм миқдоридаги стипендия ва энг асосийси, бутун мактабдаги синфдошлари, бошқа синф ўқувчиларининг ҳавасига мушарраф бўлиш шунчаки бир гап эмас. Айни шарафга 10-синф ўқувчиси Беҳзод Муҳаммадиев сазовор бўлиб, чорак мобайнида кўкрак кериб юрадиган бўлди. Иккинчи, учинчи ўринларга эса Баҳодир Файзиев билан Ойбек Шосаидовнинг билимдонлиги лойиқ топилиб, рағбатлантирилди. Рағбатлантириш пайти бутун мактаб йиғилган ҳолда ҳамда ота-оналар иштирокида битта "Чорак ўқувчиси"нинг ёрлиғи, 2 та Фахрий ёрлиқ ва совғалар топширилди. Айниқса, ота-оналар бу ташаббускорликка хайрихоҳлик билдиришиб, бундан кейин имкон қадар уни қўллаб-қувватлашларини айтишди. "Чорак ўқувчиси" — Беҳзод билан гаплашганимда у:

— Билимларимнинг мактаб бўйича юқори баҳоланганлиги мени янада яхши ўқишга, жамоатчилик ишларида фаол қатнашишга ундайди. Йўқса, кейинги чоракда бу "унвон"дан айрилиб қолишим мумкин, — дейди.

Ойбек билан Баҳодир эса:

— Биз хорижда "Чорак ўқувчиси", "Чорак билимдони" номинациялари бўйича стипендиатлар бўлишлигини чет элда ўқиб келишган ака-опаларимиздан эшитган эдик. Мана, энди бу тажриба бизнинг мактабимизда ҳам синаб кўрилганлигидан хурсанд бўлдик. Ҳатто, бошқа мактаблардаги ўртоқларимиз ҳам бунга қизиқиш билан қараётганини ўқитувчи Шоҳида Сафарованинг "Авария хусусиятига эга бўлган турар-жойлардаги фавқулодда вазият" мавзусидаги, 9-"В" синфида ўқитувчи Кумушой Нормуҳамедованинг "Шикастланганда ва бахтсиз ҳодисаларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари" мавзусидаги очиқ дарсларини зўр қониқиш ҳисси билан кузатдилар. "Фуқаролар муҳофазаси" кабинетининг жиҳозланиши билан яқиндан танишилгач, кузатилган дарслар таҳлил қилинди.

Шу куни мактабда "Фуқаролар муҳофазаси куни" ўтказилиб, меҳмонлар бир қатор тадбирларнинг фаол иштирокчисига айландилар. Мактабнинг 9-синф ўқувчилари "Фуқаролар муҳофазаси" бўйича мушоира ва эстафета ўтказишди.

Куннинг иккинчи ярмида ялпи йиғилиш бўлиб ўтди. Унда семинар иштирокчилари Сирдарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари С.Худойбердиевнинг вилоят умумтаълим мактабларида "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фанининг ўқитилишини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳарбий-ватанпарварлик ва жисмоний тарбия бошқармаси бошлиғи Т.Муҳитдинов "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фанини ўқитишни ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳақида, Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бўлим бошлиғи Р. Қодиров ва шу вазирлик "Фуқаролар муҳофазаси" институти ўқитувчиси З.Илёсовалар "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" курсини ўқитишдаги муаммолар ва уларнинг ечими хусусида" маърузалар қилишди.

Республика семинар-кенгаши сўнгида давра суҳбати ўтказилди. Семинарда билдирилган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республика семинар-кенгашида Халқ таълими ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг масъул ходимлари, олимлар, мутахассислар, мамлакатимизнинг қатор вилоятларидан келишган меҳмонлар, умумтаълим мактабларининг "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" фани ўқитувчилари иштирок этдилар.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ

ҲОМИЙЛАР ҲАМ ТОПИЛАДИ...

Ушбу лойиҳа устида бош қотиришган Дилшод Саъдуллаев ҳамда Фарҳод Акбаровлардан ташаббуслари ҳақида сўраганимизда:

— Бизнинг асосий мақсадимиз, ўқувчиларни ёшликдан билимнинг қадрига етишга, ҳар доим тинмасдан изланишга ўргатиш. Бу тажриба юқори синфларда қизиқиш уйғотганини кўриб, энди қуйи синфлар ўртасида ҳам "Чорак ўқувчиси"ни аниқлашга ният қилиб турибмиз, — дейишди.

Стипендия маблағи тўғрисидаги қизиқишларимизга эса:

— Ҳозирча бу масалани ўзимиз ҳал қилишга уринаяпмиз. Лекин кейинчалик ҳаракатларимиз оммалашиб, самараларини бера бошлаганидан сўнг ҳомийлар ҳам топилишига ишонамиз. Чунки маърифатнинг кучини билган сахийлар сарфлаётган маблағларининг келажакда беҳисоб фойда келтиришини тушуниб етишса, ҳеч қачон оғринмайдилар.

Ҳақиқатан ҳам бу гапларда жон бор. Ушбунинг исботини ўқиш ва ишларидан вақт ажратиб, лойиҳани жорий қилган собиқ ўқувчилар ҳаракатларида кузатдик. Бундай дейишимизга сабаб, фақат шу билангина улар чекланиб қолишмади, балки Дилшод мактабда математикадан бепул тўгарак очиб, 12 нафар ўқувчига "ақл машқлари"ни ечишга ёрдам бераяпти. Фарҳод ҳам эндиликда инглиз тили тўгараги ташкил қилмоқчи. Бунга мактабда эҳтиёж бор. Яхшиси, бу ҳақда кейинги бўлимда батафсилроқ тўхталиб ўтсам.

Ўқувчилар инглиз тилини ҳам ўрганишмоқчи. Уларга янги китоблар керак.

Биламизки, тил ўрганиш инсоннинг тафаккурини чархлаб, чексиз ахборотлар қулфини очишда калит бўлиб хизмат қилади. 59-мактаб нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда таниқли ягона хитой ва қисман корейс тилларини ўқитишга ихтисослаштирилгани боис бу ерда ўқишни ўқувчилар ўзлари учун фахр деб билишади. Улар шу мактабдан моҳир таржимонлар, элчихона ходимлари чиққанини ғурурланиб тилга олишади. Ўзлари ҳам 1-синфдан бошлаб хитой (қисман корейс) тилини ўрганишга сидқидилдан ҳаракат қилишади. Шу кезда ёзувлари энг қийин бўлган ушбу тилларни ўргатишда Наима Ҳайдарова каби устозларнинг меҳнатлари катта бўлаётганлигини айтиб ўтиш ўринли.

"Zakovat" иқтидорли ўқувчилар клуби аъзоларининг фикрлари билан ўртоқлашар эканман, улар хитой (қисман корейс) тилини ўргатишда ўқитувчилар маҳоратида ҳеч ҳам камчилик йўқлигини, фақатгина ўқув қўлланмаларининг озгина тақчиллигини ва қолаверса, вақтлар ўтиши билан уларнинг эскирганини бирмунча хомушлик билан гапиришди. Шунингдек, айрим тиниб-тинчимаслар мактабда иккинчи тил сифатида инглиз тилини ҳам дарс соатлари қилиб ўтилишининг тарафдори эканликларини, ҳатто бу истакларини амалга ошириш учун директорни ҳоли-жонига қўйишмаётганликларини-да, яширишмади.

Ўйлаймизки, янги китоблар масаласи ҳозирда Хитой билан йўлга қўйилаётган кўплаб халқаро алоқаларнинг кичиккина бир бўлаги сифатида ижобий томонга ҳал бўлади. Зеро, дунё аҳолисининг олтидан бир қисми сўзлашадиган хитой тилини ўргатувчи мактабнинг Ўзбекистонда фаолият олиб бориши ҳам салкам қўшнимиз бўлган қудратли давлат ва унинг олиб бораётган сиёсатига бефарқ эмаслигимиздан далолат беради.

Қанча кўп тил билсак, шунчалик ўзимизга фойда, деган ақидага амал қилиб, қўшимча тарзда инглиз тилини ўрганмоқчи бўлаётган ўқувчилар истаги ҳам мутасаддилар томонидан ўрганиб чиқилади.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИ

Бош Қомусимизнинг 10 йиллигига бағишлаб, мактабимиз ўқувчилари 25-мактабдаги тенгдошлари билан "Конституция ва биз" мавзусидаги беллашувда қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдилар. Бизга бундай тадбирларда яқиндан кўмак бераётган ўқитувчимиз Асфандиёр Ўринбоев бўладилар. Устозимиз бераётган таълимлари асосида биз келажак авлодлар Ватан олдидаги бурч ва мажбуриятларимиздан бохабар бўлмоқдамиз. Мен истардимки, бошқа тенгдошларимиз ҳам Қомусимизнинг ҳар бир моддасини ёд олишиб, унга амал қилсалар, Юртбошимиз орзу қилганларидек, баркамол авлод бўлиб вояга етамиз.

Лобар ҚУРБОНБОЕВА,
Ангрен шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси

ҚОМУСНИ ДАРСЛАР БИЛАН БОҒЛАШ

Мазкур ўқув йилида 1-4-синфларда 10 соатлик "Конституция алифбоси", 5-7-синфларда 17 соатлик "Конституция оламига саёҳат" махсус курсларини ўқитиш жорий қилинди. Тажрибадан маълумки, Конституцияни бевосита дарс жараёнида ва дарсдан ташқари тарбиявий тадбирлар давомида ўрганиш ташкил қилинган. Ҳар бир фан ўқитувчиси қомусимиздан дарс жараёнида ўринли ва унумли фойдаланишни асосий мақсад қилиб қўймоғи лозим. Барча фанларни ўқитиш давомида Конституциядан бой манба сифатида фойдаланиш лозим. Ана шундагина қомусий билимлар мустаҳкамланиб, эзгу мақсадлар сари қадам ташлаймиз.

Шавкат ЯРАШЕВ,
Вобкент туманидаги
20-мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси

Hay'at yig'ilishida

КАМЧИЛИКЛАР ҚАЧОН БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилояти таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Халқ таълими вазири, ҳайъат мажлиси раиси Рисбой Жўраев бошқариб борган мазкур мажлисда дастлаб Сурхондарё вилоятида мазкур масала юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳусусида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Эргашевнинг ахбороти тингланди. Сўнгра вазирлик ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Т.Муҳиддинов вилоят таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасидаги амалга оширилаётган ишлар юзасидан тегишли натижалари бўйича таҳлилий маълумот берди.

Маърузачилар ўз чиқишларида Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси, унинг тасарруфидаги ва шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан ўқувчи кун тартибидаги масала юзасидан маълум ишлар амалга оширилаётганини айтиб ўтдилар.

Дарҳақиқат мажлисда таъкидланганидек, вилоят халқ таълими бошқармаси билан жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида қабул қилинган "Сурхондарё вилояти халқ таълими муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган истиқбол дастури"га биноан вилоятдаги 792 та умумий ўрта таълим мактаблари, 16 та болалар-ўсмирлар спорт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи ва мураббийларга услубий ёрдам бериш ҳамда малакасини ошириш ва бошқа ташкилий-педагогик ишлар режалаштирилган.

Жисмоний тарбия машғулотлари ўтказилаётган 279 та спорт заллари, 559 та футбол, 274 та кичик футбол, 903 та волейбол, 366 та қўл тўпи, 460 та баскетбол майдонлари, 11 та теннис кортлари ва бошқа спорт иншоотларидан унумли фойдаланиш, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, спорт жиҳозлари билан таъминотини яхшилаш бўйича сезиларли ижобий ишлар қилинган.

Спорт байрам тадбирларини ўтказиш ва уларда миллий спорт турлари ва бошқа ўзбек миллий ҳаракатли ўйинларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги натижасида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари самарадорлиги ортган.

Термиз шаҳри, Қизириқ, Денов, Узун, Жарқўрғон туманларидаги таълим муассасаларини зарурий спорт жиҳозлари билан таъминланганлиги, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ҳар жиҳатдан рағбатлантириб борилиши, илғор ташаббусларни қўллаб-қувватланиши натижасида, уларнинг ўқувчилари вилоят ва Республика миқёсидаги айрим ютуқларга эришмоқдалар.

Сурхондарё вилояти ўқувчи-ёшлари спорт жамоалари 2001-2002 ўқув йилида ўтказилган "Умид ниҳоллари" мусобақаларида 9-ўринни эгаллаб, "Қувноқ стартлар" мусобақаларида, футбол мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасидаги футбол ўйинларида, "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақаларида фаол иштирок этдилар.

Вилоят ташкилотлари, ҳомийлар ҳам ўқувчи-ёшлар жисмоний тарбияси ва болалар спортини ривожлантиришга маълум ижобий ҳиссаларини қўшмоқда. Жумладан, 2001-2002 ўқув йили давомида мактаб спорт иншоотларини қуриш ёки таъмирлаш учун 130 миллион сўмга яқин амалий ёрдам берилди, шунингдек, спорт иншоотлари учун 40 гектар ер майдонлари ажратилди.

Узун тумани Б.Омонов номидаги ширкат хўжалигига қарашли 5 минг ўринли "Оқ олтин" ўйинғоҳи туман футбол-мактаби ихтиёрига берилди.

Ҳайъат мажлисида шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан ўқувчи-ёшлар жисмоний тарбияси ва болалар спортини ривожлантиришга маълум ижобий ҳиссаларини қўшмоқда. Жумладан, 2001-2002 ўқув йили давомида мактаб спорт иншоотларини кенгайтириш, белгиланган меъёрлар асосида жиҳозлашга, ўқитувчи ва мураббийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга жалб қила олмаган.

Ҳайъат мажлисида сўзга чиққанлар мазкур масала юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билан ўртоқлашдилар. Мажлисда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жаҳонгир МУСАЕВ
Халқ таълими вазирлиги матбуот сектори раҳбари

ҚОМУСИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Республикамиз Конституциясининг қабул қилинганига 10 йил тўлди. Шу муносабат билан пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги Л.Б.Шастри номидаги 24-мактабда "Қомусимиз — фахримиз" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон Дипломатия университети профессори Сухаш Чакраборти, Ҳиндистон маданият маркази директори Жеймс Лобо, ҳинд адабий меросининг жавоҳирларидан ҳисобланган "Рамаяна" эпосини ҳинд тилидан ўзбек тилига таржима қилган адабиётшунос олим Муҳаммад Али ҳамда мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Тадбирда Ҳиндистон Дипломатия университети профессори Сухаш Чакраборти сўзга чиқиб, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шундай баҳо берди:

- Конституция ҳуқуқий-демократик давлатнинг энг асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Унинг қанчалар мукаммал ишлаб чиқилиши, мамлакатда амал қилиниши ва айниқса, халқ манфаатларига хизмат қилаётганлиги мамлакат халқининг эртанги куни порлоқлигидан далолат беради. Бевосита Ўзбекистон Республикасини мен ана шундай эртаси порлоқ мамлакатлардан бири сифатида биламан. Сабаби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек халқининг манфаатларини, хоҳиш-истакларини ўзида акс эттирган ва уларга хизмат қилаётган ягона, мукаммал Конституция, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, тадбирда Ҳиндистон маданият маркази директори Жеймс Лобо, адабиётшунос олим Муҳаммад Алилар ҳам сўзга чиқишиб, йиғилганларни мазкур байрам билан табриклаб, юртимиз тарихида бу сана энг қутлуғ кунлардан бири эканини таъкидладилар.

Тадбир сўнгида 9-синф ўқувчилари Муқаддас Ризаева, Камола Умархўжаевалар ҳинд миллий қўшиқ ва рақсларини ижро этишиб, йиғилганларга хуш кайфият бағишладилар.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Маърифат" мухбири
Суратларда: тантанадан лавҳалар.
Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Konstitutsiyani o'rganamiz

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёт даражаси унинг иқтисодиётининг ҳолати орқали белгиланиши барчага маълум. Бироқ, айнан иқтисодиётнинг барқарорлигига эришиш, унинг ривожланиши учун маълум шарт-шароитлар, биринчи навбатда, ҳуқуқий асосларнинг таъминланиши зарурлиги барчага ҳам бир хил даражада аён, деб бўлмайди. Чунки иқтисодий тараққиёт, барқарорликнинг мавжуд ҳуқуқий асослари даражасига боғлиқлигини англаш ва эътироф этиш учун жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини ҳар иккала соҳа нуқтаи-назаридан таҳлил қила билиш, баҳолай олиш лозим.

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, жамиятда рўй берувчи ҳар қандай иқтисодий муносабат қонунчилик томонидан белгилаб берилган муайян ҳуқуқий шаклга мувофиқ келиши зарур.

Шунга кўра, махсус қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар орқали жамиятдаги иқтисодий фаолият ва жараёнларнинг ҳуқуқий негизлари ишлаб чиқилади. Бу борада давлатларнинг Конституциялари етакчи ўрин тутади. Бироқ, иқтисодиёт асосларининг Конституцияда белгилаб берилиши ҳам мазмун, ҳам ҳажм жиҳатидан турли мамлакатларда турлича тавсиф касб этади. Жумладан, 1787 йилда қабул қилинган, 7 моддадан иборат АҚШ Конституцияси, 1958 йилда қабул қилинган, 92 моддадан иборат Франция Конституцияси, 139 моддани ўз ичига олувчи Италия Конституцияси ва 150 моддали Австрия Конституцияси мамлакатда рўй берувчи иқтисодий жараёнларни бир хил тарзда ифодалаб беради, дейиш асоссиз албатта.

Маълумки, Конституция – асосий қонун, ёки "қонунларнинг қонуни" бўлиб, унда жамиятда кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий ҳодиса ва воқеаларнинг, жараёнларнинг ҳуқуқий асослари умумий тарзда ўз аксини топиши лозим. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бугунги кунда мамлакатимизда рўй бераётган иқтисодий ислоҳотларнинг амалга ошишида Конституциямизнинг ўрни қай даражада? Иқтисодий жараёнларнинг Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқий асослари тараққиёт учун етарли имконият очиб бера оляптими? Конституциямиз бугунги ва эртанги кундаги барча ҳодисаларни қамрай, ифодалай оладими?

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бугунги даражаси бу саволларга умумий тарзда "ҳа" деб жавоб бериш билан кифояланиш учун етарли ҳисобланади. Бироқ, бу саволларга атрофлича жавоб бериш учун яна бир бор Конституцияга ва мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларга, улар орқали қўлга киритилаётган ютуқларга мурожаат қилиш ўринлидир.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси биринчи навбатда иқтисодиётнинг сифат ва мазмун жиҳатдан янги шаклига, яъни бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтишини белгилаб берди. Маълумки, собиқ Иттифоқ таркибидаги барча республикалар қаторида Ўзбекистонда таркиб топган маъмурий-буйруқбозлик тизими учун ҳам мулкнинг ўта даражада давлатлашуви, давлат мулкининг якка ҳукмронлиги хос эди. Бу эса хўжалик юритишни режали тартибда олиб бориш билан асосланиб, мазкур ҳолатнинг амал қилиши натижасида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг серхаражат тавсифи; меҳнат унумдорлигини ошириш учун рағбатнинг йўқлиги ёки пастлиги; техника ва технологиянинг ривожланишида турғунлик; иқтисодий ҳаёт барча жабҳаларининг давлатлашуви, хўжалик субъектларининг табиий муносабати сифатида пинҳона иқтисодиётнинг ўсиши каби жиддий муаммо ва салбий оқибатлар юзага келди.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий асоси бўлиб мулкчилик шаклларининг турли-туманлиги ҳисобланади ҳамда давлат ва жамият қурилишида ҳақиқий мулкдорлар синфи қандай ўрин тутишидан келиб чиққан ҳолда умуман жамиятда барқарорлик бўлади. Ишлаб чиқарувчининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш учун мулкчиликнинг бутун таркибий тузилмаси ҳамда уни амалга оширишнинг шаклларида туб ўзгаришларни олиб бориш тақозо этилди. Чунки, мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги жамиятдаги турли иқтисодий манфаатларнинг рўёбга чиқиши учун замин, асос яратади. Ҳар бир алоҳида шахснинг манфаатларини амалга оширишнинг самарали механизмини яратмай туриб эса тараққиёт йўлидан бориш мумкин эмас.

Айнан Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг 53-моддасида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди", деб белгилаб берилиши мамлакатимизда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш учун қулай муҳитни яратишга қаратилган чора-тадбирларни бошлаб берди.

Натижада бугунги кунга келиб, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг мулк шакллари бўйича таркиби қуйидаги кўринишда бўлди: давлат мулки - 22,7, фуқароларнинг хусусий мулки - 35,5, деҳқон ва фермер хўжаликлари мулки - 2,1, кооператив мулк - 4,8, жамоа мулки - 0,5, хўжалик бирлашмалари мулки - 15,6, акциядорлик жамиятлари мулки - 0,6, жамоат ва диний ташкилотлар мулки - 0,1, қўшма корхоналар мулки - 4,9 фоиз.

Асосий қонунимизда хусусий мулкка алоҳида эътибор қаратилиб, унинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлигини алоҳида таъкидланиши, Ўзбекистонда бунга қадар мавжуд бўлган Конституциялар тараққиётидаги энг муҳим янгилик сифатида баҳолаш мумкин. Чунки, шуни тан олишимиз ва доимо эътиборда тутишимиз керакки, бугунги кунда ҳам аҳоли маълум бир қисмининг хусусий мулк, тадбиркорлик, даромадларнинг эркин шаклланиши тизимига салбий муносабатда бўлиши ҳоллари учраши мумкин. Бу ҳолат тоталитар тизимнинг бир неча ўн йиллар давомида ҳукмронлиги оқибатида шаклланган боқимандалик кайфиятлари, давлатнинг ёрдамига умидворлик билан бир қаторда хусусий мулкнинг ўзига хос табиати ва хусусиятлари, яъни:

— хусусий мулкнинг узоқ йиллар давомида таъқиб қилиб келиниши;

— бу мулкнинг омма тасаввурида салбий таассурот қолдирганлиги;

— хусусий мулк бошқа мулк турларига нисбатан манфаатдорликни кучлироқ намоён эта олишидан келиб чиққан ҳолда юзага келади.

Конституциямизда хусусий мулкнинг даҳлсизлиги ва давлат ҳимоясига олинганлиги тўғрисида тўхталар эканмиз, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шахсан ўзи турли доираларда бундай кафолатлар тўғрисида мунтазам равишда, қайта-қайта таъкидлаб келмоқда. Жумладан, Юртбошимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзлаган маърузасида "Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур кафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда", деб таъкидланиши ҳам бунинг яққол далилидир. Ушбу масаланинг республикамиз учун ҳаётий муҳимлигини инобатга олиб, бундай "баёнот" асосий қонунимиз – Конституцияда ҳам алоҳида белгилаб берилди.

Мазкур кафолатларни амалга ошириш мақсадида хусусий, кичик ва ўрта бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги турли даражадаги тузилмаларини ўз ичига олувчи тизим шакллантирилди:

— давлат бошқарув органлари (Давлат мулк қўмитаси);

— тадбиркорларнинг жамоат бирлашмалари (Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси, Тадбиркор аёллар ассоциацияси);

— молия-кредит муассасалари (Бизнес-фонд, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди, Тадбиркорбанк);

— суғурта таъминоти ("Мадад" суғурта агентлиги) ҳамда тадбиркорларни ахборот-маслаҳат бўйича қўллаб-қувватлаш ва тайёрлаш муассасалари (ТИЧТП ахборот-маслаҳат марказлари, бизнес-инкубаторлар, бизнес-мактаблар);

— ҳом ашё ва материаллар таъминоти, тайёр маҳсулотни сотиш бўйича инфратузилма муассасалари (Ўзулгуржибиржасавдо, Республика товар-хомашё биржаси, Агросаноатбиржаси, Ўзсавдомаркази, минтақавий ва ихтисослаштирилган бозорлар).

Конституция томонидан тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигининг белгилаб берилиши, хусусий мулкнинг қонун муҳофазасига олиниши натижасида ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришнинг дастлабки босқичларидаёқ (1992-1996 йиллар) 1,07 млн. хусусийлаштирилган уй-жойларнинг эгаларини, 2 млн. хусусийлаштирилган корхоналар акциялари, улуш ва пайлари эгаларини, 3 млн. қишлоқ жойларидаги шахсий томорқа хўжалиги эгаларини, 85 минг хусусий ва кичик корхоналар эгаларини, 14 минг кўчмас мулк эгаларини ўз ичига олувчи мулкдорлар синфи шаклланди.

Ўтган йилнинг 1 январь ҳолатига 927,2 минг жисмоний шахс акционерлик жамиятлари, шунингдек, хусусийлаштириш жараёнига аҳолининг кенг оммасини жалб этиш мақсадида ташкил этилган ХИФларнинг акциялари эгаларига айланди. Қишлоқдаги ширкат хўжаликларидаги пайчиларнинг сони 1,3 млн. кишидан ошиб кетди. Деҳқон хўжаликларининг сони 1,8 млн., фермер хўжаликларининг сони эса 43,8 минг бирликни ташкил этди. Рўйхатга олинган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг сони 180 мингдан кўпроқ бўлиб, уларнинг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши 31 фоизни ташкил этди. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики/ Колл. автор. Т: "Ўзбекистон", 2001, 56-57-бетлар.

Конституциямизда мулкдорларнинг ўз мулкидан эркин фойдаланиши, мулкдан маҳрум этиш фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкинлиги ҳам қайд этилган. Шунингдек, хусусий мулк, тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигининг кафолатланиши бу борадаги "мутлоқ эркинликни" англатмаслигига ҳам эътибор қаратилган. Чунки, аксарият ҳолларда, бизнинг тасаввуримизда хусусий мулк эгаси – бу ўз истак-хоҳишига кўра, ҳаракат қилувчи, ихтиёридаги мулк ва ресурслардан ўзи билганича фойдаланувчи, қўл остидаги ёлланма ишчиларга "қатиққўллик" билан муомала қилувчи хўжайин сифатида гавдаланади. Бироқ, Конституция бу каби мутлоқ эркинликларни ҳам маълум бир чегара доирасида тартиблаб беради, яъни тадбиркор ўз фаолиятида хусусий манфаатларини умумжамият манфаатларидан устун қўйиши, ишлаб чиқариш ёки мулкдан фойдаланиши чоғида экологик муҳитга зарар етказиши, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузиши таъқиқланади.

Демак, хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Конституциямизда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини белгиловчи асосий тамойиллар, унга етарли шарт-шароит, ҳуқуқий негиз яратувчи муҳим жиҳатлар ўз ифодасини топган:

— мамлакатимиз иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилганлиги;

— иқтисодиёт негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши;

— барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши;

— хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги;

— истеъмолчилар ҳуқуқининг устуворлиги;

— иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилишнинг эркинлиги ва ҳоказо.

Хўш, бу ҳуқуқий меъёрлар мамлакатимиздаги иқтисодий жараёнларни тўлиқ қамрай оладими? Бу масалалар борасида Асосий қомусимиз жаҳоннинг бошқа давлатлари Конституцияси даражасига чиқа олганми?

Бу каби мулоҳазаларга тўхталар эканмиз, энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, Конституцияни қабул қилиш ва унда қандай жиҳатларни ҳуқуқий меъёрлаш - бу ҳар бир давлатнинг ўз мустақил, ички иши ҳисобланади. Бу борада қандайдир андозалар, халқаро даражада ишлаб чиқилган талаблар мавжуд эмас. Ҳатто Буюк Британия, Канада сингари ўз Конституциясига эга бўлмаган давлатлар ҳам борлиги бунинг яна бир далили ҳисобланади.

Қолаверса, Конституция, юқорида таъкидлаганимиздек, бу муҳим, асосий масалаларни умумий жиҳатдан ифодаловчи қонун бўлиб, қолган барча аниқ жараён ва ҳодисалар унга таянган ҳолда махсус қонунлар орқали меъёрланади. "Конституция шуниси билан аҳамиятлики, унда жамиятда содир бўлиб турадиган у ёки бу ҳолатлар энг умумий тарзда, конституцион даражада нормаланади, ҳуқуқий тус берилади. Кейинчалик бу ҳолатлар жорий қонун ҳужжатларида (қонунларда, Президент Фармонларида, ҳукумат қарорларида ва ҳоказо) етарлича ривожлантирилади". (Баратов.М Тараққиётимиз кафолатлари Халқ сўзи, 2001 йил 31 октябрь, 222-сон). Худди шу нуқтаи-назардан, жамиятимизнинг иқтисодий тараққиёти, ундаги буюк ўзгаришларнинг негизлари асосий қомусимизда ўз ифодасини тўлиқ топган, деб айта оламиз.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, ҳар биримиз – мустақил Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўз ҳуқуқларимизнинг илк манбаи - Конституциямизни чуқур билишимиз, ундан ҳаётда мунтазам равишда фойдаланишимиз шарт. "Конституциявий ҳуқуқ" изоҳли луғатида Конституция орқали билишимиз лозим бўлган масалалар икки гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ – ҳамма билиши керак бўлган масалалар, яъни улар Конституциянинг мазмун-моҳияти; асосий тамойиллари ва хусусиятлари; белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар, унинг кафолатлари ҳамда фуқаролар бурчлари; Конституциявий тузум, унинг асослари, давлат шакли ва бошқарув шакли, ҳокимиятни амалга оширувчи органлар тизими ва уларнинг фаолияти кабилар.

Иккинчи гуруҳ – айрим шахслар чуқурроқ билиши керак бўлган масалалар, масалан: давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги; вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексалар ўз ҳуқуқлари давлат томонидан алоҳида ҳимояланишини; хотин-қизлар, бошқа миллат вакиллари тенг ҳуқуқдан фойдаланишини; ота-оналар вояга етмаган фарзандлари ҳақида, вояга етган фарзандлар ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлигини; давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлашини, маълум ёшга етган эркаклар Қуролли кучлар сафида ёки муқобил хизмат ўташ бурчига эга эканлигини; Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаросиз шахслар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланишини; мансабдор шахслар, депутатлар ўз ваколатлари ҳақидаги нормаларни чуқурроқ ўрганиши ва билиши зарурдир. (Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). Т."Академия", 2001 йил, 11-12-бетлар).

Асосий қомусимизни билиш нақадар муҳимлигини яна бир бор эътироф этар эканмиз, шу ўринда бир мулоҳаза кўнгилдан ўтади: Конституция – давлатимизнинг, халқимизнинг, ҳар биримизнинг ҳатти-ҳаракатимиз, турмушимиз, фаолиятимиз, ҳаётимизнинг ҳуқуқий пойдевори, ҳимоячиси, кафолати, меъёрий мезони экан, унинг ҳар бир бандини, ҳар бир сатрини "айрим шахслар чуқурроқ билиш керак бўлган масалалар" даражасида мукаммал билишимиз лозим. Зеро, ҳар биримизнинг бу турфа ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида турлича нуқтаи-назардан ёндошишимизга тўғри келади: гоҳ давлат хизматчиси, мансабдор шахс, депутат ёки оддий фуқаро; гоҳо муайян миллат вакили; гоҳ ота-она ёки фарзанд ва ҳоказо. Бу тушунчаларни умумий асосга келтирувчи ягона мезон бу – Мустақил юрт фарзанди экан, фарзанд учун ўз она юрти Қомусини мукаммал билиш – муқаддас бурч демакдир.

Убайдулло Ғафуров,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси катта ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди.

Бугун дунёда 200 га яқин давлат бўлса, шунча байроқ мавжуд. Улар орасида мустақил Ўзбекистон байроғи ҳам бор.

Никоҳ шартномаси фақат мулкий низоларни ҳал қилишга ёрдам берувчигина эмас, балки уни мустаҳкамловчи омил ҳамдир.

Jarayon

БОШ ҚОМУС ҲАМИША БИЗ БИЛАН

Ҳуқуқий демократик давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораётган Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқий билими, маданияти ва маънавиятини юксалтириш ғоят муҳимдир. Жамиятни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ўзгартириш соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ва билими ҳамда маданияти ва саводхонлик даражасига боғлиқдир. Бундай давлат омманинг сиёсий онглилиги, уюшқоқлиги, ҳушёр ва зийраклиги, ҳаётда рўй бериб турган нарса ва ҳодисаларга кўр-кўрона эмас, балки ақл-идрок, билим ва тафаккурни ишга солиб ёндошганлиги билан кучли. Мамлакатимизда ҳуқуқий билим ва маданиятга бўлган талаб, эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, университетимизда ҳам Ўзбекистон Конституциясини ўқиб-ўрганиш, тарғиб этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўқув бинолари ва талабалар уйларида маънавият хоналари мавжуд бўлиб, Конституция моҳиятини ўрганиш, тарғиб қилиш асосий масалалардан бирига айланган. Ана шу мақсадда "Конституция" ва "Миллий истиқлол ғояси" хоналари ташкиллаштирилган бўлиб, рангли тасвирдаги Конституция моддалари, фотосуратлар билан уйғун тарзда жиҳозланган.

Университетимизда Конституцияни ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича тасвирий кўргазмалар билан биргаликда барча моддалар,рангли тасвирдаги суратлар ҳамда альбом ташкил қилинган.

Бевосита Конституцияни ўқитиш, ўқиб-ўргатишга масъул "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси жойлашган йўлакларда давлат рамзлари, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва кафолатларининг Конституциядаги ифодаси матнлари, Ватан тимсоллари расм ва чизмаларда ҳамда шиор ва матнларда содда, тушунарли акс эттирилган. Ватан тимсоли чизмалари рангли тасвирдаги воситаларда бўлгани боис талабалар бу ердан бефарқ ўтиб кетолмайди. Олиб бориладиган тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар режаси тузилган бўлиб, улар ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ушбу режага мувофиқ, "Ўзбекистон Конституцияси давлатимизнинг асосий қомуси" мавзусидаги давра суҳбати, "Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг аҳамияти" мавзусидаги кафедра ўқитувчиларининг кўчма мажлиси, Конституциянинг 125-126 моддаси "Мудофаа ва хавфсизлик" боби асосида "Халқаро терроризмга қарши кураш олиб боришнинг аҳамияти" деб номланган учрашувлар сентябрь, октябрь ойларида ўтказилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,бу тадбирларда аввалги йилларга нисбатан талабаларнинг фаоллиги, зийраклиги ошганлигини кузатдик.

Конституцияга бағишланган рефератлар кўрик-танлови жуда катта тадбирга айланиб кетди. Бу танлов ижодкорликнинг бир тажрибаси ҳам бўлди, дейиш мумкин. Кафедра ўқитувчилари Конституция моддаларини ифода этадиган кўргазмали қуроллар тайёрлашга астойдил киришдилар.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги, ижтимоий-сиёсий дунёқарашини кенгайтириш учун фақат Конституция билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. "Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширишнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари" мавзусидаги илмий-амалий семинар 11 чақириқ Олий Мажлис 1Х сессияси материалларини ўқиб-ўрганишга бағишланди.

Конституциянинг 10 йиллигига бағишлаб тайёрланган рефератлар кўрик-танловини якунлаш, байрамга деворий газетанинг махсус сонини тайёрлаш, махсус илмий-амалий семинарни ўтказиш ноябрь ойининг охири ва декабрнинг бошларига тўғри келди. Семинарда қилинган маърузалар яхлит тўплам ҳолига келтирилди. Уни нашр қилиш мўлжалланмоқда.

Университетимиз кутубхонаси яқинда таъмирдан чиқарилган бўлиб, унда Бош қомусга оид илмий, сиёсий адабиётлар етарли. Бу ерда Конституция бурчагига ҳам кўзингиз тушади.

Конституциянинг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи расм, графика, дизайн, реклама ва ҳар хил тасвирий ижодий ишлар кўлами шундай йўлга қўйилганки, бу соҳада ҳар қанча буюртма олиш имкониятига ҳам эгамиз. "Фотопресс" агентлигида (директор Владимир Ковреин) Конституциянинг моҳиятини ифодаловчи тасвирий тарғибот воситалари— расмлар, плакатлар, фотосуратларнинг тайёрланиш даражаси мақтовга лойиқ.

Албатта, таълим жараёни камчиликсиз, муаммосиз бўлмайди. Ҳали ўқитувчи-профессорлар Конституцияни ўқиб-ўргатишда анъанавий усуллардан қутулолганича йўқ. Биз истардик, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларини Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари ёддан билишса, чуқур ўқиб-ўрганишса, ҳеч нарсани ютқазмас эдилар. Бу эса профессор-ўқитувчиларнинг янгилик ахтариб, иш юритишларини ҳам тақозо қилади.

Н.МЎМИНОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети маънавият-маърифат масалалари бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор.
Г.ТУЛЕНОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институти ўқитувчилар жамоаси

юртимизда кенг нишонланаётган тарихий қутлуғ сана— Конституциямизнинг 10 йиллиги ҳамда мусулмон тақвимидаги муборак

РАМАЗОН ҲАЙИТИ

шодиёналари билан барча устоз ва мураббийларни самимий табриклайди.

Юртимиз тинч, осойишта, хонадонлар обод, файзу баракотга тўлишини тилаймиз. Ана шу эзгу тилакларнинг ижобат бўлиши эса кўп жиҳатдан сиз ва биз— муҳтарам касб эгалари— ўқитувчи-мураббийлар меҳнатига боғлиқ. Сизларга эзгу ишингизда сув ва ҳаводек зарур соғлик, метиндек ирода, сабру қаноат, омадлар тилаймиз.

Faxr

БАЙРОҚЛАР ИЛК БОР ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Байроқ яратиш ғояси бундан минг йиллар муқаддам қадимги жангчи ва овчилар орасида туғилган. Улар қароргоҳга келаётган одамнинг байроғига қараб таниб, шунга яраша муомала қилганлар. Дўст ва душман байроғи ажратилган. Бу пайтда байроқлар ўша даврда кенг тарқалган хомашё — ҳайвон териси ёки қуш патидан қилинган. Демак, байроқ пайдо бўлган вақтидан бошлаб, дипломатик муносабатлар учун хизмат қилган.

Байроқ бугунги кўриниши — тўртбурчак шаклидаги мато ҳолига келгунча ҳам анча йўлни босиб ўтган. Унгача қадимги Миср ёки Римда хода учига муайян нарса (қуш, ҳайвон, ўсимлик)нинг тасвири илиб юрилган. Бугунги кўринишдаги байроқлар эса милоддан аввалги 1100 йилда Хитой ва Ҳиндистонда пайдо бўлган. Албатта, бу ерда ушбу икки давлатнинг ипак ва пахта ватани эканлигини эслаш жоиз.

Байроқнинг кейинги даврларда, айниқса, аҳамияти ортди. Ўрта асрларда у нафақат давлат ва ташкилотларнинг, балки йирик ва майда феодал оилаларнинг ҳам қонуний мулки эди. Оила байроқлари орқали кўпгина маълумотлар: насл-насаб, оила тарихи ифода қилинар эди.

Илк капиталистик муносабатлар даврида ўша пайт учун янгилик бўлган цехларнинг ҳам ўз байроқлари бўлган. Цех байроғи илинган пештоқ остида қандай турдаги меҳнат кетаётганлигини уларга назар ташлаб осонгина билиб олиш мумкин эди. Бугун мустақил, қонуний ташкилот тушунчаси цех доирасидан, давлат миқёсидаги ва халқаро кўламдаги ташкилот, уюшмаларга кўчди. Бугун биз БМТ, ЕХҲТ каби йирик корпорацияларнинг мақсад, вазифалари ифода қилинган байроқларнинг гувоҳимиз.

Мустақил суверен давлат бўлишнинг бир шарти ўз давлат рамзларига эга бўлишдир. Европада энг қадимий давлат байроғи қизил матога оқ хоч тасвири туширилган Дания байроғи ҳисобланади. Шарқда эса ундан ҳам аввал пайдо бўлганлиги таъкидланади. У 1219 йил қабул қилинган. Энг ёш давлат байроғи эса ҳозирча Шарқий Тиморга тегишли. У ҳали бир ёшга ҳам тўлгани йўқ.

Бугун дунёда 200 га яқин давлат бўлса, шунча байроқ мавжуд. Улар орасида мустақил Ўзбекистон байроғи ҳам бор. Бугун у халқаро ташкилотлар қошида, нуфузли спорт мусобақаларида, кўм-кўк, мовий осмон остида томирида аждодлари қони гупуриб оқаётган, Амир Темур бобосидан ўрнак олиб озод ва обод юрт қураётган ўзбек деган миллатнинг фахри бўлиб ҳилпираб турибди.

Муқаддас САТТОРОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 1 курс талабаси

"Одам Ато Момо Ҳавога илк бор қўл урмоққа киришмоқчи бўлганида ҳазрат Жаброил алайҳиссалом: — "Эй Одам, Ҳаво сеникидир, лекин бу иш никоҳ қилинмагунча раво бўлмас", — деди. Шундан кейин ҳамма фаришталар жам бўлдилар ва никоҳ хутбасини ўқишни Аллоҳ Таоло Жаброил алайҳиссаломга буюрди ҳамда Одам ва Ҳаво тарафларидан вакил Ўзи, хатиб эса Жаброил алайҳиссалом, гувоҳлари жами фаришталар бўлди. Эр ҳазрати Одам алайҳиссалом ва хотин ҳазрати Ҳаво бўлдиларки, бу никоҳ жума куни бўлган эди. Одам алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам жума куни яратилган эдилар, жаннатга ҳам жума куни кирган эдилар..." (Саодатга элтувчи билим. Тошкент, "Мовароуннаҳр" 2002 й. 33-бет).

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш таъқиқланади. (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 14-модда).

Юқорида келтирилган жумлалар кўпчилигимиз учун янгилик эмас, албатта. Бироқ, бугунги инсон омилининг тараққий этиши, ўзаро муносабатларнинг замирида моддиятнинг аҳамияти ортиб бориши билан никоҳ ҳам кишилар эҳтиёжларини тўла қондирадиган мазмун касб этиши табиийдир. Шу боис Олий Мажлиснинг 1998 йил 30 апрелдаги қарори билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига Ўзбекистон қонунчилиги учун янгилик бўлган никоҳ шартномаси деб номланган алоҳида боб киритилди. Ана шу янги бобни шарҳлаб бериш учун Юнусобод туманидаги 1-сонли Давлат нотариал идораси катта нотариуси Озода Сотволдиевага мурожаат қилдик.

НИКОҲ — ҲАМ ҲУҚУҚ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

— Никоҳ шартномаси АҚШ, Россия каби ривожланган мамлакатлар тажрибасида кузатилади ва бунинг учун эҳтиёж ҳам бор. Чунки, бундай шартнома эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Бозор иқтисодиётининг таркиб топиб ривожланиши, тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликнинг юзага келиши бу қоида бизнинг қонунчилигимиздан ҳам ўрин олишига замин яратди.

Никоҳ шартномаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан бирга фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг турларидан бири ҳисобланади. Никоҳ Шартномаси уни тузишда қатнашувчи тарафлар, мазмун ва предмети жиҳатидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларидан фарқ қилади.

Бунда тарафлар фақат никоҳга кирувчилар ва никоҳдаги эр-хотиндан иборат бўлади. Шартноманинг мазмуни эр-хотиннинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини қамраб олади. Никоҳ шартномаси предметини ифодаловчи хусусиятлар, шартномада назарда тутилган шартлар эр-хотин ўртасида бўлган мулкий ҳуқуқлардан ва келажакда улар томонидан қўлга киритилиши мумкин бўлган мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Шартнома эр-хотин ўртасидаги мулкий низоларни суд амалиётида тўғри ҳал қилишга ёрдам беради.

Бизнинг Республикамиз қонунчилигида никоҳ шартномасини чет эл тажрибасидан фарқли ўлароқ, фақат мулкка (мулкий ҳуқуқларга) нисбатан тузилишига йўл қўйилади. Эр-хотинларнинг шахсий муносабатларини тартибга солишга қаратилган никоҳ шартномасидаги шартлар ҳақиқий эмас, деб топилади. Никоҳ шартномаси у давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномасини тузиш ёки тузмаслик ихтиёри эр-хотиннинг ўзига тегишлидир. Агар никоҳ шартномасини тузмасалар, уларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари амалда бўлган қонуний тартибда белгиланган ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади.

Никоҳ шартномасини тузишда агар эр ёки хотин муомала лаёқатига эга бўлмаса, у ҳолда никоҳ шартномасини унинг номидан ҳомийси тузади. Никоҳ шартномаси албатта ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим (ОКнинг 31-моддаси 3-банди), қонун билан белгиланган тартибга риоя қилмаслик бундай шартномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

Эр ва хотин никоҳ шартномасида ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишга, никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига белгиланадиган мулкни аниқлаб олишга, шунингдек никоҳ шартномасига эр ва хотиннинг мулкий муносабатларига оид бошқа қоидалар киритишга ҳақлилар.

Шартнома предметига эр-хотиннинг келишувига биноан, қуйидагилар кўрсатилиши мумкин:

— шартнома субъектларининг никоҳгача бўлган даврдаги мулкларига эгалик қилиш, бошқариш, тасарруф этиш;

— эр ва хотиннинг никоҳ давридаги мулкларига эгалик қилиш, бошқариш, тасарруф этиш тартибини белгилаш;

— оила даромадлари ва харажатлари ҳақидаги масалалар (ўқиш, касб ўрганиш, даволаниш, дам олиш билан боғлиқ харажатлар);

— тадбиркорлик билан шуғулланилганда, даромад ва харажатларда эр ва хотиннинг иштироки;

— бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан мулкий мазмундаги шартномалардаги мажбуриятлар юзасидан эр-хотиннинг жавобгарлиги масалалари;

— никоҳдан ажралганда эр ва хотиндан ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш;

— ўзаро моддий таъминот бериш масаласини тартибга солувчи қоидалар.

Шунингдек, никоҳ шартномасининг амал қилиш муддати, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби кўрсатилади, шартномани тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилишда кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ёритилади.

Кундалик турмушимизда учрайдиган баъзи воқеалар эр-хотин ўртасидаги мулк ва мулкий ҳуқуқнинг шартномавий тартибига эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда. Шартнома ўзида нафақат эр-хотиннинг мол-мулкини вужудга келтиради ёки унинг ҳуқуқий тартибини ўзгартиради, балки эр-хотиннинг бир-бирига моддий таъминот беришини ҳам тартибга солади. Юқоридагилардан англанадики, никоҳ шартномаси фақат мулкий низоларни ҳал қилишга ёрдам берувчигина эмас, балки уни мустаҳкамловчи омил ҳамдир.

Ф.ТУРДАЛИЕВ
ёзиб олди.

"СИЗЛАРГА ҲАВАС ҚИЛСА БЎЛАДИ"

Бухоро шаҳридаги "Нафис" саройида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси совриниучун бадиий гимнастика бўйича республика турнири ниҳоясига етди

Икки кун давомида бу ер томошабинлар билан лиқ тўлди. Уларни гўзаллик мафтун этган эди. Бадиий гимнастика спортнинг энг нафис тури. У айни пайтда санъатни ҳам ўзида жо этган десак, муболаға бўлмас. Гимнастикачи ўзи танлаган мусиқа оҳангларига мос равишда машқ бажаради. Унинг маҳорати фақат композицияда, ҳаракатларнинг аниқлигида эмас, балки бир пайтда бадиийлик, спортда санъат унсурларини уйғунлаштиришда ҳам намоён бўлади. Бухородаги мусобақа кўплаб спортчиларга ана шу жиҳатдан ўз истеъдодини кўрсатиш имконини берди.

Мамлакат терма жамоаси аъзоси, тошкентлик М.Сержантова 1986—88 йилларда туғилган спорт усталари гуруҳида ўзининг юксак талантини намойиш қилди. У булава, тўп, арқон машқларини ўз ичига олган кўпкураш баҳсларида биринчи ўринни эгаллади.

Гуруҳда 5—6-ўринларни эгаллаган юртдошларимиз К.Купатадзе ва Н.Шариповалар аввалги шахсий натижаларини анча яхшилаб олдилар. Демак, маҳоратда ўсиш бор. Бу, айниқса, спорт усталигига номзодлар гуруҳида гиламга чиққан бухоролик Р.Муҳаммедова чиқишларида яққол кўринди. У 13—14 ёшлилар даврасида 2-ўринни эгаллаб, мамлакат терма жамоаси таркибига муносиблигини яна бир карра исботлади.

1990—1991 йилларда туғилган қизлар ўртасида барча мукофотли ўринлар меҳмонлар — У.Трофимова, А.Михайлова, В.Есимоваларга насиб этди. Бухоролик Н.Раҳимова бешинчи натижани кўрсатди.

Кейинги гуруҳ — 9—10 ёшли қизлар даврасида ҳамюртимиз М.Жўраева чиқишлари кўп бор олқишланди. У пойтахтлик К.Тўхтаевадан атиги 1,4 очко ортда қолиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Турнир ғолиб ва совриндорларини Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари, бадиий гимнастика федерацияси раиси М.Содиқова, Бухоро шаҳар ҳокими К.Камолов, республика "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси раиси С.Иномова ҳамда бошқалар табриклаб, мукофотларни топширишди.

Мазкур турнир хусусидаги таҳлилий мақоламиз газетанинг кейинги сонларида чоп этилади.

Э.ЁДГОРОВ,
журналист

Бўлажак теннисчилар орзуси

ТУРНИРДА 4,5 ЁШЛИ БОЛА

Фарғонада "Труд" газетаси совриниучун болалар ўртасида ўтказилган халқаро шахмат турнири ниҳоясига етди. Асосий даврада 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган, Жаҳон ёки Осиё бўйича танилиб улгурган болалар ва ўсмирлар иштирок этди.

Кузатувчилар эътиборини тортган сиз суратда кўриб турган қорақалпоғистонлик тўрт ярим ёшли шахматчи бола — Азамат Бекмуродов, гарчи турнир ғолиблигини қўлга киритмаган бўлса-да, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Даставвал, Азамат тахтага бўйи етмаганидан рақиблари билан тик туриб дона суришди. Кейинги партияларда стол устига чиқиб олишига тўғри келди. Ҳар бир дона суриш оралиғида соатлаб вақт ўтарди. Азамат вақтдан унумли фойдаланиб, мизғиб ҳам оларди. Маригул Реимова мураббийлигида тарбияланаётган бўлғуси шахмат тождорига омад ёр бўлсин.



А.ПРИМОВ
Суратларни Р.ИСХАКОВ олган.

ФУТБОЛ МАВСУМИ ЯКУНЛАНДИ

2002 йил Ўзбекистонда футбол борасида юксалиш йили бўлди десак, муболаға бўлмайди. Ёшлар терма жамоамиз ЖЧга чиқиши билан, "Пахтакор" жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ баҳсларига йўлланма олиши билан футболимиз ривожига қўшган ҳиссалари салмоқли бўлди. "Пахтакор"нинг ЧЛдаги ўтказган 6 та ўйинининг 4 тасини ғалаба билан якунлагани таҳсинга сазовор бўлса, ЧЛда иштирок этган яна бир жамоамиз "Нефтчи"нинг кўрсатган ўйинлари ҳам мухлису мутахассисларда яхши таассурот қолдирди. (1. "Аҳли Санъа"ни икки ўйин натижасига кўра 8:1 ҳисобида ютди. 2. "Истиқлол"нинг меҳмонда урган голи эвазига мағлубиятга учради — 0:1, 2:1).

Энди ЧЛнинг ғолиблиги учун асосий даъвогарлардан бири сифатида қаралаётган "Пахтакор"нинг 27 ноябрь куни "Ал-Аҳли" (БАА) билан ўтказган ўйинни тўғрисида сўз юритсак.

Учрашув, тан олишимиз керакки, "Ал-Аҳли"нинг бироз устунлиги билан ўтди. Демоқчимизки, улар Нестеров дарвозаси олдида "Пахтакор" ҳужумчиларига қараганда кўпроқ хавфли вазиятларни вужудга келтиришди. Лекин бу ҳужумлар ҳимоячилар ва дарвозабонимиз томонидан бартараф этилиши натижасида фақат "хавфли вазият"гина бўлиб қолаверди. Уларнинг етакчиси эронлик Али Каримий тўп киритишни ҳамда жамоаси ғалаба қозонишини ҳарчанд хоҳламасин, ниятини амалга ошмади. Аммо баъзи вазиятларда шундай техника кўрсатдики, унинг алдамчи ҳаракатлари олдида ҳимоячиларимиз анча довдираб қолишди. Бироқ, ҳали айтганимиздай у фақат техникасини кўрсата олди, холос.

Умуман олганда, бу ўйин бизга 1999 йилги Осиё Кубогига чиқиш учун саралаш босқичидаги БАА — Ўзбекистон ўйинини эслатиб юборди. Эсингизда бўлса, шу ўйинда араблар фақат ҳужум қилган, аммо, уларнинг барча зарбларини моҳир посбон Павел Бугало тўсиб қолган эди. Ўшанда ҳам юртдошларимиз 1:0 ҳисобида ютган, Қосимов асосий ишни бажарган эди. Бу гал ҳам худди шу ҳисоб, ўйин қаҳрамони — яна Миржалол! У майдонга тушдию ўйинлари кўп ҳам қовушмаётган "пахтакор"чилар майдонда уюшқоқлик билан тўп сура бошлашди. Ва кўп ўтмасдан гол ҳам урдилар. Миржалол Қосимовнинг рақиб дарвозасига 20 метр масофадан берган зарбасини ҳимоячилар тугул дарбозабон ҳам қайтаришга ожизлик қилди. 15 дақиқалардан сўнг эса ҳакамнинг финал ҳуштаги янгради. Икки ўйинда ҳам зафар қучган тошкентликлар (Тошкентдаги ўйин 3:2 ҳисобида якунланганди) юртимизга ёруғ юз билан қайтдилар.

Энди "Пахтакор" келаси йилнинг март ойида ўтказилиши режалаштирилган гуруҳ ўйинларида Туркманистоннинг "Ниса", Эроннинг "Пирузи" ва Ироқнинг "Ал-Талаба" жамоаларига қарши тўп сурадиган бўлди. 9-15 март кунлари бўладиган "Д" гуруҳи ўйинлари қаерда ўтказилиши ҳозирча номаълум. Баҳслар Тошкентда ўтказилиши мумкин, деган тахминлар ҳам бор.

ЧЛда ажойиб ғалабаларни қўлга киритаётган "Пахтакор" миллий чемпионатимизда ҳам "биринчи" бўлганлигини ҳамма билса керак. Лекин унинг сўнгги турда "Трактор"га 1-4 ҳисобида ютқазиб қўйганлиги, ғалабага ўрганиб қолган унинг ашаддий мухлисларининг анча хафа бўлишларига сабаб бўлди.

Кумуш медал — "Нефтчи", бронза — "Қизилқум"га насиб этди. "Сўғдиёна" ва "Зарафшон" олий лигани тарк этган бўлса "Цементчи" ва "Гули[illegible]" ўрнини [illegible] бўлди.

Элмурод НИШ[illegible]

ИРОҚ 7 ДЕКАБРДА ҲИСОБОТ БЕРМОҚЧИ

БМТнинг 1441-резолюциясига мувофиқ катта имкониятларга эга бўлган халқаро инспекторлар гуруҳи куни кеча биринчи марта Саддам Ҳусайннинг 8 та саройидан бирини текширганлар. 1998 йил эса ушбу саройларнинг текширишга рухсат берилмаганлиги инспекторларнинг Ироқдан чиқиб кетишларига сабаб бўлганди. Расмий Бағдод эса 7 декабрь куни ўзининг ҳарбий объектлари тўғрисида БМТга ҳисобот беришини маълум қилди.

Лекин, эҳтимолли бўлиб турган уруш тўғрисида АҚШ давлат котиби ўринбосари Поль Вулфовиц Анқарада Туркия ташқи ишлар вазири Ясар Якис билан учрашди. Ясар Якис Ироққа нисбатан ҳарбий амалиёт ўтказиш тўғрисида БМТнинг махсус резолюцияси қабул қилинган тақдирдагина, Туркия ўзининг ҳарбий базаларидан америкаликларнинг фойдаланишларига рухсат беришини, ҳозирги 1441-резолюцияда эса ҳарбий куч ишлатиш назарда тутилмаганлигини айтган.

ЛЕРМОНТОВ МАКТУБЛАРИ АУКЦИОНДА

Лондондаги "Sotheby's" аукционида Михаил Лермонтов ва Иван Тургеневларнинг мактублари сотувга қўйилди. Қизиққан шахслар Лермонтовнинг 1838 йилда ёзилган "Кинжал" шеърининг ва 1839—1841 йилларда ёзилган учта мактубининг асл нусхаларини сотиб олишлари мумкин. Аукцион ташкилотчилари мактубларни 65 минг доллардан юқори нархга сотиш ниятидалар.

Шунингдек, аукционда Тургеневнинг 1854—1874 йилларда таржимон Аугуст Вайдергга йўллаган 8 та мактуби ҳам ўрин олган.

ЎҚУВЧИЛАР АВТОБУСИ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Буюк Британияда автобуснинг ҳалокатга учраши боис, бир бола ҳалок бўлиб, 10 нафар йўловчи жароҳатланган. Жанубий Уэльсдаги Коубриж шаҳрида дарслардан сўнг мактаб ўқувчиларини уйларига олиб кетаётган 2 қаватли автобус ағдарилиб кетган. Воқеа тафсилотларини ўрганаётган полиция хизматининг билдиришича, у дарахтга бориб урилган бўлиши керак. Вестминистр саройи яқинида юз берган ушбу автоҳалокат ҳақида полиция ҳозирча тўлиқ маълумот бергани йўқ.

ҲУКУМАТНИ ЎЗГАРТИРИШ КЕРАКМИ?

Фаластиннинг таниқли сиёсатдонларидан ҳисобланган Марвин Баргути "Ассошиэйтид Пресс" агентлигига интервью бериб, Фаластин ҳукумати аъзоларини истеъфога чиқариш вақти келганлигини айтган. Унинг фикрича, раҳбарият ўз вазифасини тўлиқ бажара олмаяпти. Шунингдек, Ёсир Арофатнинг ҳам даври ўтган.



Бироз аввал жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган сўровда эса 21 фоиз фаластинликлар Баргутини қўллаб-қувватлашган бўлса, 35 фоиз аҳоли Ёсир Арофат тарафдори эканликларини билдиришди. Баргути айни вақтда терор актларида айбланиб, Исроил қамоқхонасида сақланмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ САФАРИ

Россия президенти Владимир Путин Пекинда Хитой раҳбари Цзянь Цзэмин ҳамда келгуси йилнинг март ойидан бошлаб Коммунистик партиянинг янги раҳбари сифатида иш бошлайдиган Ху Цзиньтаолар билан музокаралар олиб боргач, кеча Деҳли шаҳрига келди. Ва Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Важпаи ҳамда ҳукумат аъзолари билан учрашди.

Пекинда Хитой ва Россия давлатлари ўртасида сиёсий ҳамда стратегик ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида қўшма ҳужжат имзоланган бўлса, Деҳлида ҳам шунга ўхшаш муҳим шартномалар тузилди.

КЕМАЛАР ЕВРОПАГА КИРИТИЛМАЙДИ

Ноябрь ойида 77 минг тонна нефтни олиб кетаётган "Престиж" танкери Испания қирғоқларида ҳалокатга учраб, сув остига чўккан эди. Танкердан оқиб чиқаётган нефтнинг сувга қўшилиши боис, бугун минтақадаги сув ва ҳайвонот дунёси қирилиб бормоқда. Мазкур фожеадан сўнг Европа комиссияси ўз ҳудудларига 66 та хорижий кемаларнинг киришини таъқиқлаб қўйди. Бу кемаларнинг 26 таси Туркия, 12 таси Сан-Винсента ва Гренадинга ҳамда 9 таси Камбоджа давлатига тегишли.



"Интернет" тармоғидан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим муассасаларини сифатли мактаб ўқув ҳужжатлари билан таъминлаш мақсадида 2003 йил 4 январь куни тендер савдолари ва танловини ўтказади.

Тендерга қўйилган мактаб ва ўқув ҳужжатлари:

1. *1-4-синф журнали*
2. *5-11-синф журнали*
3. *Педагогик, психологик ташхис дафтари:*

Танловга қўйилган мактаб ўқув ҳужжатлари:

1. *Куни узайтирилган гуруҳ журнали*
2. *Буйруқлар дафтари*
3. *Ўқувчилар ҳаракат дафтари*
4. *Педагогик кенгаш мажлиси баённомалар дафтари*
5. *Расмий давлат ҳужжатларини ҳисобга олиш ва тарқатишни қайд қилиш журнали*
6. *Тўгарак машғулотлари ишини ҳисобга олиш журнали*
7. *Битирувчиларнинг якуний терма баҳолар табели*
8. *Китобхон формуляри*
9. *Китоб формуляри*
10. *Инвентар китоби*
11. *Баҳолар табели*
12. *Китобхон томонидан йўқотилган ва ўрнига олинган нашрлар рўйхати*
13. *Библиографик каталоглар карточкаси*
14. *Ўқувчининг шахсий делоси*
15. *Шаҳодатномаларни ҳисобга олиш ва ўқувчиларга топширишни қайд қилиш журнали*
16. *Педагог ходимларнинг малака оширганлиги ҳақида сертификат*
17. *Қолдирилган ва ўрни тўлдирилган дарсларни ҳисобга олиш дафтари*
18. *Мактаб педагогик жамоаларининг шахсий таркибини ҳисобга олиш дафтари*

Тендер ва танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

1. *Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида банкнинг маълумотномаси;*
2. *Маҳсулот сертификати ва санитария паспорти;*
3. *Нарх-наво бўйича ва 2003 йил 1 июлгача маҳсулотни етказиб бериш имконияти ҳақида таклифлар;*
4. *"Ўқув - Таълим - Таъминот" Бош бошқармасининг 20210000500101561001, Меҳнат бўлими ЖСБ, МФО 00423, ИНН 200524742 ҳисоб рақамига бўнак ўтказилганлиги ҳақида тўлов хатининг нусхаси. Бўнак миқдори таклиф этилаётган маҳсулот умумий нархининг 2,5 фоизини ташкил этади.*

Тендер ва танлов таклифлари комиссия томонидан 2002 йил 20 ноябрдан 2002 йил 20 декабргача соат 11.00 гача, фақат икки қаватли хат жилдда, муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Ташқи хат жилдда корхонанинг номи, манзили тўлиқ кўрсатилган ва унга банк маълумотномаси, маҳсулот сертификати ва санитария паспорти, тендер қатнашчиси бўнак киритганлигини тасдиқловчи ҳужжат солинади. Ички хат жилдга тендер ва танлов таклифлари, маҳсулотлар рўйхати ва унга қўйилган нархлар кўрсатилган ҳужжат жойланади.

Тендер ва танловга 2002 йил 1 июлдан кейин рўйхатдан ўтган ташкилотлар қўйилмайди. Шу сабабли тендер қатнашчилари керакли органлар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

Тендер ва танловда иштирок этиш учун тавсия этиладиган маҳсулотлар намуналари 2002 йил 5 декабрдан бошлаб 20 декабрь соат 11.00 гача Вазирликнинг "Ўқув - Таълим - Таъминот" Бош бошқармасига топширилади.

Тендер Халқ таълими вазирлигининг "Ўқув - Таълим - Таъминот" Бош бошқармасида ўтказилади.

Тендерда қатнашиш истагини билдирган корхона, ташкилот ва муассасалар ҳужжатлар намуналарини қуйидаги манзилдан олишлари мумкин.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент ш, 700077, Сайрам 3-берк кўчаси, 92-уй.
Маълумот учун телефонлар:
67-92-06, 67-95-02, факс 67-28-70

Талабалар уйида хориждан келиб, институтда талабаларга сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг истиқомат қилишлари учун ҳам меҳмонхона ташкил қилинган.

Муборак Рамазон хайити билан қутлаймиз!

Ma'rifat

ШАРҚШУНОС ТАЛАБАЛАРНИНГ УЙИ

унда ҳар бир йигит-қизнинг яшагиси келади

Ўтган ҳафтада Тошкент давлат шарқшунослик институтига хизмат юзасидан ташриф буюриб, бир хушхабарни эшитиб қолдим. Маълум бўлишича, институт раҳбарияти ўз талабаларига янги Талабалар уйи биносини замонавий тарзда қайта таъмирлаб, топшириш арафасида эканлар. Бу янгилик билан қизиқиб, шу куннинг ўзидаёқ институтнинг маънавият ва маърифат масалалари бўйича проректори Баҳодир Назаров ҳамроҳлигида Талабалар уйига бордим.

Институтдан 5-6 чақирим узоқлашганимиздан сўнг, бехосдан проректорни гапга тутдим:

— Талабалар уйи қайси туманда жойлашган?

— Мирзо Улуғбек тумани, Муҳиддинова кўчаси, 33 уйда, — деди Баҳодир ака.

— Мирзо Улуғбек туманида жойлашган бўлса, институт ўқув биносига бироз олис эмасми? Назаримда кўпгина олий ўқув юртларининг ётоқхоналари институтларнинг атрофида жойлашган?

Yangilik

— Фикрингизга қўшиламан. Бу талабаларимизга бироз қийинчилик туғдириши ҳам мумкин. Бироқ, шаҳарнинг турли мавзеларида истиқомат қилаётган талабалар ўз уйларидан ҳеч бир муаммоларсиз ўқишга ўз вақтида етиб келаётганликларини ҳам унутмаслигимиз керак. Ҳозиргача, бирор талаба дарсга шу сабаб билан кечикканини билмадим..,



Биринчи қаватда жойлашган хоналарни бирма-бир кўздан кечира бошладик. Чапдан биринчи хона компьютер синфи экан. Хона замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозланибгина қолмасдан, улар Интернет — бутунжаҳон ахборот тармоғига ҳам уланибди. Талабалар дарсдан сўнг, ўз уйларида ҳам бемалол Интернет билан ишлаши, ўз вазифаларини ҳеч қандай муаммоларсиз бажариши мумкин экан.

Компьютер синфига қўшни хоналарда видеосинф, лингафон хоналари жойлаштирилган. Бу ҳам хориж тилларини талабалар томонидан мукаммал ўзлаштириш учун институтда яратилаётган шароитлардан далолат.

Биринчи қаватда шунингдек, тиббиёт пункти жой олганлиги ҳеч бир институт ётоқхонасида илгари қўлланилмаган тажриба дейиш мумкин. Мазкур тиббиёт хонасига институт мутасадди ходимлари томонидан Россиядан махсус тиббиёт ускуналарини келтирилган, — деди Баҳодир ака. — Яқинда бу ерда талабаларга хизмат кўрсатувчи малакали шифокор ҳам иш бошлади. Энди талабаларимиз соғлиги билан боғлиқ масалалар ҳам бартараф бўлмоқда.

Тиббиёт хонасига қўшни хонада талабаларнинг ҳордиқ чиқариш, яъни турли республика ва хорижий нашрларини ўқиб, телевизор орқали сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиш имкониятини берувчи хона ташкил қилинган.

Навбатдаги кенг ва шинам хонадан ўқув зали жой олган. Унда бир вақтнинг ўзида 50 га яқин талаба турли мавзулардаги китобларни мутолаа қилиши мумкин. Бу ерда институт кутубхонасидан 10 минг га яқин китоблар келтирилган. Биринчи қаватда, шунингдек, кенг ва шинам иккита ошхона қурилиб у ердаги ошпазлар талабаларга хизмат кўрсатмоқда.

Талабалар уйини кўздан кечирар эканмиз, институтнинг иқтисод ва тадбиркорлик масалалари бўйича проректори Жумали Шабановни учратиб қолдик. У киши ҳам бизга бажонидил ҳамроҳлик қилди ва ётоқхона ҳақида сўраганларимиз хусусида бирма-бир гапира кетди.

— Бино 4 қават ва икки корпусдан иборат. Ушбу бино 220 нафар талабанинг истиқомат қилиши учун мўлжалланган бўлиб, асосан йигит-қизларнинг яшаш хоналари 2-3-4-қаватларда жойлаштирилган. Жумладан, иккинчи қаватда иқтисод ва халқаро муносабатлар факультетлари, учинчи қаватда филология ва тарих факультетларининг йигитлари, тўртинчи қаватда эса ушбу факультетларда таҳсил олувчи қизлар истиқомат қилишади. Айни пайтда бу ерда 200 нафар талабамиз яшамоқда.

— Талабалар уйининг ҳар бир қаватини факультет толибларининг ўзлари таълим йўналишлари бўйича жиҳозлаганлар, — деди Жумали ака иккинчи қаватга кўтарилганимизда. — Унда турли шарқ давлатлари — Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Туркия, Эрон, Покистон сингари мамлакатларнинг сиёсий-иқтисодий харитлари жой олган.

Шу куни бирин-кетин дарсдан қайтаётган талабаларнинг хоналарига кириб, меҳмон бўлдик ҳам. Ҳар бир хона икки нафар талабанинг яшаши учун мўлжалланган бўлиб, ушбу хоналар бошқа институт ётоқхоналаридаги хоналардан тубдан фарқ қилади. Анча кенг, шинам ва замонавий мебель, шунингдек турли уй жиҳозлари билан безатилган. Очиғини айтганда, ҳар бир институт талабасининг ҳавасини келтирадиган даражада. Хона марказидаги катта думалоқ стол овқатланиш учун мўлжалланган бўлса, четдаги стол ва иккита стулда ўтириб, дарс тайёрлашади. Шунингдек, хонага иккита карават, кийимларни жойлаш учун шкаф, тумбочка, этажерка, трюмо ҳам жойлаштирилган.

— Хона мебелларини Олмалиқда жойлашган "Ўзбек-Олмон қўшма корхонаси"га махсус буюртмага асосан тайёрлатдик, — деди Жумали ака. — Мебеллар замонавий, ҳатто Европа стандартлари талабларига ҳам жавоб берадиган юқори сифатли ёғоч маҳсулотларидан ишланган. Ушбу мебель жиҳозларини буюртма беришда талабаларнинг эҳтиёжи, уларнинг фикрларини ҳам ўргандик. Кўриб турганингиздек, талабаларимизгагина эмас, кўпгина оила бекаларига ҳам ёқадиган даражада жиҳозларни жойлаштиришга эришдик.

Талабалар истиқомат қилишлари учун мўлжалланган хоналардан ташқари, ҳар бир қаватда йигит-қизлар ўзи томонидан овқат тайёрлаш учун мўлжалланган ошхоналар бор. Улар ҳам шкаф, зарур идиш-товоқлар, замонавий музлатгич ва газ плиталари билан жиҳозланган. Булардан ташқари, ювиниш учун душ хоналари ҳам қурилган.

Бинонинг юқори қаватида икки юз кишига мўлжалланган мажлислар зали бўлиб, бу ерда турли халқаро ва минтақавий анжуман, семинарлар ташкил қилиш учун ҳам шароит мавжуд. Шунингдек, талабалар уйида хориждан келиб, институтда талабаларга сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг истиқомат қилишлари учун ҳам меҳмонхона ташкил қилинган. У пойтахтда жойлашган кўпгина замонавий турдаги меҳмонхоналардан қолишмайдиган тарзда жиҳозланганлигини кўриб, сиз ҳам гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
"Ma`rifat" мухбири

ҚАҲРАМОН БИЛАН УЧРАШУВ

Қаҳрамонлик ҳар хил соҳаларда: ёзувчилик, шоирлик, раҳбарлик ва бошқаларда намоён бўлади. Аммо адабий танқидчиликда бу унвонга эришиш анча мушкул, улкан машаққат талаб қилади. Адабий танқид соҳасида нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёдаги биринчи қаҳрамон, XX аср ўзбек адабий танқидчилигининг дарғаларидан бири, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати — Озод Шарафиддинов-дир. У киши ҳозирда "Жаҳон адабиёти" журналига муҳаррирлик қилаяпти.

Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейида уюштирилган учрашувда О.Шарафиддинов ва унинг шогирдлари ҳамда мазкур лицей ўқувчилари йиғилишди. Кечада Ўзбекистон Қаҳрамонининг шогирдлари сўзга чиқиб, устозлари билан бўлган қизиқарли воқеаларни сўзлаб беришди, умр йўлларини ёдга олишди. Учрашувда мезбонликни зиммасига олган Нафис санъат лицейи ўқувчилари ўзларини қизиқтирган саволлар билан кечада иштирок этишди. Қуйида бўлиб ўтган савол-жавобларнинг айримларини тақдим этамиз.

О.Шарафиддинов:

— Шундай учрашувлар ташкил қилингани, албатта, яхши, бироқ учрашув тугагач, дилимнинг бир жойи кемтик бўлиб қолаверади. Юриш-туришингиз орқали фақат ташқи қиёфангизни кўра оламан. Ичингизда нима гап, дилингизни нима қийнаяпти, муаммоларингиз нималардан иборат, билмайман. Қирқ бир йил ўқитувчилик қилган бўлсам, ўқувчиларим билан бир томонлама мулоқотда бўлганман. Аудиторияда маърузамни ўқиб, чиқиб кетаверардим. Кимлардир тингларди, айримлар эшитмасди ҳам. Шунинг учун улар қандай фикрда юрганликларини билолмасдим. Икки томонлама мулоқотда, суҳбатда қаршингда турган одамнинг кимлигини билиб оласан.

Истеъдод қайси соҳада бўлмасин, илоҳий хислат. Ёзувчи шу илоҳий хислат орқали сўзнинг қудратини ҳаммадан кўпроқ тушуниши керак. Жаҳонда қирқ мингдан ортиқ касб-ҳунар бўлса, инсонлар у билан бевосита меҳнат қилиб, пул топади. Аммо ҳақ тўланмайдиган меҳнат тури ҳам бор. Бу — жумбоқ ечиш, худди кроссворд ечиш каби. Ҳаёт нима? Инсон ким? Инсон ҳаётининг мазмуни нимада? Булар Ҳимолай тоғларидан юксакроқ жумбоқ. Изланиб тагига ета олмайсан. Жавоб топсанг — ҳаётинг тугайди. Шунда ҳам ҳаётнинг бир нуқтаси камлигича қолади. Ҳаётнинг гўзаллиги шу сирда. Шу сир билан инсон тирик. Бу сир ҳали кашф этилмаган. Адабиёт, санъат ҳам шу сир каби мавҳум бўлиб, охирига етмайди.

Наргиза Пайзиева:

— XXI аср ижодкорлари қандай бўлиши керак?

О.Шарафиддинов:

— Чеховнинг ҳикоясида ўқигандим: Бир киши 30-40 йил бир йўлдан ишга боради, келади. Аммо қирқ йилдан кейингина йўлидаги дўкон олдида турган бир буюмга кўзи тушади. Ваҳоланки, у бу йўлдан юзлаб, минглаб марта ўтган. Шунга ўхшаб бировлар кўз олдидаги нарсани кўра олишмайди. Ҳозирги истеъдод эгаларининг олдида турган вазифа — истеъдод формуласини топиш. Ҳар ким ўз истеъдоди учун ўзи жавобгар. Уни совуқлардан, тўфонлардан, ёмғирлардан асраса, у натижа беради. Бироқ бу дунёда рўёлар кўп. Фоний дунёнинг саробларига маҳлиё бўлавериш Пушкиннинг "Олтин балиқ" эртагидаги кампирнинг аҳволига олиб келади, охир-оқибат "тешик тоғора" билан қолади. Асли, шуҳрат ёмонмас, шуҳратнинг қулига айланиш ёмон. Шуҳратга берилиб ижодни унутса, истеъдод ўлади. Ичкиликка берилган шоирлар—шуҳратнинг қули. Оиласини эсдан чиқариб, юз грамм винога пул сўраб юрганларнинг аҳволига ҳавас қилиб бўлмайди. Исқирт одам шеъридан қандай гўзаллик ахтариш мумкин? Ёки, айрим истеъдодлилар энг яқин кишисига хиёнат қилади. Туҳмат билан ўз фойдасига оқни қора қилишга уринади. Энди унинг Худо берган истеъдоди нима бўлди?.. Уни асраш инсон қўлида. Истеъдодли кишилар орасида фикрнинг янгилиги биринчи ўринда туради. Ўртамиёна фикр билан ҳеч қаёққа бориб бўлмайди. Қайноқ ҳаётнинг ич-ичига кириб бориш, инсонлар орасида юриш ва кўпроқ китоб ўқиш ижодкорнинг вазифаси.

Рухсора Орипова:

— Драма, қисса, роман каби улкан асарлар ёзишга биз — ўқувчиларнинг тажрибамиз камлик қилади. Келажакда шу ишга қўл уриш учун ҳозирдан қадам ташлаяпмиз. Ҳаётнинг ва адабиётнинг узун йўлларини босиб ўтган ижодкор сифатида биз каби ёшларга қандай йўлланма берардингиз?

О.Шарафиддинов:

— Ижодкорнинг ўқимасликка ҳаққи йўқ. Ўқимай туриб ижод қилиш, ёқилғисиз юрган машинага ўхшайди. Аввало вақтнинг қадрига етиб кўпроқ мутолаа қилинглар. Умр пулни совуришдан кўра осон. Пул қайтиб келади, умр қайтмайди. Шунинг учун, ўтган ҳар кунингиздан ўқиган китобингиз хотира бўлиб қолсин.

Холида Лақбарова:

— "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида Шукур Холмирзаевнинг кескин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган "Адабиёт ўладими?" деган мақоласи чоп этилган эди. Айтингчи, сизнинг назарингизда адабиёт ўладими?

О.Шарафиддинов:

— Адабиёт доимо ўлади ва қайта туғилади. Бўш, савиясиз асарлар ўлиб, ўрнига ҳақиқий асарлар дунёга келади. Бразилиялик ёзувчи, тўғрироғи, театрда ишлаган, дизайнерлик қилган Пауло Куалеонинг "Алхимик" китоби, ҳажми кичиклигига қарамасдан, китоб савдоларида 17 минг сўмга сотилаяпти. Чаққон тадбиркорлар нусха кўчириб 1,5 минг, 2 минг сўмдан сотишаяпти. Бу асар 118 мамлакатда таржима қилинган. Бутун дунё ўқияпти. Демак, адабиёт буткул йўқолиб кетмайди. Ҳақиқий адабиёт инсоният ўлмаса — ўлмайди. Компьютер асрида ҳам. Сабаби, сизлар борсизлар (кулади).

Комила Фатҳуддинова:

— Мен бир асарни ўқиб тугата олмаяпман. Икки юз варақ ўқидиму, кўнглимда зерикиш ҳисси пайдо бўлди. Бу китобнинг ҳажми анча йирик. Сизнингча, асарнинг қийматини унинг ҳажми белгилаб берадими, ёки...

О.Шарафиддинов:

— Ёзувчи бўлиш оғир иш. Бу соҳада устозим Абдулла Қаҳҳорга тан берганман. У бир вақтлар 1200 бетлик асар ёзганди. Қўлёзмаларини менга берди, уйлай тоғларидан юксакроқ жумбоқ. Изланиб тагига ета олмайсан. Жавоб топсанг — ҳаётинг тугайди. Шунда ҳам ҳаётнинг бир нуқтаси камлигича қолади. Ёзувчи шу илоҳий хислат орқали сўзнинг қудратини ҳаммадан кўпроқ тушуниши керак. Жаҳонда қирқ мингдан ортиқ касб-ҳунар бўлса, инсонлар у билан бевосита меҳнат қилиб, пул топади. Аммо ҳақ тўланмайдиган меҳнат тури ҳам бор. Бу — жумбоқ ечиш, худди кроссворд ечиш каби. Ҳаёт нима? Инсон ким? Инсон ҳаётининг мазмуни нимада? Булар Ҳимолай тоғларидан юксакроқ жумбоқ. Изланиб тагига ета олмайсан. Жавоб топсанг — ҳаётинг тугайди. Шунда ҳам ҳаётнинг бир нуқтаси камлигича қолади. Ҳаётнинг гўзаллиги шу сирда. Шу сир билан инсон тирик. Бу сир ҳали кашф этилмаган. Адабиёт, санъат ҳам шу сир каби мавҳум бўлиб, охирига етмайди.

Наргиза Пайзиева:

— XXI аср ижодкорлари қандай бўлиши керак?

О.Шарафиддинов:

— Чеховнинг ҳикоясида ўқигандим: Бир киши 30-40 йил бир йўлдан ишга боради, келади. Аммо қирқ йилдан кейингина йўлидаги дўкон олдида турган бир буюмга кўзи тушади. Ваҳоланки, у бу йўлдан юзлаб, минглаб марта ўтган. Шунга ўхшаб бировлар кўз олдидаги нарсани кўра олишмайди. Ҳозирги истеъдод эгаларининг олдида турган вазифа — истеъдод формуласини топиш. Ҳар ким ўз истеъдоди учун ўзи жавобгар. Уни совуқлардан, тўфонлардан, ёмғирлардан асраса, у натижа беради. Бироқ бу дунёда рўёлар кўп. Фоний дунёнинг саробларига маҳлиё бўлавериш Пушкиннинг "Олтин балиқ" эртагидаги кампирнинг аҳволига олиб келади, охир-оқибат "тешик тоғора" билан қолади. Асли, шуҳрат ёмонмас, шуҳратнинг қулига айланиш ёмон. Шуҳратга берилиб ижодни унутса, истеъдод ўлади. Ичкиликка берилган шоирлар—шуҳратнинг қули. Оиласини эсдан чиқариб, юз грамм винога пул сўраб юрганларнинг аҳволига ҳавас қилиб бўлмайди. Исқирт одам шеъридан қандай гўзаллик ахтариш мумкин? Ёки, айрим истеъдодлилар энг яқин кишисига хиёнат қилади. Туҳмат билан ўз фойдасига оқни қора қилишга уринади. Энди унинг Худо берган истеъдоди нима бўлди?.. Уни асраш инсон қўлида. Истеъдодли кишилар орасида фикрнинг янгилиги биринчи ўринда туради. Ўртамиёна фикр билан ҳеч қаёққа бориб бўлмайди. Қайноқ ҳаётнинг ич-ичига кириб бориш, инсонлар орасида юриш ва кўпроқ китоб ўқиш ижодкорнинг вазифаси.

Рухсора Орипова:

— Драма, қисса, роман каби улкан асарлар ёзишга биз — ўқувчиларнинг тажрибамиз камлик қилади. Келажакда шу ишга қўл уриш учун ҳозирдан қадам ташлаяпмиз. Ҳаётнинг ва адабиётнинг узун йўлларини босиб ўтган ижодкор сифатида биз каби ёшларга қандай йўлланма берардингиз?

О.Шарафиддинов:

— Ижодкорнинг ўқимасликка ҳаққи йўқ. Ўқимай туриб ижод қилиш, ёқилғисиз юрган машинага ўхшайди. Аввало вақтнинг қадрига етиб кўпроқ мутолаа қилинглар. Умр пулни совуришдан кўра осон. Пул қайтиб келади, умр қайтмайди. Шунинг учун, ўтган ҳар кунингиздан ўқиган китобингиз хотира бўлиб қолсин.

Холида Лақбарова:

— "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида Шукур Холмирзаевнинг кескин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган "Адабиёт ўладими?" деган мақоласи чоп этилган эди. Айтингчи, сизнинг назарингизда адабиёт ўладими?

О.Шарафиддинов:

— Адабиёт доимо ўлади ва қайта туғилади. Бўш, савиясиз асарлар ўлиб, ўрнига ҳақиқий асарлар дунёга келади. Бразилиялик ёзувчи, тўғрироғи, театрда ишлаган, дизайнерлик қилган Пауло Куалеонинг "Алхимик" китоби, ҳажми кичиклигига қарамасдан, китоб савдоларида 17 минг сўмга сотилаяпти. Чаққон тадбиркорлар нусха кўчириб 1,5 минг, 2 минг сўмдан сотишаяпти. Бу асар 118 мамлакатда таржима қилинган. Бутун дунё ўқияпти. Демак, адабиёт буткул йўқолиб кетмайди. Ҳақиқий адабиёт инсоният ўлмаса — ўлмайди. Компьютер асрида ҳам. Сабаби, сизлар борсизлар (кулади).

Комила Фатҳуддинова:

— Мен бир асарни ўқиб тугата олмаяпман. Икки юз варақ ўқидиму, кўнглимда зерикиш ҳисси пайдо бўлди. Бу китобнинг ҳажми анча йирик. Сизнингча, асарнинг қийматини унинг ҳажми белгилаб берадими, ёки...

О.Шарафиддинов:

— Ёзувчи бўлиш оғир иш. Бу соҳада устозим Абдулла Қаҳҳорга тан берганман. У бир вақтлар 1200 бетлик асар ёзганди. Қўлёзмаларини менга берди, уйлаяпти, демоқчисиз-да. Роман ҳам, шеър ҳам, драма ҳам бир ёзувчининг қаламидан чиқаяпти. Буни ёмон деб бўлмайди. Лекин янгилик яратиш учунгина ижод қилаётганлар менга ҳам маъқулмас. Янги нарса яхши бўлади, эскиси ёмон, дейиш фикридан йироқман. Фақат маблағ кўзлаб, беҳаёликни тарғиб этувчи асарлар яратилаётганлиги ёмон.

Нафиса Ёқубова:

— Эшитишимизча, Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романининг "Кундуз" қисми ҳам ёзилган экан. Шу гап тўғрими?

О.Шарафиддинов:

— Чўлпон 1935 йилда Ватанига қайтади ва 1937 йил бир мажлисда совет ҳукумати раҳбарлари: "Икки йилдан бери ҳеч нарса ёзганинг йўқ", деб туҳмат қилишганда "Кеча ва кундуз" романини ва "Жўр" шеърий тўпламини ёзганини, китоб шаклида чиқаришмаётганини айтади. Лекин аниқ маълумотлар йўқ. Менингча романнинг иккинчи қисми бўлса, асардаги мантиққа кўра бош қаҳрамон — Мирёқуб юртига қайтиб жадидчилик ҳаракатларида иштирок этарди.

Рустам Ўтамурод:

— Ижодкор доимо муаммолар орасида яшаши керакми?

О.Шарафиддинов:

— Ижодкор муаммолар орасида муаммоларга ечим ахтариб яшаши керак. Масалан, янги жамиятимизга Тўмарислар кераки, Кумушлар-чи? Кураш тушиб, қурол кўтарган аёллар керак эмас, Кумушдай, фақатгина эри учун яшайдиган аёллар ҳам. Инсон адабиётга ёндашсагина қалби гўзал бўлади, шундай бўлиши шарт. Инсоният учун бошқа йўл йўқ. Истеъдодингизни асранглар!

Р. ЎТАМУРОД
тайёрлади.

ЭКОЛОГИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Экология инсониятни мукаммаллик ва етукликка олиб борувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ер сайёрасининг экологик мувозанатини меъёрида сақлаб туриш эса умуминсоний вазифадир. Бу борада табиатга тўғри муносабатда бўлиш ва уни сақлаш қонуниятини ёшлар онгига сингдириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса ёш авлодга ҳуқуқий, иқтисодий билимлар бериш баробарида экологик билим беришга янада кенгроқ ёндашиш лозимлигини ҳаёт кўрсатаётир.

Маълумки, биз ўз ўтмиши билан фахрланишга арзийдиган халқмиз. Ўз навбатида келажагимиз ҳам шунга монанд бўлиши учун аждодларимиз меросини тўлиғича тиклашимиз лозим бўлади. Шунингдек, халқимизнинг бой этнопсихологиясидан тўлиқ фойдаланишимиз зарурдир. Улкан тарихга эга бўлган халқимизнинг шундай мерослари борки, улар инсоният тафаккурини ҳам моддий, ҳам маънавий бойитишга хизмат қила олади. Инсон руҳиятини маънавий гўзалликка поклик билан бирга табиат гўзаллиги ҳам юксалтиради. Агар инсон юртимизнинг пурвиқор тоғлари, зилол сувлари, бетакрор гўшаларига боқса, у нафақат киши руҳиятини кўтаради, балки фикрни ҳам чархлаб баркамолликка етаклайди.

Афсуски, ҳавонинг ифлосланиши натижасида атмосфера қобиғида салбий ўзгаришлар содир бўлади. Қуёш радиациясининг ерга таъсири ҳам ўзгаради. Ачинарли томони шундаки, кейинги пайтларда бир йил давомида ҳайвонларнинг бир тури йўқ бўлиб кетиши ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Ҳавога тарқалаётган йиллик заҳарли тутуннинг ҳажми бир неча юз миллион тоннадан ошиб кетмоқда ва бу ҳар одамга 250 килограммдан тўғри келар экан. Бу эса ҳар бир кишидан ўзи яшаб турган ҳудуд атроф-муҳитига бўлган эътиборини янада кучайтиришни талаб қилади.

Алалхусус, биз яшаётган заминнинг бир қонунияти бор. Бу абадий қонуниятдир. Демак, заминда битмайдиган, тугамайдиган неъматнинг ўзи йўқ. Инсоният эса бундан мудом огоҳ бўлиши зарур. Бунинг учун эса қаерда, қандай завод, корхона ёки сув омбори ва бошқа ҳар қандай иншоотнинг қурилиши лойиҳаси аввало экологик экспертизадан ўтказилиши керак. Акс ҳолда ўйламай қурилган айрим иншоотлар табиатга ҳам, жамиятга ҳам катта моддий ва маънавий зиён етказади. Бундан келиб чиқадики, табиат ва жамият қонунини тўғри тушунишлик ҳар қандай мамлакат ва жамият тараққиётининг муҳим таянчи ҳисобланади.

Давир ТЎХЛИЕВ,
ТВДПИ профессори,
Камол АЛИҚУЛОВ,
ўқитувчи

ВАТАНПАРВАРЛИК: У ЁШЛАРДА ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНАДИ?

Ватанпарварлик етук маънавиятдир. Маънавияти заиф бўлган халқда ватанпарварлик туйғуси ҳам кучли бўлмайди. Шу сабабли ҳам барча даврларда босқинчилар халқнинг маънавий камолоти имкониятларини чеклаш йўли билан унинг Ватан ҳақидаги буюк туйғуларини заифлаштирмоқчи бўлганлар. Маърифат зиёсини сочиб, халқнинг ватанпарварлик туйғусини кучайтирадиган куч зиёлилар эканлигини яхши тушунган ажнабий босқинчилар даставвал миллатни шу маънавий раҳномаларидан маҳрум қилишга ҳаракат қилганлар.

Ватанпарварлик сўзда эмас, балки амалий ишларда намоён бўлгандагина тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланиши мумкин.

XX асрнинг 20, 30, 50, 80-йилларида халқимизнинг бошига кўп мусибатлар тушди. Ҳақиқий ватанпарвар, миллат фидойилари қатағонга учраб, жисмоний йўқ қилиб юборилди. Биз улар тўғрисида ёшларга ўз маърузаларимизда тушунча бериб, уларнинг хотираси учун ташкил этилган Қатағон қурбонлари музейида амалий машғулотлар ташкил қилмоқдамиз.

Яқинда фалсафа ҳамда математика факультети талабалари билан "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига бордик. Музейни диққат билан айланиб чиққан талабаларнинг юзида маъюслик пайдо бўлди. Улар мустамлакачилик ва совет тузуми даврларида миллатнинг қадр-қимматини тиклаш ва маънавиятини ошириш учун бел боғлаб курашган Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий ва бошқаларнинг аянчли тақдирига гувоҳ бўлдилар. Уларнинг Ватан тарихидаги энг оғир даврларда эл, халқ, Ватан аҳволини кўриб, куйиб-ёнганлари уларни таъсирлантирди.

Ватанпарварлик билан боғланган фаолиятнинг катта-кичиги бўлмайди. Инсон ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасида, босган қадами, қилган ишию айтган сўзларида Ватан олдидаги бурчи ва масъулиятини унутмаслиги лозим.

Саида АЛИҚУЛОВА,
ЎзМУ фалсафа факультети маънавий ва маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари

"ЎЛКАНГИЗНИ, АЖДОДИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?"

Эски манбалардан маълумки ўзбеклар асосан уч бўлакка бўлиб ўрганилади: а) турк-ўзбек, б) ўғуз-ўзбек, в) қипчоқ-ўзбек.

Кўпгина тадқиқотчилар ўзбекларнинг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбек (1312-1342) номи билан боғлашади.

Хўш, "ўзбек" атамаси қачон пайдо бўлган? Бу ҳақда турлича қарашлар бор.

1. Бу атама қадимий аждодимиз Ўғизхон билан боғлиқ бўлиб, "Ўғизбек"нинг "ўзбек" бўлиб шаклланишига олиб келганми?

2. Милоддан олдинги XII асрга тааллуқли Аш-шира (Ассирия) битиклари Осиёнинг даштларидан бостириб кирган скифлар босқини ҳақида хабар беради. Бу жанговар кўчманчи қабилалар номини ишгауз, бошлиғини Испак деб маълум қилади.

Ишгауз — ўғиз сўзи билан боғлиқдир. Йигирма тўрт уруғдан иборат бу қабила иккита гуруҳга "ич-ўғиз", "таш ўғиз" номи билан аталган.

"Аш-шира" битикларидаги "Ич-ўғиз" — Ишгауз, Испак номларида қандайдир бир хил изоҳ бўлиши мумкин.

Аслида скифлар бошлиғи исми Ўғизбек (ёки шу исмнинг қисқарган шакли "ўзбек") бўлганига шубҳа йўқ.

Ўқувчиларга юқорида қайд этилган ўзбеклар, уларнинг келиб чиқиши, яшаш жойлари тушунтирилгач, синфдагиларни беш гуруҳга бўлиниб, алоҳида варақалар тарқатилади.

1. Сиз қишлоғингиз тарихини биласизми?

2. Оилангиздагилар, яқин ва узоқдаги қариндошларингиз, қўшнилар ва қудалар билан муносабатларингиз ҳамда уларнинг сизларга муносабатлари.

3. Қабила, қишлоқ, уруғ ва тўп деганда нимани тушунасиз?

4. Лаҳжаси, шеваси ва урф-одатларини тушунтириб бера оласизми?

5. Сиз яшаётган, сиз билган жойлардаги аҳолининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун нималарни таклиф қила оласиз?

Мен ўз дарсларимда ўқувчиларга қишлоқнинг тарихи, шеваси, уруғ ва тўплари олдинги машғулотларда ва уйларда ота-оналар, кекса кишилар билан ўзаро суҳбатлар бўлиб ўтганига ишонганимдан сўнггина ихтиёрий равишда "буни мен бажараман" деганларига топшираман. Шу сабабли улар бу топшириқларимни дилдан қизиқиб бажарадилар.

Жавоб учун бир ярим минутдан вақт тақсимлайман ва айтиш тезлигини ҳам уқтираман ҳамда жойида рағбатлантираман.

Ўқувчиларнинг бу борадаги малакаларини кенгайтириш учун улуғ олимлар асарлари билан ва уларнинг мазмуни ҳақида қайта таништираман.

Бўрибой Аҳмедовнинг "Кўчманчи ўзбеклар давлати", "Тарихдан сабоқлар", Х.Дониёровнинг "Ўзбек халқининг шажара ва шевалари", Хуршид Давроннинг "Самарқанд хаёли" эссеси, Абдусаид Кўчимовнинг "Халқа" ҳикоялар тўплами, Азим Суюннинг шеърлар тўплами, ижоди ҳақида суҳбатлар ўтказилади.

Шундан сўнг диапроектор ёрдамида тарихий ўтмишимизга оид мавзуга тааллуқли воқеа-ҳодисалар тасвирланган тасмалардан беш-етти дақиқалик лавҳа кўрсатилади.

Лавҳа хусусида ўқувчилар иштирокида ноанъанавий услубда ўзаро мунозарали фикрлашув, изоҳ беришларини сўрайман.

Мустақил иш тариқасида ҳар қайси гуруҳда алоҳида варақа тарқатилади. Масалан:

1. Худойберди Дониёров ким ва у кишининг тилшунослик соҳасига қўшган улкан хиссаси.

2. Бўрибой Аҳмедовнинг тил ва тарих соҳасидаги хизматлари.

3. Сиз қайси тилшунос, тарихчи олимлар ва уларнинг илмий-ижодий ишлари билан танишсиз?

Sinab ko'ring

Ўқувчиларнинг ҳар қайсиси ўз қобилиятига, билим савиясига кўра ҳар бир варақадаги саволларни майда бўлакларга бўлиб тақсимлайдилар ва жавоб берадилар.

Ўқувчилар билимини синаб кўриш мақсадида ана шу ўтказилган ноанъанавий мунозара натижалари асосида тест тузиб чиқаман. Бунда гуруҳларни алмаштириш мумкин.

Натижада ўқувчиларнинг билим даражалари янада тўлдирилишига эришилади.

Машғулотни мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда қайси гуруҳнинг билим даражаси кучлилигини намойиш қилиш, гуруҳ бошлиқларини қўшимча балл билан рағбатлантириш учун тахтага саволлар ёзилади ва бир дақиқада жавоб беришлари талаб қилинади.

Ўқувчиларнинг баҳолари эшитирилиб, гуруҳларнинг ўрни аниқлангач, дарснинг тарбиявий аҳамияти ҳақида тушунтириш бериш лозим.

Сўнгра уйга келгуси машғулотгача бажариб келиш учун "Ўлкангизни, аждодингизни биласизми?" жадвалини тўлдириб келиш топширилади. Сўзларга изоҳ сўралади. Дейлик, "Самарқанд" сўзининг изоҳи:

а) деярли барча тадқиқотчилар номнинг иккинчи компоненти — қанд—, "қишлоқ", "шаҳар" деб ҳисоблайдилар.

б) грек муаллифлари Самоқян, Сивагин, Самогиян, Лимогян шаклларида ҳар турли фикр берадилар.

в) Самар — киши номи, (Самар Абу Қараб) саркарда исми билан боғлайдилар.

г) Самара — мева, ҳосил яъни ширинлик шаҳри деб изоҳлаганлар.

д) Беруний эса Самарқанд туркий тилда Самизканд— маърифатли шаҳарлардан бири деб ёзади.

е) Х.Ҳасанов. "Ўрта Осиёда жой номлари" китобининг 50-бетида "Самара — йиғин, тўпланиш жойи, маслаҳат қишлоғи" деб изоҳлайди.

Ўқувчилар бажарган изоҳли луғатни эринмасдан муҳокама қилиб, имкони борича ҳар бир изоҳнинг, аввало, илмий тасдиқланганлигига аҳамият бериш керак.

Мамадамин РАЖАБОВ,
Тайлоқ тумани Олимпия заҳиралари коллежининг олий тоифали она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ҲУҚУҚШУНОСЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Tadbir

Маълумки, Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган маърузасидаги устувор йўналишлардан бири — суд тизимини мустаҳкамлаш, судларнинг фақат қонунга бўйсунишини кучайтириш масаласи кўрилганди. Бу борада одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора деб эмас, балки, аввало, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашига эришиш зарурлиги таъкидланган эди. Ушбу устувор вазифаларни таъминлаш ташкилий-маърифий жиҳатлари жойларда кенг қамровли тарзда олиб борилмоқда.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Чилонзор академик лицейида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ўқувчилар ўртасида ўтказилган давра суҳбати бевосита мазкур мавзу доирасида кечди. Анжуманда Тошкент шаҳар хужалик суди раиси ўринбосари И.Тожиев, шаҳар адлия бошқармаси ҳуқуқ-тарғибот бўлими бошлиғи А. Бердиев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Г. Назарова ҳамда Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари О. Каримовалар тегишли мавзу юзасидан маъруза қилишди. Давра суҳбати чоғида ўқувчилар уларга ўзларини қизиқтирган турли саволлар билан мурожаат қилиб, атрофлича жавоб олдилар.

Бундай учрашувлар пойтахтимиздаги бошқа академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳам давом этмоқда.

Ғофур ЖАБИЕВ

Мазкур илм ва зиё маскани водийдаги энг тунгги олий мактаблардан бири бўлиб, ўзига хос анъана ва салоҳиятга эга.

Кутубхона компьютерида Конституциянинг барча моддалари акс этган электрон версия ҳам мавжуд.

ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАЯНЧИ

Аҳмаджон ЎРИНОВ,
Фарғона давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши мамлакатимиз ёшларида ҳуқуқий онг, билим ва маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида янги тарихий босқични бошлаб берди. Мазкур фармойиш ёшларнинг ҳуқуқий билим ва тажрибаси, қонунларга нисбатан муносабатини мустаҳкам илмий-педагогик асосларга таянган ҳолда шакллантириш учун имкон яратади.

Таълим тизимини демократлаштириш, инсонпарварлик ғояларини сингдириш жараёнида Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг жаҳондаги Қомуслар тизимида тутган нуфузли ўрни ва ролини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Конституцияни ўрганиш баробарида талаба-ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишлар тизимининг усуллари, воситалари ва шаклларини янгилаш имкониятлари вужудга келади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кучли ва таъсирчан воситаси сифатида амалда рўёбга чиқади.



Университетимизда Конституцияни ўрганиш борасида бир қатор ўқув-тарбиявий, ғоявий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, бу борадаги ишларни юксак илмий-педагогик савияда ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида университетда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ва тарғиб қилиш Маркази" очилди. Ушбу марказ талабаларни Конституция ва ҳуқуқий билимларни ўрганишга, уни илмий тадқиқ қилишга, тарғибот-ташвиқот ишларига жалб этиш ва бу борадаги кўникмаларни шакллантиришга қаратилган бир қанча вазифаларни бажармоқда.

Марказ ўз фаолиятини асосан, ноюридик факультетлар талабаларини тўгараклар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозараларга кўпроқ жалб этган ҳолда ташкиллаштирмоқда. Ўтган 2001-2002 ўқув йилида ана шундай ўқув-тарбиявий тадбирларда қарийб 500 дан ортиқ талаба иштирок этди. Университет "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти, Маънавият ва маърифат бўлими ҳамда Конституцияни ўрганиш ва тарғиб қилиш Маркази томонидан университетнинг барча факультетларида "Конституция — менинг тақдиримда" мавзусида ижодий иншолар кўрик-танлови ўтказилди. Унда 10 та факультет талабалари томонидан ёзилган 600 дан зиёд иншолар кўриб чиқилди. Голибларни аниқлашда ҳуқуқшунослар, файласуфлар, сиёсатшунослардан ташкил топган ҳайъат ташкил қилинди. Танлов якунига кўра 9 нафар талаба ғолиб деб топилди ва университет раҳбарияти ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирландилар.

Конституцияни ўрганиш ва тарғиб қилиш Маркази қошидаги иқтидорли, ижтимоий фаол талабаларнинг тарғибот-ташвиқот гуруҳи фаолияти таҳсинга лойиқ. Ушбу гуруҳ аъзолари талабалар уйларида, маҳаллаларда, мактабларда, қишлоқ жойларида "Сиз ҳуқуқингизни биласизми?", "Ватан ягонадир — Ватан битгадир", "Конституциявий тузумга қарши бўлиш — жиноятдир" мавзуларида маърузалар, давра суҳбатлари, қизиқарли мулоқотлар ўтказмоқдалар. Шунингдек, гуруҳ аъзолари ташаббуси билан жорий йилда Фарғона вилоят, шаҳар прокуратуралари, ички ишлар бошқармаси, диний ташкилотлар билан ҳамкорликда турли тадбирлар уюштирилди.



Талабаларга Конституцияни ўргатиш борасида университетнинг етакчи ҳуқуқшунос профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларга кўмак берувчи ўқув-услубий қўлланмалар, маърузалар матни тайёрланди ва нашрдан чиқарилди. Бу борада талабаларнинг олган билимларини аниқлаш мақсадида доцент О.Эрназаров томонидан ишлаб чиқилган мазкур тест савол-жавоблари электрон версияси асосида талабаларнинг ўзлаштириш даражаси аниқланиб, уни назорат қилиб бориш имконияти яратилди. Дастлабки ўтказилган синов натижаларига кўра университет талабаларининг 80-86 фоизи Конституциянинг мазмун-моҳиятини, унинг асосий моддаларини яхши ўзлаштирганликлари маълум бўлди.

Конституциянинг 10 йиллигини университет миқёсида кенг шодиёна қилиш мақсадида махсус ишчи гуруҳи тузилди ва байрамни юқори савияда ўтказиш мақсадида турли тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Маънавият соатларида асосий эътибор Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг аҳамиятини ўрганиш масалаларига қаратилмоқда. Бу дарс соатлари давра-суҳбатлари тарзида олиб борилиб, асосан ҳуқуқшунос профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

Университет кутубхонасида Конституция билан боғлиқ китоблар кўргазмаси ташкил қилинган. Шунингдек, бу ерда доимий китобхонлик кечалари уюштирилиб, уларда Конституцияга бағишланган тадбирлар ҳам ўтказилади. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири ўтказилиб, унга Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг бўлим бошлиғи Муҳаммад Қуронов, педагогика илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи А.Сулаймоновлар таклиф этилдилар.

Конституцияни жамоатчилик орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишда университетимиз ҳуқуқшунослик факультетининг IV босқич талабалари фаол саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Чунончи, мазкур талабалар гуруҳларга бўлинган ҳолда Фарғона шаҳридаги турли маҳаллалар фаоллари билан биргаликда Конституцияга бағишланган суҳбат ва учрашувлар ўтказмоқдалар. Шунингдек, талабалар ташаббуси билан Ёшлик, Шодиёна маҳалла фуқаролар йиғинларининг Маънавият ва маърифат хоналарида Конституцияни ўрганиш бўйича ахборот бурчаклари ташкил этилганлиги ҳам биз учун қувонарли воқеалардан бири.

Шу кунларда ўқув юртимизда Конституция қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилмоқда. Унда нафақат университетимиз профессор-ўқитувчилари, балки вилоятимизда жойлашган турли олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагогик жамоалари ҳам иштирок этдилар. Конференция давомида мазкур фанни ўргатишни янада чуқурлаштириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб, фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" республика минтақавий кўрик-танловининг Фарғона водийсидаги маркази сифатида Фарғона Давлат университетининг танланганлиги бежиз эмас. Мазкур илм ва зиё маскани водийдаги энг тўнғич олий мактаблардан бири бўлиб, ўзига хос анъана ва салоҳиятга эга. Танлов баҳона университетдаги турли факультетлар маънавият ва маърифат хоналари қайта жиҳозланиб, Конституцияга оид плакатлар, альбомлар, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан бойитилди. Университет барча корпусларининг пештоқлари Конституцияга оид шиорлар билан безатилди. Улар орасида "Мен Ўзбекистон фуқаросиман", "Адолат — қонун устуворлигида", "Инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият" каби шиорлар Конституциямизнинг асл инсонпарварлик моҳиятини, улуғвор мақсадларини тараннум этади.



Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университети педагогик жамоаси бутун мамлакатимиз аҳлини ҳаётимизнинг Асосий қонуни — Конституциямиз қабул қилинганлигига 10 йил тўлиши билан самимий табриклайди.

Жамиятимиз тобора ривожланиб, одамларимиз онги, маънавий савияси, ҳуқуқий маданияти юксалмоқда, уларнинг ўз бурчини қонунга биноан бажариши, умуман, жамиятимизда қонун ҳукмронлиги таъминланмоқда.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Ⓜ

КОНСТИТУЦИЯ: ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ИЖОД ЭРКИНЛИГИ

Сирожиддин ЗАЙНОБИДДИНОВ,
Андижон давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор

1992 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан Андижон Давлат педагогика институти негизида университет ташкил этилиб, унда математика, амалий математика, физика, касб таълими, кимё, биология, тарих, ҳуқуқшунослик, ўзбек филологияси, педагогика ва психология, иқтисодчи-педагог, география, мусиқачи-педагог, декоратив-амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги, жисмоний маданият, педагогика ва бошланғич таълим методикаси каби ихтисосликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда. Бугунги кунда университетнинг филология, тарих, биология, кимё, физика, математика, педагогика ва жисмоний маданият каби саккизта факультетида 32 та кафедра, 22 та ўқув лабораторияси ишлаб турибди. Университетда барча профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти машғулотларнинг юқори савияда ўтказилишига, янгича тизимдаги назорат ва мустақил таълим асосида талабалар онгини шакллантиришга йўналтирилган.

Университет мамлакатимизнинг кўзга кўринган илмий ўчоқларидан бири. Бу ерда республикамиз фанининг устувор йўналишлари таркибига кирган бир неча илмий муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг аъзоси А. Қосимов, профессорлар О. Ҳошимов, Л. Саидбоева ва Қ. Тожибоевлар раҳбарлигида организмнинг физиологик ва биологик жараёнларига, физик-кимёвий омилларнинг таъсири масаласига, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг муҳофазаси ҳамда такомилига биологик фаол моддаларнинг физикавий-кимёвий таркиби синтези масалаларига оид илмий-тадқиқот ишлари қилинаяпти.

Университетнинг етакчи физик олимлари раҳбарлигида ярим ўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника соҳасида самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ярим ўтказгичли кремний моддасини ҳар томонлама тадқиқ этиш натижасида унинг электроник хусусиятларини мақсадга мувофиқ ҳолда бошқариш имкониятлари аниқланди. Тажриба натижалари ва шу соҳадаги мавжуд назарий мулоҳазалар таҳлили асосида кремний кристаллдаги ҳар хил нуқсонлар ва аралашмали атомларнинг ўзаро таъсирланиш қонуниятлари аниқланди. Олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси фан ва техника соҳасидаги Беруний Давлат мукофотига лойиқ топилди. Ҳозирги пайтда университетда Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги бир қатор олим ва мутахассислар билан ҳамкорликда қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб бориляпти.

Вех (A gypsophilloides) ўсимлиги Ўзбекистон қизил китобига киритилган ноёб ўсимлик бўлиб, ҳозирда Андижон вилояти шароитида 20 гектар майдонда маданийлаштирилмоқда. Мазкур ўсимликдан сапонин моддаси олиниб, бу модда парфюмерия, ранг-бўёқ, озиқ-овқат, қурилиш ва тиббиёт соҳасида ишлатилмоқда. Дастлабки ҳосил "Ўзлакрис"га топширилди. Буни Т. Мадумаров бошчилигидаги олимларнинг халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган алоҳида ҳиссалари деб баҳолаш мумкин.

Профессор Қ. Тожибоев раҳбарлигидаги бир гуруҳ биолог олимлар янги бугдой навини етиштириш устида илмий-тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Физика-математика фанлари доктори В.Муллажонов ва бир гуруҳ математик олимлар тўғунлик назарияси устида ишламоқдалар. "Ляпинов матрица функцияси" усули ёрдамида ҳаракат турғунлигининг етарли шартлари ҳосил қилинади. Олинган назарий натижалар аниқ динамик тизимларнинг турғунлиги масалаларида қўлланилади.

Тарих фанлари докторлари, профессорлар — Р. Шамсуддинов, И. Аминов, С. Жалилов ва З.Қутибоевлар етакчилигидаги тарихчи олимлар "Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи (XV-XX асрлар)" мавзуси бўйича фаол тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Тарихимизнинг ҳал этилмаган муаммоли масалаларида мазкур соҳа бўйича аниқликлар киритилди ва янги Ўзбекистон тарихини яратишда энг қимматли манбалар сифатида фойдаланишга тавсия этилди.



Тилшунослик кафедраси олимлари профессор А.Нурмонов раҳбарлигидаги "Ўзбек тилининг системали тадқиқи" муаммоси бўйича изланмоқдалар. Ўзбек тилини ўрганишда сатҳлараро муносабатни асос қилиб тадқиқ этиш ҳозирги жаҳон тилшунослигидаги янги йўналишлардан бири саналади. Шунга кўра, анъанавий ўрганиш усулларидан чекинган ҳолда ҳозирги ўзбек адабий тили тўлалигича тадқиқ қилинмоқда.

Бугунги кунга қадар А.Нурмонов томонидан "Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис", "Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология", "Тилшунослик ва табиий фанлар", "Ўзбек тилшунослиги тарихи" китоблари нашр қилинди. Филология фанлари докторлари Х. Солиҳова ва Д. Қуроновлар раҳбарлигидаги адабиётшунос олимлар "Туркистон халқларининг адабий алоқалари", "Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти", "Туркистонда XX аср бошларидаги адабий жараён" муаммолари бўйича ишламоқдалар. Хусусан, Д. Қуроновнинг "Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси", "Истиқлол дарди" каби асарлари университет томонидан чоп қилинди.

Сўнгги йилларда республикамиздаги олий таълим муассасаларининг хорижий мамлакатлардаги йирик олий ўқув юртлари, илмий масканлари билан ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бормоқда. Жумладан, университетимиз профессор-ўқитувчилари ана шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда, АҚШ, Япония, Франция, Германия, Хитой, Сурия, Россия Федерацияси сингари қатор мамлакатларнинг ривожланган университетлари профессор-ўқитувчилари билан алоқа ўрнатдилар.

Университетимизнинг жисмоний маданият факультетида таҳсил олаётган айрим талабаларимиз нафақат республикамиз спортчилари орасида, балки бутун мамлакатимиз аҳлига яхши таниш бўлиб, улар юртимиз фахри ва ифтихорига айланганлар. Талабаларимиз Сиднейдаги ютуқлари билан жаҳон ареналарида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Улар орасида 1998 йилда Хитойда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон кубоги мусобақалари ғолиби, жаҳон ва Осиё чемпиони ҳамда Сиднейдаги ёзги олимпиада ўйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон ва Осиё чемпионлари Ўткир Ҳайдаров, Руслан Чагаев, Сидней олимпиадаси бронза медали соҳиби Сергей Михайлов, бокс бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Т. Турғунов, 1998 йилда АҚШда бўлиб ўтган "Яхши ният ўйинлари" совриндори Темур Тўлаков, сузиш бўйича Осиё чемпиони Нодир Абдуллаев, самбо бўйича жаҳон чемпионати кумуш медали соҳибаси Дилором Қамбаровалар бор.

Айни кунларда мамлакатимизда Конституция қабул қилинганлигининг 10 йиллигини кенг шодиёна қилишга тараддуд кўрилмоқда. Мазкур санага университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари томонидан ўзига хос тайёргарлик кўришди. Жумладан, талабаларга Конституциянинг ҳар бир боб, бўлим ва моддаларини ҳаёт билан боғлаган ҳолда чуқур ўргатишда дарс ва дарсдан ташқари ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Университет кутубхонаси ушбу фан бўйича зарур ўқув адабиётлари билан бойитилган. У ерда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар томонидан тайёрланган кўргазма-плакатлар, турли чизмалар ҳам жой олган. Кутубхона компьютерида Конституциянинг барча моддалари акс этган электрон версия ҳам мавжуд.

Малакали профессор-ўқитувчилар орасидан саралаб олинган етакчи педагоглар талабаларга Конституцияни ўргатиш ишига жалб этилган. Дарсдан ташқари ўтказилаётган коллоквиумлар, илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ёшларнинг Конституциявий, ҳуқуқий билимларини бойитишга хизмат қилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган "Сиз Конституцияни биласизми?" мавзусидаги кўрик-танлови университетда ўтказилган факультетлараро босқичда ҳуқуқ-иқтисод факультети талабалари ғолиб бўлдилар. "Конституциямиз — ҳуқуқларимиз кафолати" мавзусидаги иншо танловида эса ўқув юртимизнинг 2500 дан ортиқ талабаси иштирок этди ҳамда 10 та энг яхши иншо танлаб олинди. Ҳуқуқ факультети III курс талабалари Муқаддас Аҳмедова, Гулруҳ Йўлчиева, филология факультети III курс талабаси Одина Холиқовалар томонидан ёзилган иншолар эса юқори баҳоланди.

Университетимизда "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзусидаги ўқув юртлариаро кўрик-танловга астойдил ҳозирлик кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг турли бўлим ва моддаларини ўзида акс эттирган 30 дан ортиқ расм ва кўргазмалар, чизмалар, фотостендлар, Давлат рамзлари акс эттирилган суратлар бугунги талабалар ижодиётининг юксак намунаси сифатида эътироф этилмоқда. Жорий йилда байрам арафасида вилоятда ўтказилаётган турли кўрик-танловлардан бири, Ўзбекистон мадҳияси ижроси танловида университетимиз талабаларидан ташкил топган бадиий жамоа биринчи ўринни эгаллади.

Давлатимиз бош Қомусида фуқароларнинг ҳуқуқий эркинликлари, унинг бурч ҳамда вазифалари аниқ ўз ифодасини топган. Бунинг амалиётдаги ифодаси сифатида ўқув юртимизнинг Ўш Қирғиз-Ўзбек университети билан ҳамкорликдаги божхона хизмати бўйича аҳолига ҳуқуқий маслаҳат беришни мақсад қилган "Ҳуқуқий клиника" фаолияти эътиборга моликдир. Мазкур клиникада Ўзбекистон — Қирғизистон чегарасида божхона пунктларидан ўтиш жараёнида фуқароларга беминнат ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда ва ҳозирга қадар 200 дан ортиқ кишилар ҳуқуқий-клиника ёрдамидан баҳраманд бўлдилар.

Бош Қонунимизнинг 29-моддасида "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга" дея кўрсатилган. Бу ҳар бир фуқаронинг собит, яратувчи, ташаббускор, ўз фикрига эга бўлган ва уни ҳимоя қила оладиган шахс сифатида шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларни эркин фикрлашга ўргатиш мақсадида янги педагогик технологияларни дарс жараёнига татбиқ қилиш ва танқидий фикрлашни шакллантириш мақсадида Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси билан ҳамкорликда семинарлар ташкил қилинмоқда.

Олий ўқув юртимизнинг "Эътиқод", "Бу — биз" клублари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан иш услубидаги ўз-ўзини бошқариш, дарсни ташкил қилишнинг янги усулларини жорий қилиш орқали талабалар фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Ⓜ

Фарғона Давлат университети жамоаси бутун халқимизни, шу жумладан барча касбдошларимизни қутлуғ айём — Конституциямизнинг 10 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат ва фаровонлик тилаймиз.

АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ⓜ

АДАБ ВА АДАБИЁТ ИЛМИНИНГ ЗАРГАРИ

ХХ аср, хусусан шўролар тузуми мумтоз адабиёт намоёндаларига хос бўлган буюк хислат — КАМТАРлик ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб юборди. Ҳаммани мағрурликка чорлади. Бу даҳшатли машина ўзбек миллий зиёлиларининг бир қисмини жисман маҳв этди; бир қисмини шундай эздики, кейинги ҳаётида инсон зотидан ҳадиксираб, ўз соясидан қўрқиб яшайдиган ҳолга келишди.

Абдураҳмон Жомийга хос, Алишер Навоийга хос, Ҳусайн Бойқарога хос камтарлик билан жилоланган сиймони ХХ аср тан олмади, шекилли... Бироқ мумтоз адабиёт мутолааси ва таълими ўзбеклардан Ботурхон Валихўжаевни ва яҳудлардан Натан Муродович Маллаевларнинг шахсини биз билган улуғ камтар сиймоларга жуда яқинлаштирди. Бу икки олим камтарлик билан улуғлик поғоналарида тура олдилар, яшай олдилар, десам муболаға бўлмас.

Устоз академик Воҳид Абдуллаев Натан Маллаев шахсини шу даражада севар ва ҳурмат қилар эдиларки, беихтиёр: "Натан Маллаев яҳудлардан чиққан ўзбек!" дердилар...

Жаҳон халқлари яҳудларни илм-фанда пешво ва моддий манфаатпараст, деб ўйлашади. Натан Маллаевнинг фанда пешволигига тан берайлик. У киши яратган "Ўзбек адабиёти тарихи" яқинда Покистонда уч жилдда таржима қилиб нашр этилди... Шахсий манфаат ва тамагирлик хусусиятлари эса, Натан Маллаевга мутлақо ёт эди. Ҳатто бу хусусиятни турмуш ўртоқлари Саломат опага ҳам сингдирган эдилар...

Бачканароқ бўлса-да, бир воқеани айтгим келади. Мен Сирдарёда яшаб, Тошкентда ишлардим. Бир маротаба Натан Муродович учун тарвуз кўтариб уйларига бордим. Домла ишда эканлар. Саломат Иброҳимова бу арзимас совғамни олишдан қатъий бош тортдилар; "Домла хафа бўладилар" дедилар. Тарвузни топширгунча кўп "тушунтиришлар"га мажбур бўлдим. Домлага эҳтиёжим йўқлиги, болам ўқимаслиги, бировни илтимос қилмаслигим сингари ўнлаб асосларни айтиб, домлага бўлган шогирдлик ҳурматим туфайли чўлдан бу нарсани атайлаб кўтариб келганимга опани зўрға ишонтиролдим...

Самарқандга ўқишга борганимдан сўнг Маллаевдай сиймони Валихўжаев шахсида кўрдим. Ҳар икки олим мен билган энг маданиятли, одамохун инсон эдилар... У пайтлар домла ўттиз бир ёки ўттиз икки ёшларда эдилар. Ажойиби шундаки, камтарликни топтайдиган замонларда (60-йиллар) Ботурхон домла, ўта камтарлик билан салобатли, камсуқумлик билан улуғ эдилар... Кўринишдан вилоятнинг биринчи котибидай жусса ва салобатда улуғ Жўрабой Ҳожиматовдай доцентлар Валихўжаев ҳурматларини албатта жойига қўяр эдилар... Маллаев ва Валихўжаевдаги андишалилик муштараклигини қайд қилгим келади. Мен Маллаевга шогирд бўламан, деб юрардим. Мақсадли аспирантурам Самарқанд Давлат университетига берилди. Н.М. Маллаев ўзлари Самарқандга келиб, менга тушунтирдилар; "Ваҳобжон, мен Сизни жуда яхши кўраман. Бироқ илмий устозликнинг ҳам одоби бор. Самарқандда академик Воҳид Абдуллаевдай, Ботурхон Валихўжаевдай донишмандлар туриб, мен Тошкентдан туриб сизга раҳбарлик қилсам, қандоқ бўларкин? Ўйлаб кўринг. Мен ҳамиша ўзимни Сизга устоз деб ҳис қиламан. Аммо сизга расмий устозликни мен Воҳид акадан илтимос қиламан. Истаган пайтингизда мен сизга жон-дилдан кўмаклашаман".

...ва мени устоз Воҳид Абдуллаевга топширдилар...

В.Абдуллаев СамДУ ректори бўлганликларидан менга мунтазам Ботурхон Валихўжаев раҳбарлик ва ҳомийлик қилар эдилар. Бу кишидаги ёшу қарига тенг муомала маданияти ҳаммамизни лол қолдирарди. Уч йил давомида Б.Валихўжаев икки маротабагина ўринларига мени талабаларга сабоқ беришга таклиф қилганлар. Ва у таклифлар шундай маданий усулда қилинар эдики, мен хижолат тортардим: "Домла, ундай деманг: менга буюринг" деб юборардим...

Бугун олтмишдан ошган ёшимда устоз Ботурхон Валихўжаев шахсларини мулоҳаза қилсам: ўша Жомий, ўша Навоийлар сиймолари кўз ўнгимда гавдаланадилар... Ботурхон домла — камтарлик мамалакатини ўз салтанати тасарруфига олган инсон. Валихўжаевдаги камтарликда ўзига хос сеҳр бор: у инсон зотига домла шахсидаги улкан меҳр туфайли зуҳур этади.

Икки суверен давлат: Ўзбекистон ва Тожикистон адабиёт илмида баравар таниқли сиймо Б.Валихўжаевдирлар. Бунақа ҳодиса тарихда сийрак бўлади. Академик Б.Валихўжаев Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақида икки тилда ажойиб китоб ёздилар. Олим китобларининг рўйхати ўзи бир китоб бўлади. Бироқ шулар орасида Валихўжаев сиймоларини Ўзбекистонга танитган асар "Ўзбек адабиётшунослиги тарихи" китобидир. Бу дарслик олий мактаб талабалари, ўқитувчи-олимлари учун IX-XX асрнинг бошлари адабиётшунослиги тарихидан фундаментал қўлланмадир.

Мазкур асар муаллиф салоҳияти, манбаларни билишдаги зукколиги, манбалар саноғи ва географиясининг кенглиги, араб, форс ва туркий тиллардаги матнларнинг беҳад кўплиги жиҳатидан одамни ҳайратга солгулик! Тадқиқотнинг узвий, тадрижий ва теранлиги; ўта миқёслилиги; текширишнинг кўптомонлама ёндашувлар маҳсули эканлиги — адабиётшунос саҳовати туфайлидир. Ижобий маънодаги чуқур академизм асарнинг бошдан-охиригача ҳукмфармонлик қилади.

Адабиётшунослик тарихини заррама-зарра: тарихий асарлардан, тазкиралардан, йирик бадиий асарлардан, хотиралардан, ёзишмаларда, илмий асарлардан, маноқиблардан, шеърлардан тиклайдилар Ботурхон Валихўжаев. Мен домланинг номзодлик диссертацияларини ўқиб қўйил қолган эдим. Бу китоб қаршисида эса ўша диссертациялари энди кичикроқина бир тадқиқот туюлади. Илмий масъулият, ўз имзоси масъулияти ҳар кимни ҳам Валихўжаев даражаларига етказа олмайди.

Хотиралар мени домла уйларига етаклайди. Муҳтарам оталари ва эски ҳовлиларидаги ўрта асрларга хос соддалик ва ораставлик кўз ўнгимда пайдо бўлади... Камтарлик ва самимият ҳукмфармонлик қиладиган ажойиб оила... Ҳали у пайтлар Ботурхон ака оиладаги қобил фарзанд эдилар... У ҳовлида ва оила аҳлида дабдаба ва ғурурдан асар кўрмаганман... Оддийлик, сариштаклик, кўзга ташланишдан ийманиш сингари ажиб бир турмуш тарзи. Зеро, оила бошлиғи маърифатпарвар ота эдилар. Энди...энди эса Ботурхон домланинг ўзлари мен билган оталаридан ёшда улуғлар... Университет ва адабиёт кафедрасининг зийнати, академик.

Бироқ жусса, кийиниш ва муносабатда ўша одмилик, ўша соддалик, ўша самимийлик ва ўша ўзгаларга жонфидолик, меҳрфошлик...

Сersув дарё, улуғ дарё тинч, сокин оқади. Илмда шовқин-суронсиз буюк ишлар қилган ва қилаётган, одамийликда оллоҳнинг азиз бандаларига хос фазилатлар эгаси бўлган Ботурхон Валихўжаевни бир сўз билан орзубоп комил инсон тимсоли дегим келади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Гулистон Давлат университети доценти

Fanimiz fidoyilari

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

Республика Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бошқармаси томонидан ўтказиб келинаётган вилоятлараро минтақавий семинари анъанага айланиб бормоқда. Навбатдаги учинчи семинар Фарғонада бўлиб ўтди. Унда водий вилоятларининг ҳамда туман, шаҳар бўлимларининг шу соҳа мутахассислари иштирок этишди. Халқ таълими вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Фарғона вилоят ҳокимлиги ХТБ томонидан ўтказилган мазкур семинар "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 2-босқичи мақсад ва вазифаларини "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастури асосида амалга ошириш мавзусига бағишланди. Семинар ишида иштирок этган Халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 2-босқич вазифаларини амалга ошириш, мактабгача таълим муаммоларини ҳал қилиш бўйича семинар иштирокчилари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Шу куни минтақавий семинар қатнашчилари Фарғона шаҳридаги "Шодлик" мактаб-боғча мажмуаси, "Зумрад" болалар боғчаларида бўлишиб, ана шу таълим муассасаларида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари билан яқиндан танишдилар.

Семинар ишини бошқарган вазирликнинг мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳ.Аҳмедова республикада мактабгача таълим сифатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, кадрларни танлаб жой-жойига қўйиш, уларнинг малакаси ва маълумотини ошириш, бугунги таълим жараёнининг муҳим вазифаси эканлигини қуйидагича таъкидлаб ўтди:

"Бола бошидан, деб ота-боболаримиз бежиз айтишмаган. Ёшликда берилган таълим-тарбия инсоннинг келажагини белгилаб беради. Боланинг ўзлигини, атроф-муҳит, яъни оламни англай бошлагач, илк бор тарбияга, сўнгра таълимга муҳтож бўла бошлайди. Ана шу даврдан бошлаб берилган таълим-тарбия унинг қон-қонига сингиб боради. Қайси йўлга бошласа, ўша томонга мойил бўлган мурғак қалбига тўғри йўл кўрсатишда унинг тарбиячиси катта аҳамиятга эга.

Мустақил юртимизнинг ворислари бўлган бугунги ёш авлодни аждодларимиз удумлари, бой мафкуравий тажрибалар асосида мустақил фикрловчи ватанпарвар қилиб тарбиялаш бугун, бизнинг, мактабгача таълим мутасаддиларининг зиммасида эканлиги катта масъулият юклайди".

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ

ТАБИАТСЕВАРЛАР КЛУБИ

Ҳозирги кунда ҳар бир инсон экологик муаммоларни ечишда фаол қатнашиши лозим. Чунки унинг фаровон яшашида айнан шу омилнинг ҳиссаси беқиёс.

Ёввойи табиатни ҳимоя қилувчи Бутунжаҳон халқаро фонди — табиатни асраш бўйича дунёдаги энг йирик нодавлат ташкилот ҳисобланиб, унинг 5 миллионга яқин аъзоси бор. 1996 йил Ўрта Осиёда табиатни асраш бўйича ўтказилган чоратадбирлар ташаббусни ўз қўлига олди.

Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистонда, Бухоро кийиги, Туркманистонда қоплонларни сақлаб қолиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Табиат жамғармаси аъзолари қаторига БЭКА-1 болалар экологик клублари ассоциацияси ҳам киради.

БЭКА— пойтахтимиздаги "Ниҳол" (18-мактаб), "Изланувчи" (191-мактаб), "Бошланиш" ("Истак") ЎзМУ қошидаги республика лицейи, "Умид" (50-мактаб), "Ёш эколог" (80-мактаб), "Эремурус" (161-мактаб) экологик клубларидан ташкил топган.

Ҳар бир клуб бир неча йиллар давомида мактаб ўқувчиларининг экологик тарбияси билан шуғулланади, уларни экологик муаммоларни ечиш масалалари билан шуғулланувчи касбга йўналтиради.

Жумладан, "Эремурс" клуби мактабларнинг юқори ва бошланғич синф ўқувчилари учун ўқув қуроллари тайёрлади. Расмлар, эртаклар кўргазмалари ўтказди. Бу кўргазмаларда ўқувчилар Зарафшон қўриқхонасида яшовчи ҳайвонлар ва уларни сақлаб қолиш бўйича амалга оширилган ишлар билан таништирилди. Ўтказилган экологик викториналар ўқувчиларнинг ҳайвонларни сақлаш ва улар сонини кўпайтириш бўйича барча муаммолар билан таниш эканликларини кўрсатди.

Зеро буларнинг барчаси ўқувчиларнинг ёввойи табиатга бўлган муҳаббатини оширади.

Ю.РАЖАПОВА,
Л.ГРИГОРЬЯНЦ

БОШ ҚОМУСИМИЗ ЁШЛАР НИГОҲИДА

Конституция — инсон манфаатларини кўзловчи юксак таянч, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда асосий мезондир. Бугунги кунда уни ўрганиш, мазмун-моҳиятини тўла англаш ва унга қатъий амал қилиш ҳар биримиз учун ўта долзарб вазифадир. Ёшлар Конституциянинг моҳиятини қай даражада тушуниб етмоқда ва амал қилмоқдалар? Айнан мазкур соҳага қизиқиб таълим олаётган ўспирин ёшларнинг онги, дунёқараши бу талабга қандай жавоб бермоқда? Ана шу мақсадда Тошкент давлат юридик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиларига қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Сиз Конституцияни қандай тушунасиз?

2. Конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларингизни биласизми?

3.Ундан қандай фойдаланяпсиз?

Fikr

Бобур ЭРМАТОВ:

— Конституция — давлатнинг асосий қонуни бўлиб, "ўрнатиш", "белгилаш" деган маъноларни англатади. Ҳар бир давлат ўз Конституциясига эга. Унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари белгиланган бўлади. Мен мазкур академик лицей ўқувчиси сифатида илм олиш ҳуқуқи билан бирга олган билимимни Ватан, халқ учун ишлатишни бурчим, деб биламан. Бу йўлдаги барча саъи-ҳаракатлар, жумладан, она табиатни асраб-авайлаш, тарихий обидаларга ҳурмат кабилар ҳам бурчимдир.

Машҳура НОРҚУЛОВА:

— Биз мустақилликка эришгач, асосий қонунларимиз мажмуи — ўз Конституциямизга эга бўлдик. Унинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида кўп гапириш мумкин.

Илгарилари одамлар адвокат, суд ходими, прокурордан чўчишарди, бугун эса ушбу касб эгаларига ўз муаммоларини ечишда кўмакчи сифатида қарамоқдалар. Шундан ҳам кўринадики, одамлар бугун ўз ҳақ-ҳуқуқларини тушуниб, англаб етмоқдалар ва унга амал қилмоқдалар, дейиш мумкин.

Мен ўз конституциявий ҳуқуқларимдан тўла равишда фойдаланар эканман, билим олиш, эркин касб танлаш, тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаман. Шу билан биргаликда, бугунги олган билимларимни келажак учун сарфлашни муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.

Шаҳзод УМИРОВ:

—Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияда биринчи ўринга кўтарилган. Мен ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларимдан етарлича фойдалана оляпман, деб айтишга ҳақлиман. Негаки, қонунда белгиланган тартибда илм оляпман, одамлар билан тўғри муомала қиламан ва ҳакозо. Булар нафақат мен учун ҳуқуқ, балки ўз навбатида бурч ҳамдир.

Ғофур ЖАБИЕВ тайёрлади.

Ehtirom

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ОЛИМ

Бой адабий меросимизни ўрганувчи олимлар кўп. Биз уларнинг ҳар бири билан фахрланамиз. Лекин уларнинг орасида шундайлари ҳам борки, улар билан кўришсангиз, гаплашсангиз, юзларидан нур ёғилиб тургандай. Улар ўз сиймоларида ўтмишдаги буюк ижодкорларимизнинг фазилатларини намоён этаётгандек туюлади. Шундай олимлардан бири филология фанлари доктори, профессор Раҳим Воҳидовдир. У фақат ўзининг олимлик истеъдоди билан эмас, камтарлиги, меҳнатсеварлиги, доим янги фикр ва ғоялар билан яшаши, босиқлиги билан ҳам ҳамкасблари орасида юксак ҳурматга сазовор бўлган.

Олимнинг диққат марказида бой адабий меросимизнинг хилма-хил муаммолари — адабий алоқалар, адабиёт ва маънавият, Алишер Навоий ижоди, адабиёт тарихи масалалари тургани диққатга сазовордир. Уларни ўрганиш ва ёритишда Раҳим Воҳидов фидойилик кўрсатди, десак муболаға бўлмас.

Раҳим Воҳидовнинг номзодлик диссертацияси Алишер Навоийга замондош зуллисонайн шоир, унинг қадрдон дўсти ("Форсий дисор ва туркий шиор") Шайхим Суҳайлий тўғрисида эди. Суҳайлий ҳаёти ва ижодини жиддий ўрганишга бағишланган шу илмий ишидаёқ у ўзининг илмий салоҳиятини ёрқин кўрсата олган эди.

Раҳим Воҳидовнинг докторлик диссертацияси "XV асрнинг иккинчи ярми, XVI асрнинг бошларида ўзбек ва форс-тожик адабиётларининг ўзаро алоқаси (тарихий-типологик йўналишда)" деган мавзуда (1989) эди.

Мустақиллик даврида заҳматкаш олимнинг адабиётшунослик ва навоийшунослик фаолияти янги босқичга кўтарилди. 1991 йилда унинг "Навоий бархаёт" деган рисоласи, 1994 йили "Алишер Навоийнинг ижод мактаби" монографияси, "Алишер Навоий ва илоҳиёт" номли катта илмий тадқиқоти, 1997 йилда эса "Маънавият — комиллик саодати" (Мелс Маҳмудов билан ҳаммуаллифликда)асари китобхонлар оммасига тақдим этилди. Буларнинг ҳар бири ҳақида кўплаб фикрлар билдириш мумкин. Бу тадқиқотларда нигоҳи кенг, фикри дарё олимнинг адабиёт тарихига қарашлари янада чуқурлашиб, адабий меросимизнинг бир неча йирик намояндалари ижодига, уларнинг асарларига ёндашиши мукаммаллашди ва гўзаллашди.

Раҳим Воҳидовнинг кейинги йилларда ёзган энг яхши асари — "Алишер Навоий ва илоҳиёт" монографиясидир. Бу соҳада биринчи бўлиб илмий мулоҳазалар билдирган олимимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак ўринли. Китоб муаллифи ёзганидек, ҳали Навоий олти ёшда экан, "Қуръон" таҳсилида "Таборак сураси"гача бўлган қисмини ёд олгани, чуқур ўрганган бунга ёрқин бир мисолдир (Р.Воҳидов. Алишер Навоий ва илоҳиёт. "Бухоро" нашриёти, 1994, 11-сах.).

Раҳим Воҳидов юқори малакали илмий мутахассислар тайёрлашда ҳам олдинги сафда туради. Кейинги йилларда адабиёт тарихи, навоийшунослик бўйича ғоят қизиқарли ва муҳим мавзуларда Қ.Тўхсонов, Ҳ.Эшонқулов, Ш.Ҳайитов, Г.Болтаева, Ҳ.Сафарова каби унинг истеъдодли шогирдлари муваффақият билан номзодлик диссертациясини ёқладилар.

Раҳим Воҳидов илмий фаолиятида бошқа касбдош олимлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, адабиёт тарихининг муҳим ва мураккаб муаммоларини ҳамкорликда ёритиш майли кучли. Унинг Б.Валихўжаев, М.Қосимов, М.Ҳошимова, М.Маҳмудов ва бошқалар билан ҳаммуаллифликда эълон қилган китоблари бунга ёрқин далилдир.

А.ҲАЙИТМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор

ЁШЛАР — СПИДГА ҚАРШИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жинсий тарбия борасидаги билимларини мукаммаллаштириш, оммавий тарзда СПИДга қарши курашга чорлаш мақсадида "XXI аср ёшлари СПИДга қарши" мавзуида тадбир ўтказди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар иштирокида концерт, мавзудан келиб чиққан ҳолда ёшлар театр студияларининг ижодий чиқишлари намойиш этилди. Спортнинг футбол, волейбол ҳамда енгил атлетика турлари бўйича талабалар ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди.

Тадбирда мутахассислар СПИД ва бошқа теританосил касалликлари, уларнинг оқибатлари, бу юқумли касалликлардан қандай сақланиш тўғрисида маърузалар қилишди.

Мусобақаларда фаол қатнашган талабаларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари топширилди.

"Туркистон-пресс"



Юртимизга кор — ризқ ёғди

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Ҳар йили қабул маросимида институт талабалигига даъвогарлар сони борган сари кўпаймоқда.

Биз ёшларнинг бўғимиз, яратилган ва яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, таълим олиш, илм эгаллаш ва келажакда ўз соҳасининг билимдони бўлиб, давлатимиз равнақига ҳисса қўшишдан иборат бўлиши керак.

Ma'rifat

КОНСТИТУЦИЯ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Мамлакатимиз Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши республикамизнинг Асосий қонуни — Конституциянинг жамиятимиз ҳаётида тутган юксак нуфузини ифодалаб, унинг мазмуни барча ватандошларимиз томонидан мукаммал ўрганилишини кўзда тутади. Ушбу фармойишга Конституция моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилди ва шу асосда ўқув курслари ҳам яратилди. Чунончи, Бош қомусимиз мазмун-моҳиятини ёшлар онги ва қалбига содда, лўнда ва равон услубда етказиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англашлари, Ватанга садоқат ва муҳаббат, миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топишлари йўлида оз фурсатда республикамиз барча олий таълим муассасаларида катта амалий ишлар қилинди.

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётининг мезони бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг муҳим қўлланмасига айлантириш борасида фаол саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Конституциянинг 10 йиллиги республикамизда кенг шодиёна қилинаётган бир паллада институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ҳам ушбу санага ўзига хос тараддуд кўрилди.

Ўтган ўқув йиллари давомида Тошкент фармацевтика институти талабалари бакалавр ва магистратура босқичларида таълим олиш даврида Ўзбекистон Конституциясининг маъно-мазмуни ва моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Конституциявий тузумининг асосий тамойиллари, инсон ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, ҳамда уларнинг кафолатланиши, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг асослари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, Давлат ҳокимияти органларининг тизими, уларнинг тузилиши тартиби, ваколатлари ва фаолият шакллари хусусида босқичма-босқич билим олдилар, кўникма ва тасаввурларга эга бўлдилар.

Маълумки, давлатимиз раҳбари фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш таълим тизимида илк маротаба алоҳида ўқув фани сифатида олий таълим муассасалари ўқув режаларига киритилди. Шу боис, бу фан асосида талабаларга дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга ҳам институт маъмуриятидан катта эътибор ва масъулият қаратилишини талаб этди. Бу борада таълим муассасасида мазкур фандан дарс бериш учун махсус танлаб олинган ижтимоий ва гуманитар фанлар ўқитувчилари махсус малака ошириш курсларини ўтдилар.

Институтимизда Конституцияга бағишланган дарслар 3 хил шаклда — маъруза, амалиёт ва суҳбат-учрашувлар асосида ташкил қилинди. Белгиланган маъруза машғулотларини институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари олиб бормоқдалар. Машғулотлар якунида талабалар Асосий қонуннинг тегишли бўлим ва моддаларига тааллуқли рефератлар тайёрладилар. Жорий йилдан бошлаб талабаларнинг Конституцияни ўрганиш бўйича олган билимларини баҳоловчи компьютерда махсус тест саволлари тузилди ва назарий машғулотларни якунлаган ҳар бир талаба ўз олган билимларини тест орқали аниқ ва равшан билиб олиш, баҳолаш имкониятига эга бўлди.

Бундан ташқари, Конституцияни ўрганиш бўйича доимий тарзда ўтказилиши режалаштирилган турли учрашув-мулоқотларга республикамизнинг кўзга кўринган юрист-олимлари, юридик фанлари докторлари, профессорлар таклиф қилиндилар. Чунончи, жорий йилда бўлиб ўтган учрашувлар чоғида юридик фанлари доктори, профессорлар, О. Ҳусанов, А.Саидов, Р.Фармоновлар ташриф буюриши режалаштирилган.

Давлатимиз Бош қомусини амалий жиҳатдан ўрганиш ишларига институт Маънавият ва маърифат маркази бошчилик кўпроқ турли тадбирлар, танловлар орқали сингдирилиши яхши самара бермоқда. "Сиз қонунни биласизми?", "Конституция — ҳуқуқлар кафолати" кўрик-танловлари шулар жумласидандир. Ўтган ўқув йилида институтимиз "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ана шундай танловлардан бири — "Сиз қонунни биласизми?" танлови муваффақиятли ўтди ва унинг ғолиблари раҳбарият томонидан тавсия этилган қимматбаҳо совғалар билан ҳам тақдирландилар.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамият ҳаётида тутган ўрни, моҳияти, ўқувчи ва талаба-ёшлар томонидан чуқур ўрганилишини ташкил қилиш, ташвиқ ва тарғиб этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги билан яқинда институт талабалари ўртасида "Конституция — ҳуқуқлар кафолати" шиори остида ёзма ишлар кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Унда қарийб юз нафар талаба иштирок этиб, ўз билим ва истеъдодини намоён қилдилар. Танлов ғолибларига институт мақтов ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Конституциянинг хусусиятлари, демократик моҳияти, халқимиз ҳаётида тутган ўрнини талабалар томонидан чуқур ўрганилишини таъминлаш мақсадида Юртбошимиз сиёсий-ҳуқуқий қарашларидан фойдаланишга оид услубий тавсиялардан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Институтда Конституцияни ўрганиш хонаси, кутубхонада шу мавзуга оид махсус бурчак ташкил қилинган. Бу ерда Бош Қомусимиз тамойилларига мос янги китоблар, газета-журналлар, расмлар кўргазмаси жой олган. Таъкидлаш лозимки, республикамиз Конституциясини талаба-ёшларга чуқур ўргатиш ҳамда унинг моҳиятини янада теран англаб етишларида кўргазмали воситаларнинг ҳам ўрни катта. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган турли альбомлар, кўрсатмали плакатлар мажмуи Конституция ғоялари ва уларни ҳаётга жорий қилиш масалаларини талабаларимизга етказиш, ёшларимиз фуқаролик жамияти яратилиши жараёнининг фаол иштирокчилари бўлиб етишишлари учун хизмат қилади.

Институт Маънавият ва маърифат марказида ҳамда Талабалар уйида Конституциянинг ҳар бир бобини ўзида акс эттирувчи кўргазмали стендлар ташкил қилинди ва бу талабаларни Қомусимизни янада мукаммал ўзлаштиришларига кўмак бермоқда.

Сўзим ниҳоясида шуни айтмоқчиманки, талаба-ёшларга Асосий қонун мазмун-моҳиятини чуқур ўргатишда улар қалбида нафақат ҳуқуқ ва эркинликларининг моҳиятини, балки энг аввало фидойилик, халқпарварлик, ўз Ватанига садоқат сингари эзгу туйғуларини шакллантиришда ўзига хос хизмат қилишини унутмаслигимиз зарур. Зеро, ана шундагина биз кўзлаган баркамол авлоднинг тарбиясига эришиш йўлида саъй-ҳаракат қилган бўламиз.

Неъмат ОЛИМОВ,
Тошкент фармацевтика институти маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори Ⓜ

Konstitutsiyani qanday o'rganayapmiz?



ИЗЛАНИШЛАР САРМОЯ КЕЛТИРДИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ихтиёридаги рейтинг натижалари бўйича юқори ўринни эгалловчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ҳар йилги қабул маросимида институт талабалигига даъвогарлар сони борган сари кўпаймоқда. Бу бир томондан жонажон Ватанимизда тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси бўйича қатор қўшма корхоналар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан мустақил диёримизнинг келажаги айнан шу соҳани ривожлантириш ва такомиллаштириш билан ҳам боғлиқ эканлигини билдиради.

Мустақиллик шарофати туфайли ҳуқуқий давлатни барпо этишга киришдик. Бу жараёнда ёшлар маданиятини, ҳуқуқий билимини, онгини, дунёқарашини янада яхшилаш, давлатимиз рамзларини, айниқса Асосий Қонун — Конституциядаги ҳар бир бўлим ва моддаларни дилларига жо этиш талаб қилинмоқда. Ана шу кечиктириб бўлмас вазифани ҳис этган институт раҳбарияти таълим тизимига турли янгиликларни жорий этиш хусусида узлуксиз иш олиб бормоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий Мажлис демократик институтлари, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Бадиий академия ҳамкорликда ташкил этган "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" мавзусидаги тасвирий воситалар республика кўрик-танловида институтимиз талаба-ёшлари ҳам фаол иштирок этишди. Мураббийлик соатларида — курс, факультет йиғилишларида "Конституциямиз — ҳуқуқларимиз кафолати" мавзусида суҳбатлар, ҳуқуқшунос олимлар иштирокида кенг миқёсда тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Институт ҳудудида Конституция хиёбони ташкил этилди. Боб ва моддаларнинг улкан ҳарфларда битилиши киши кўзини яйратади.

Кейинги йилларда даргоҳимизда амалга оширилаётган ишлар аслида денгиздан бир томчидек бўлса ҳам, уларнинг салмоғини каттагина рақамлар орқали таҳлил қилиб беришимиз мумкин.

Ўқув жараёнида янги таълим стандартлари, дастурлари яратилди. Моддий-техника базасини такомиллаштириш учун чет эл инвестицияларини олиб келишга эришдик. Жумладан, "ТАСИС—ТЕМПУС" дастури асосида 415 экю миқдоридаги Европада ишлаб чиқарилган энг замонавий технологик жиҳозлар институт ўқув лабораторияларига ўрнатилгани қувончли воқеа бўлди. Матбаа соҳасини ривожлантириш мақсадида Германиянинг машҳур "Гейделберг" фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган 500 дойч марка миқдоридаги матбаа ўқув марказининг очилиши халқаро алоқаларимиз нуфузини яна ҳам оширди. Шунингдек, 150 дан ортиқ институт профессор-ўқитувчилари 23 та хорижий мамлакатда ўз малакаларини ошириб келишдики, бу улар фаолиятида изсиз кетмайди.

Институт Халқаро тўқимачилар академияси, Халқаро ипакчилик уюшмасига, Халқаро матбаа ташкилотига, яқинда эса Осиё университетлари федерациясига аъзо бўлди. 2001 йилда институтимиз Япония ҳукуматининг 4 миллион долларлик беғараз ёрдами туфайли МДҲ мамлакатлари ўртасида замонавий сертификация маркази, кийим ва пойафзал бўйича алоҳида лабораториялар, янги ўқув дастгоҳлари ва компьютерлар, аудио-видео синфларга эга бўлди. 22 нафар фан доктори, 180 дан зиёд фан номзоди тайёрланди. 800 дан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифлари бизда меҳнат қилишади. Шулардан 40 таси хорижий мамлакат нашрларида эълон қилинган. Бундан ташқари 150 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланмаси, монографиялар институтимиз олимларининг ижод маҳсули ҳисобланади.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш ҳам диққат-эътиборимиздаги масала бўлиб қолган. Иқтидорли талабалар академиясида ўқув ва илмий тадқиқот ишлари изчиллик билан давом эттирилаяпти. 4 нафар талаба Президент стипендианти, 100 дан ортиқ аълочи, фаол талабалар эса турли номлардаги нуфузли стипендия совриндорлари бўлишди. Академиклар — М.Ҳожинова, М.Ўрозбоев, Х.Усмонхўжаев номидаги стипендиантлар ҳам борки, уларга ўз тенгқурларининг ҳавас ва эътиборлари ортмоқда.

Кейинги ойлар ичида институтимизда турли оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказилмоқда. Буларнинг аксарияти Ўзбекистон Конституцияси тарихий санасига бағишланяпти. Бу оммавий ҳаракатдан институт ички радиоузели ҳам четда эмас. Радиожурналистлар "Конституция ва билим олиш ҳуқуқи" рукни остида ранг-баранг ва қизиқарли эшиттиришларни узатишяпти. Яккасарой тумани фуқаролик судининг судьяси М.Дўстов иштирокида "Ҳаёт манбаининг ҳуқуқий кафолати" мавзусида мулоқот кечаси ўтказилганида талабалар бажону дил иштирок этишди ва ўзларини қизиқтирган саволларни бериб, қониқарли жавоблар олишди. "Ҳуқуқингизни биласизми?" мавзусидаги викторинани алоҳида таъкидлаб ўтишим керак. Бу викторинада иштирок этмаган талаба бўлмади. Деворий газеталарнинг кўрик-танлови ҳам ўзига хос синов бўлди. Байрам муносабати билан Тошкент Давлат аграр университетида ўтказилган миллий кураш бўйича спорт мусобақасида талаба ёшларимиз иштироки муваффақиятли бўлди.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи муовини Ⓜ

Азиз ҳамюртлар!
Муҳтарам ҳамкасблар!
Бизга барчангизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда муборак Рамазон ҳайити билан қутлаш бахти насиб этганидан мамнунмиз.
Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, порлоқ эртаси сизга, бизга, шу юртда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро фаолиятига боғлиқ! Биз жаннатмакон юрт фарзандларимиз. Уни асраб авайлашда, ривожлантиришда ҳамма-ҳаммангизга саломатлик, куч-қувват, бахт-иқбол ҳамроҳ бўлсин!

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси

БАХТИМДАН СЎЗЛАЙМАН

Конституциямизнинг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга" дейилган. Мен ҳам мактабда 9 йил ўқиб, ўз хоҳишим билан касб-ҳунар коллежларининг бирига ўқишга кирдим. Мен коллежда ҳақиқий касб малакасини ва келажакда олий таълим муассасасида таҳсилни давом эттиришга учун зарур билимни эгалладим ва ана шу институтга ўқишга кирдим. Мен учун 4 йил давомидаги бакалаврлик таълими унутилмас давр бўлди. Конституция билим олишда ҳамма имтиёзлардан фойдаланишимизни кафолатлайди. Мен замонавий ахборот, педагогик технологиялар, чет тили, мутахассислик фанларини чуқур эгаллаб, ўқишни имтиёзли диплом билан тугатишга мушарраф бўлдим. Ҳозирда магистратура йўналишида ўқимоқдаман. Демак, билимим ҳам, савиям ҳам янада юксалмоқда.

Албатта, бу ютуқларга эришишимда устозларимнинг ҳиссаси катта. Лекин, мустақиллик шарофати, халқимизнинг танлаган йўли ва бу борада қилинаётган эзгу ишлар катта аҳамиятга эга. Айниқса, таълим соҳасидаги ўзгаришларни алоҳида қайд этиш лозим.

Биз ёшларнинг бурчимиз, яратилган ва яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, таълим олиш, илм эгаллаш ва келажакда ўз соҳасининг билимдони бўлиб, давлатимиз равнақига ҳисса қўшишдан иборат бўлиши керак.

Азиза БОТИРОВА,
ТТЕСИ 1-курс магистранти Ⓜ

Faxr

Эсдалик учун суратга тушиш ҳамиша завқли...

ТОТУВЛИК БОР ЖОЙДА, РИВОЖЛАНИШ БОР

Ўзбекистонда юздан зиёд миллат ва элатларнинг истиқомат қилишини ижобий маънодаги ҳодиса деб баҳолаш керак. Улар ўз ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тенгдирлар. Тотувлик бор жойда эса ривожланиш бор. Жумладан, мен ҳам корейс миллатига мансубман. Ана шу юртда туғилдим, ўсиб-улғайиб, ўзбек халқининг нон-тузидан, меҳр-оқибатидан баҳраманд бўлдим.

Ta'kid

Илгари, яъни кескин қораланаётган мустабид тузум даврида ўзга миллат вакилларига ҳозиргидагидек эътибор, мурувват кўрсатилмас эди. Пойтахтимизда бугунги кунда корейс халқининг бошини бирлаштириб турган Корейс маданий маркази фаолият кўрсатмоқда. Биз корейслар тез-тез ўша марказга бориб, ўз халқимиз урф-одатлари, бу ердаги уларнинг фаолияти, кейинги тақдири билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашамиз. Турли тадбир, учрашув ва байрамлар иштирокчиси бўлиш ҳар биримизга аъло кайфият бағишлайди.

А.ХЕГАЙ,
институт IV курс талабаси Ⓜ

Институтда Конституция куни муносабати билан деворий газеталарнинг махсус сонлари чиқарилди. Улар нафақат мазмуни, балки безатилиши билан ҳам киши диққатини ўзига тортади.

Jarayon

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда қабул қилинаётган барча қонун ва фармойишларнинг асоси бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллик юбилейи тантаналарини Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 10-ихтисослашган мактаб-интернат жамоаси ҳам юксак ютуқлар билан кутиб олмоқда. Бундан саккиз йил муқаддам Музработ тумани Янгиобод жамоа хўжалиги марказида ташкил топган даргоҳимиз ана шу қисқа вақт ичида ҳар томонлама ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда 150 ўқувчига мўлжалланган ўқув биноси, 74 ўринли 2 та ётоқхона, 150 ўринли ошхонага эга бўлган масканимиз педагогик жамоаси ўқувчи-ёшларга ўзбек ва хорижий тиллар (инглиз, француз) йўналишларида илм-фан сирларини ўргатиб келяпти. Бу борада бутун педагогик жамоани бириктириб турувчи илмий-услубий кенгаш, 10 та фан комиссиялари фаолияти йўлга қўйилганлиги эътиборга моликдир.

Айни кунда Термиз Давлат университети ректорати билан алоқаларимизни кенгайтирганимиз боис, мазкур олийгоҳнинг бир гуруҳ олимлари мактаб-интернатдаги таълим-тарбия жараёнига жалб этилган. Илмий ишга қизиқувчи ўқувчиларимизга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг илмий изланишлари салоҳиятини ўстириш мақсадида таълим муассасамизда ёшларнинг "Кичик академия"сини ташкил қилиб, шу пайтга қадар унинг аъзолари ўзларининг илк илмий ишларини ҳимоя қилиб улгуришди.

Сўнгги йиллар давомида ўқитувчиларимиз томонидан "Мактаб-интернатда услубий ишларни ташкил этиш тажрибаси", "Янги таълим муассасаларида ноанъанавий дарслар", "Мактаб-интернатда "Кичик академия", "Тарбиявий ишлар — таълимдаги ютуқлар гарови" каби бир қатор тўпламлар чоп этилди. Йилдан-йилга илм масканимиз битирувчиларининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига муваффақиятли қабул қилинаётганлиги, ўқувчиларимизнинг вилоят ва республика миқёсида ўтказилиб келинаётган турли кўрик-танловларда фаол иштироки ва голиблар сафидан ўрин олиши юксак мақсад сари интилаётган педагогик жамоамизни ҳушнуд этмоқда.

Ўтган икки йилдан ортиқ вақт мобайнида мактаб-интернатда яна бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Масалан, қисқа вақтда қурилиб, ишга туширилган теннис корти фарзандларимизнинг жисмонан баркамол бўлиб ўсиб-улғайишларида жудаям асқотаяпти. Сўнгги пайтда ота-оналар билан ҳамкорлигимиз янада кучайиб, бунинг натижасида мактаб-интернат кутубхонасидаги китоблар сони кўпайди, ётоқхоналарнинг аҳволи яхшиланмоқда.

Алламурот ҚЎНҒИРОТОВ,
Музробот туманидаги 10-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати директори, "Ўзбекистон Республикаси хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

Юртимизда Бош Қомусимиз қабул қилинган кунининг 10 йиллик тўйи катта байрам шодиёналари билан кутиб олинмоқда. Мамлакатимизда мавжуд бўлган барча таълим-тарбия муассасаларида бўлганидек, ушбу сана Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида ҳам зўр тантаналар билан нишонланмоқда.

ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Сирасини айтганда, мазкур академик лицей ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига тайёргарлик ишларини янги ўқув йилининг илк кунлариданоқ бошлаб юборишган. Лицейда Бош қомусимиз мадҳи ва унинг тарғиботи билан боғлиқ бўлган қатор йўналишлардан иборат тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ҳар бир бандининг ижроси бўйича масъул ходимлар олдиндан белгилаб қўйилди.

— Бош Қомусимизнинг мавзусида гуруҳ раҳбарлари ва тарбиячилар бошчилигида кўргазмали стендлар ташкил этилди.

Лицей гуруҳлари ўртасида ўтказилган "Сиз Конституцияни биласизми?" интеллектуал ўйини эса ўқувчиларнинг мамлакатимиз Бош қонунини қанчалик даражада яхши билишларини, унинг ҳар бир банди фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари кафолати эканлигини чуқур тушуниб етишишига хизмат қилди, десак асло янглишмаймиз. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишни истардикки, мазкур лицей педагогик жамоаси ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ривожлантириб бориш мақсадида тинимсиз изланиб келмоқда. Улар бу ишга бир кунлик ёки мавсумий тадбир деб қарашмайди. Бунга лицей ўқувчиларининг йил давомида моҳир ташкилотчи Арман Арапова бошчилигида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказига саёҳатлар уюштириши, ушбу марказ ходимлари билан очиқ мулоқотлари, Тошкент шаҳар ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши ёрқин мисол бўла олади. Бундан ташқари, лицейда "Қонунимиз — ҳимоямиз" ҳуқуқий марафони анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилмоқда. Бу йил эса бу марафоннинг оммавий равишда Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги барча академик лицейлар жамоалари иштирокида ташкил этилганлиги эътиборга моликдир. "Конституция — Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни" мавзусида бўлиб ўтган ҳуқуқий марафонда пойтахтимизнинг барча академик лицейларидан жами олти кишидан иборат жамоалар иштирок этиб, ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейи прокуратура ва суд ходимлари билан давра суҳбати ҳамда "Қонун ва биз" мавзусида марафонда қатнашган жамоалар ўртасида блиц-турнир ташкил этилди.

Мана бир неча йилдирки, мамлакатимиз таълим тизимининг барча бўғинларида "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзуидаги республика кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда. Ўтган ўқув йилининг якунларига кўра, ушбу танловнинг "Ҳуқуқий билимдон ўқувчи" номинацияси ғолиби, Чилонзор академик лицейи ўқувчиси Ҳусниддин Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида бўлиб, Президентимиз Ислом Каримов билан учрашиш шарафига муяссар бўлди.



Ушбу учрашувдан сўнг лицейда Ҳусниддин Ҳасанов ва унинг устозлари иштирокида "Ҳуқуқий билимдон ўқувчи" номинацияси ғолиби билан учрашув ташкил этилди. Ана шу учрашувдан сўнг лицейда Конституция ва ҳуқуқий билимлар бўйича махсус хона ташкил этилди. Бу хона Конституциянинг деярли барча боблари бўйича тайёрланган махсус стендлар билан жиҳозланди. Эндиликда ўқувчилар мультимедиа дастури мавжуд бўлган компьютер воситалари орқали муайян бир мавзуга оид компьютер дастурлари билан танишиш имкониятига эга. Шунингдек, улар бу ерда конституциявий ҳамда ҳуқуқий саводхонликларини оширишлари учун махсус йигилган адабиётлар, видеотасмалар, кўргазмали воситалардан ҳам бемалол фойдаланишадиган бўлди.

Н. УСМОНОВ,
"Ma`rifat"нинг махсус мухбири

Суратда: ТДТУ қошидаги Чилонзор академик лицейида Конституцияни ўрганиш бўйича ташкил қилинган махсус хонада ўқувчилар ҳамиша гавжум.

Kasb-hunar kollejlarida

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Қорасув-1 мавзесида жойлашган Тошкент технология касб-ҳунар коллежи мамлакатимизда "Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси тармоғининг қуйи ташкилот ва корхоналарига малакали кичик мутахассислар тайёрлаб келаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасидир. Мазкур коллежда мавжуд бўлган элеватор, ун тортиш, ёрма ва омухта-ем ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ускуналарини таъмирлаш ва ишлатиш, қандолат, нон-булка ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бухгалтерия ҳисоби, маркетинг йўналишлари бўйича тайёрланаётган мутахассисликлар қаторига 2002-2003 ўқув йилидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш ва виночилик технологияси каби иккита янги йўналишлар ҳам қўшилди.

— *Илм даргоҳимиз тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, дастлабки пайтда бу ерда фақат иккитагина йўналишда, яъни донни сақлаш ва ун-ёрма ишлаб чиқариш бўйича мутахассислар тайёрланган,* — дейди биз билан бўлган суҳбатда коллеж директори, техника фанлари доктори, профессор Ашраф Эминов. — *Кейинги йиллар давомида мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янгидан-янги мутахассислик йўналишларини ташкил этаяпмиз. Эътиборлиси, илм масканимиз шу кунгача Ўзбекистон халқ хўжалигига 15 мингга яқин мутахассис кадрлар етказиб берди. Айниқса, бугунги кунда битирувчиларимиз орасида "Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси бошқармалари бошлиқлари, ҳиссадорлик жамиятлари раислари, акциядорлик ва хусусий корхоналар бош муҳандислари, механиклари, ҳисобчиларининг бўлиши бизни чексиз қувонтиради. Яна шуни таъкидлардикки, битирувчиларимизнинг асосий қисми мамлакатимиз озиқ-овқат ва дон маҳсулотлари тармоқлари корхоналарида банд бўлиб, республикамизда ун, ёрма, омухта-ем, нонбулочка, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар.*

Янги ўқув йилидан эса "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси раҳбарияти билан эришилган ҳамкорлик алоқаларимизга асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини консервалаш ва виночилик технологияси йўналишларида кичик технолог кадрлар тайёрлашни бошладик. Истиқболдаги режаларимизда қурилиш керамикаси, шиша маҳсулотлари ва ёқилғи қуйиш шаҳобчалари учун техник операторлар ва лаборантлар тайёрлашни мўлжаллаяпмиз. Албатта, бунинг барчаси коллеж педагогик жамоасини ҳар томонлама изланишга, соҳага ижодий ёндошув, ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилиятларини ва асосийси, чуқур билим ва кўникмаларини намоён қилишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингач, таълим тизимида рўй бераётган туб ўзгаришлар мазкур илм даргоҳи тарихида ҳам ўз аксини топди. 1999 йилда тубдан реконструкция қилинган ушбу янги турдаги таълим муассасаси Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи мақомига эга бўлди.

Албатта, янги мақом бу ерда меҳнат қилиб келаётган педагогик жамоа аъзоларининг ҳар бирига юксак масъулият ҳиссини юклади. Эндиликда коллежда дарс жараёни, маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий тадбирларни ташкил этишда ўқитувчи ҳамда муҳандис-педагогларга қўйиладиган талаблар ўзгарди. Зеро, бугунги кунда давр билан ҳамнафас бўлиб, нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё илм-фани, маданияти, таълим тизимидаги сўнгги янгиликлардан, кашфиётлару ихтиролардан, туб ислоҳотлардан ўз вақтида воқиф бўлиш, замонавий компьютер сирларини мукаммал ўзлаштирган ҳолда халқаро ахборотлар манбаи бўлмиш Интернет тармоғидан ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилишда кенг фойдалана билиш кўрикмалари уларнинг ҳар биридан талаб этилмоқда.

Ана шу маънода таъкидлашимиз мумкинки, Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи педагогик жамоаси бугунги кунда ёш йигит-қизларга Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартлари доирасида замонавий мутахассислик сирларини ўргатиб келмоқда. Бунинг учун коллежда барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, педагог ва муҳандис-педагоглар илмий салоҳияти ҳам мавжуддир. Масалан, коллеж раҳбари Ашраф Эминов юксак илмий салоҳиятли олим сифатида дунёнинг Германия, Голландия, Белгия, Франция, Польша, Чехия ва Словакия каби давлатларида бўлиб, хориждаги олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ва мактабларида таълим жараёнини ташкил қилиш масалаларини чуқур ўрганиб келган профессордир. Ҳар томонлама изланиб, ижодий меҳнат қилиб келаётган жами 60 нафар устоз-мураббийлардан 1 нафари фан доктори, 3 нафари фан номзоди ва 10 нафарга яқини олий тоифали ўқитувчилардир. Шунингдек, уларнинг орасида меҳнат фахрийлари, Ўзбекистон халқ таълими аълочилари, таълим фидоийлари, дон маҳсулотлари тармоғи аълочилари беминнат хизмат қилиб, айни дамда коллежнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида таҳсил олаётган бир ярим мингдан ортиқ йигит-қизга таълим-тарбия бермоқдалар. Бу борада ўқув ишлари бўйича директор муовини Любовь Карташова, фан ўқитувчилари Марина Лютикова, Нодира Усмонова, Муҳайё Мирдавидова, Зулфия Мирзаева, Дилором Мамедова, Наргиза Шамшиметова каби педагоглар, меҳнат фахрийси Владимир Цхе каби фидоий устозлар бошқаларга ҳар томонлама ўрнак бўлишмоқда. Бу ерда ҳар бир ўқув хоналарининг замонавий ўқув-техника воситалари, телевизор, мультимедиа тизими, кадоскоп, энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланганлиги ёшларнинг касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллашларига мустаҳкам замин яратаяпти.

Коллеж ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлари халқаро Интернет тармоғи ва электрон почта орқали хориждаги турдош илм масканлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида изланмоқдалар. Бу борада ёшларнинг чет тилларини ўрганишлари учун махсус лингафон хоналари мавжуд.

Аҳамиятлиси, мазкур илм даргоҳи мамлакатимизда дон маҳсулотлари тармоғида кичик мутахассис кадрлар тайёрловчи ягона касб-ҳунар коллежи бўлганлиги боис, бу ерга республикамизнинг турли туман ва шаҳарлари, вилоятларидан келиб ўқишни истовчи ёшлар кўп. Коллеж талабаларининг деярли ётмиш фоизини ташкил этувчи бу ёшлар учун таъмирдан чиқарилган ётоқхона, шинам ошхона, жисмонан ва маънан соғлом бўлиб ўсишида муҳим бўлган спорт шаҳарчаси ҳамда спорт мажмуаси тинимсиз ишлаб турибди. Халқимиз урф-одатлари ва маданияти ҳамда коллеж тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи маънавият ва маърифат марказида талабалар турли хил мавзуларда кечалар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, байрам тадбирларини мунтазам равишда ўтказиб келишмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишни истардикки, бугунги кунга келиб коллежда боқувчисини йўқотган етим болалардан 19 нафари таҳсил олишмоқда. Ана шундай тоифадаги талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига махсус тарбиячи-мураббийлар бириктирилгандир.

Коллежда талабаларнинг назарий ва амалий билимларини уйғунлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга моликдир. Ана шу мақсадда бу ерда ишлаб чиқариш қуввати бир кунда 1900 киллограмм унни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирадиган хусусий "Талабанон" кичик корхонаси ташкил этилган бўлиб, коллеж талабалари бу ерда Германиянинг "Винклер" дастгоҳида нон маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдалар.

Коллежда олий ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳам ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Бу борада Тошкент кимё-технология институти ҳамда "Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси ташкилотлари ҳомийлик ва васийлик ёрдамларини бериб келмоқда. Коллежда талабалар ва ТошКТИ олимлари, Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси, қишлоқ хўжалиги вазирлиги, нон ёпиш, макарон ва қандолатчилик саноати бошқармаси мутахассислари иштирокида бўлиб ўтган илмий-техникавий анжуман ҳам мана шундай ҳамкорликнинг мевасидир. Ижтимоий гуманитар, умумтаълим ҳамда иқтисод фанлари, донни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси, нон, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари технологияси каби бешта шўъбада фаолият кўрсатган мазкур анжуман талаба-ёшларнинг ҳар томонлама илмий изланишига, илм-фан оламига бўлган қизиқишларини янада орттиришига ҳеч шубҳа йўқ.

Маълумки, айни пайтда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ таълим муассасаларини иқтисодий ҳамда молиявий таъминлашда хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи ҳам кун тартибига қўйилаётган долзарб масаладир. Коллеж раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари туфайли яқин келажакда Япония, Германия, Голландия каби чет мамлакатларнинг таълим тизимини қўллаб қувватловчи ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилажак. Шундай ташаббуслардан бири сифатида коллежда Япония ташқи ишлар вазирлигининг "Кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам" грантини олиш учун меъёрий ҳужжатлар тўпланиб, ушбу мамлакатнинг элчихонаси орқали расмий тараққиёт ёрдами бўлимига жўнатилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Нурлан ЎКТАМ ўғли

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар. Ⓜ

Шу ўқув йилида Навоий кон-металлургия комбинати 3 млн. сўм, "Зарафшон — Ньюмонт" Ўзбек — Америка қўшма корхонаси 50 млн. сўм, Хатирчи тумани ҳокимлиги 6 млн. сўм, Конимех тумани ҳокимлиги 6 млн. сўм, Нурота тумани ҳокимлиги 3 млн. сўм, Қизилтепа тумани ҳокимлиги 3 млн. сўм ва Кармана тумани ҳокимлиги 1,5 млн. сўмга қўшимча равишда ўқув дарсликлари харид қилиб, болажонларимизга совға қилишди.

Табиий офатдан зарар кўрган Нурота туманидаги "Папанай" қишлоғи ўқувчилари учун 400 дона, Навоий шаҳридаги меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар учун 1000 дона ўқув қуроллари бепул совға қилишди.

Ma'rifat

КИТОБ — БИЛИМЛАР ХАЗИНАСИ



Китоб — билимлар хазинаси. Билим барча кулфатларга қалқондир, деган ҳикматли сўзлар донолар томонидан бежизга айтилмаган.

Китобни ўзига доимий ҳамроҳ деб билган ҳар бир кишини у эзгулик ва яхшилик томонга, донишмандлик чўққисига етаклайди. Шу боис илм билан ошно бўлган қалблардан ҳеч қачон ёвузлик чиқмайди. Бир сўз билан айтганда, китоб ўқувчилар қалбига нур, ақлларига қувват берувчи машъаладир.

Эсдалик учун энг яхши совға ҳам китобдир. Маълумки, улуғ кишилар таълим-тарбия, ахлоқ-одоб тўғрисидаги пурҳикмат сўзларни китобларга ёзиб қолдиришган. Зеро, шундай экан, ўқувчи қўлига билим манбаи — ўқув дарсликларининг етиб бориши жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 2-босқичидаги асосий талаблардан бири таълим мазмунини, унинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилиши кўзда тутилган. Ўқувчининг тўғри фикр юритиши учун зарур бўлган билим ва кўникмалар ўқитувчи томонидан ўз вақтида ўқув дарсликлари орқали етказилиши лозим. Демак, таълим ва тарбиянинг асоси — ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини ўқув дарсликларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўқувчи онги ўқитувчининг дарсига ва китобларга боғлиқ тарзда ўсиб боради.

Вилоятдаги 375 та умумтаълим мактабларида таълим олаётган 206 минг нафар ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини ва билим савиясини юқори даражага кўтариш учун ўқув дарсликлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Айтиш жоизки, мактаб ўқувчисининг таълим олиши мавсумий иш бўлмасдан, балки изчил амалга ошириладиган доимий жараёндир. Ўқувчининг қўлида зарурий ўқув дарсликларининг бўлиши унинг мустақил билим олишига имконият яратади.

Ўқувчиларни ижара тизими орқали китоб билан таъминлаш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Чунончи, Осиё Тараққиёт Банки томонидан берилаётган кредит орқали Навоий, Навбаҳор, Нурота, Хатирчи, Қизилтепа, Конимех, Учқудуқ, Кармана туманлари ва Зарафшон ҳамда Навоий шаҳарларининг 9-синфларида ўқиётган 16500 нафар мактаб ўқувчиларини ижарадаги ўқув дарсликлари билан таъминланганлиги бунинг яққол мисолдир. Дарҳақиқат, ушбу мушоҳадаларимиздан кўриниб турибдики, ҳукуматимизнинг таълим тизими равнақи учун қаратаётган эътибори ўқувчиларимизнинг камоли, уларнинг эртанги истиқболи йўлидаги ютуқларимизнинг гаровидир. 2001—2002 ўқув йилида вилоятимиз мактаблари 11-синф битирувчиларининг билим самарадорлиги Давлат тест марказининг таҳлилларига кўра, ўтган йилга нисбатан икки поғонага кўтарилганлиги жонкуяр ўқитувчиларимизнинг меҳнатлари самарасидир. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ўқувчининг эртанги келажак йўлини белгилашида уларнинг олган билимлари асосий ўринни эгаллайди. Эзгу ниятга эш бўлиб, нафақат ўз фарзандлари, балки кам таъминланган оилалар фарзандларининг эртанги тақдирини чуқур ҳис этган оталиқ ва ҳомий ташкилотларимизнинг саховатпешалиги ҳақида тўхталиб ўтишимиз жоиздир. Шу ўқув йилида Навоий кон-металлургия комбинати 3 млн. сўм, "Зарафшон-Ньюмонт" Ўзбек-Америка қўшма корхонаси 50 млн. сўм, Хатирчи тумани ҳокимлиги 6 млн. сўм, Конимех тумани ҳокимлиги 6 млн. сўм, Нурота тумани ҳокимлиги 3 млн. сўм, Қизилтепа тумани ҳокимлиги 3 млн. сўм ва Кармана тумани ҳокимлиги 1,5 млн. сўмга қўшимча равишда ўқув дарсликлари харид қилиб, болажонларимизга совға қилишди. Амалга оширилган ишларнинг самараси ўлароқ, вилоятдаги мактабларни дарсликлар билан таъминланиши 93,9 фоизни ташкил этди. Шу ўринда айтиш лозимки, ўқув дарсликлари билан таъминланиш Навоий шаҳрида 94 фоиз, Зарафшон шаҳрида 96 фоиз, Навоий туманида 96 фоиз, Қизилтепа туманида 94 фоизни ташкил этади. Бу борада бошқа туман халқ таълими бўлимларида ҳам арзигулик ишлар амалга оширилди. Ўқувчиларни дарслик ва ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлаш ишлари бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Биз фарзандларимизни таълим-тарбия олишлари учун имкониятлар яратиб бераётган барча ташкилотларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Зеро, тарбия иши барчамизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

Н.БЕКНИЁЗОВ,
Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ⓜ



ИЛМ БУЮКЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Халқимиз узлигини англаётган ҳозирги даврда ёшларимизнинг комил инсон булиб етишиши, узаро муносабатларда яқинлик булиши, уларнинг эзгулик сари интилиб, маънавий дунёқарашини бойитиб борувчи манба китоб ҳисобланади.

Модомики шундай экан, бугунги кунда таълим ва тарбия жараёнини юқори савияда ташкил этиш, ўқувчи тафаккурини уйғун шакланиб бориши узлуксиз мустақил билим олиши учун барча фанлар бўйича дарслик адабиётларнинг ўқувчи қўлига етиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Навоий вилояти "Ўқувтаълимтаъминот" корхонаси жамоаси асосан вилоят халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларига, меҳрибонлик уйларига, махсус мактаб-интернатларга ҳамда мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасаларига ўқув дарсликлари, қаттиқ-юмшоқ жиҳозлар, аудио-видео, компьютер ҳамда кўргазмали қуроллар етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги №409 ҳамда 2002 йил январь ойидаги №33 қарорларига асосан бошланғич синф ўқувчиларига барча ўқув қуроллари, дарслик китоблари ҳамда кам таъминланган оила фарзандларига қишки кийим-кечакларни ўз вақтида етказиш учун ҳам масъулдир.

Шу боис "Ўқувтаълимтаъминот" корхонаси таркибида ўқув қуроллари ва дарсликлар бўлими ҳамда умумий бўлимда 18 нафар ходим тўлақонли изланишлар, таҳлиллар асосида иш олиб боришади. Шуни алоҳида қурсатиш лозимки, 2002—2003 ўқув йилида корхонамиз халқ таълими муассасаларига "Осиё тараққиёти ва ривожланиш банки" (ОТБ) томонидан 9-синф ўқувчилари учун 10 номда берилаётган ижара китобларини вилоятнинг шаҳар, туманларидан 10 тасига, жами 172759 дона дарсликлар ва 3728 дона методик қулланмалар етказиб берди. Шунингдек, Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 5 турдаги жами 107485 дона 9-синф дарслик китоблари туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларидаги мактаб кутубхона фондларига ўз вақтида етказилганлиги қувончли холдир. Бундан ташқари, вилоят халқ таълими тасарруфидаги махсус ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига ҳамда меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар учун ҳам 38 номда 484 дона дарслик китоблари бепул берилди. Бугунги кунда ОТБ томонидан берилаётган китобларни таълим қорақалпоқ тилида олиб борилаётган Конимех тумани мактабларининг 9-синфлари учун 9 номдаги жами 486 дона ижара китоблар ўқувчи қулига етказилди.

Бу ишларни амалга оширишда шартнома асосида ишга олинган ходимлар меҳнати мақтовга лойиқ.

Дарвоқе, 2003 йилдан бошлаб истиқбол режамизга кўра, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда корхона қошида ўқувчилар партаси, синф доскаси, мебель ва бошқа турли ўқув жиҳозлари таълим муассасалари учун ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, 2002—2003 ўқув йилида таълим бошқа 6 та тилда олиб бориладиган, 1-синфга қабул қилинган 18956 нафар ўқувчига 12 турдаги ўқув қуроллари ва дарсликлар ўз вақтида тарқатилиб, бунга 105 млн. сўм маблағ сарф этилди.

Ҳукуматимизнинг ғамхўрлигидан мурғак қалбли ширинтойларнинг ота-онаси ва яқинлари мамнун бўлдилар. Қайд этиш ўринлики, 1—9-синфларда ўқиётган кам таъминланган оила фарзандлари 13117 комплект (4 номда) иссиқ кийимлар билан таъминланди. 2002—2003 ўқув йилида корхонамиз орқали 1584 комплект синф парталари янги қурилиб, ишга тушган мактаблар учун ва бошқа мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида етказилганлиги бу соҳада олиб борилаётган ишларимизга мисолдир.

Айтиш жоизки, Қарияларни қадрлаш йилида таълим тизимида узоқ вақтлар меҳнат қилган уруш қатнашчилари, ногиронларнинг 40 нафарига корхона томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Табиий офатдан зарар кўрган Нурота туманидаги "Папанай" қишлоғи ўқувчилари учун 400 дона, Навоий шаҳридаги меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар учун 1000 дона ўқув қуроллари бепул совға қилинди. Ўқув дарсликларини етказиб беришда ва тўғри тақсимот қилиб, китоб савдо ярмаркаларини ташкил қилишда вилоят халқ таълими бошқармаси дарслик ва ўқув адабиётлари бўлими билан узвий ҳамкорлик ўрнатилган. Таълим тараққиёти учун корхонамизда узоқ давр мобайнида меҳнат қилаётган жонкуяр ходимлардан Х.Исликов, М.Пулатова, С.Қурбонова, Н.Нажимов, Х.Қодировлар бошқаларга намуна бўлишмоқда.

С.ТОШЕВ,
Навоий вилояти "Ўқувтаълимтаъминот" корхонаси директори Ⓜ

ТАКЛИФЛАРИМИЗ ҲАМ БОР

"Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга тадбиқ этиш мактаб ўқувчисининг пухта билим олиши ва унинг соғлигини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Айниқса, янги педагогик технологияни ўқитувчилар томонидан моҳирлик билан қўллаш учун дарснинг фаол, ноанъанавий шаклларидан ҳамда кўргазмали қуроллар, техника воситаларидан фойдаланиш учун янги дарсликнинг пайдо бўлиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг самарасида ўқувчилар саводхонлигини юқори даражага кўтариш имконияти яратилмоқда.

Туманимизда жами 36 та мактабнинг 34 тасида таҳсил олаётган ўқувчиларга ижара китоблари етказиб берилаётганлиги, уларнинг фанлар олимпиадасида фаол қатнашишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, 2002-2003 ўқув йилида 9-синфда таҳсил олаётган 2275 нафар ўқувчига 10 номда 22750 дона ижара китоблари ўқувчи қўлига етиб келди.

Туман мактабларининг 9-синфида ўқиётган ўқувчиларнинг ижара китоблар билан таъминланиши 100 фоиз кўрсаткичга эга. Бундан ташқари, ижара тизими бўйича туман мактаб кутубхоналарига 5 номда 11375 дона ўқув қўлланмалари ҳам фан ўқитувчилари қўлига етди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижара китобларини етказишда "Ўқув таълим таъминоти" корхонасининг кўрсатган ёрдами беқиёсдир.

Ижара тизимининг афзаллиги шундан иборатки, 10 турдаги дарслик китоблари учун жами ўқувчи 3250 сўм маблағ сарф қилади. Бу эса, ўқувчига бир неча баробар арзонга тушганлигини кўрсатади. Ваҳоланки, шу пулга ўқув тижорат савдо дўконидан 3 дона китоб сотиб олиши мумкин холос.

Ижара тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифларимиз ҳам йўқ эмас. Келажакда 5,6,7,8-синф ўқувчилари учун ҳам ўқув дарсликларини ижара асосида етказиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса, таълим мазмуни сифатига ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Туманимизда ўқувчиларни ижара китоблари билан таъминлашда мактаб директорларидан Б.Ҳамроев, Н.Қосимов, С.Аликулова, Г.Омонова, кутубхоначилардан Х.Алиева, Г.Шомуродова, Р.Раҳматоваларнинг хизматлари каттадир.

Абдували ШОДИЕВ,
Навбаҳор тумани халқ таълими бўлими мудири Ⓜ

ДТС ТАКОМИЛЛАШИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Мустақил республикамизда МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб таълимнинг барча турлари буйича халқаро талаблар даражасида Давлат таълим стандартлари яратилди ва шу асосда ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, уч йилдан буён амалиётга жорий этилмоқда. Айни пайтда таълим-тарбия тизими мамлакат тараққиётини таъминлашда белгиловчи, устувор йўналишлардан бири сифатида тан олиниб, таълим ислоҳотларининг мақсади ҳам айнан шу йўналишга, яъни жамиятнинг интеллектуал ва маънавий камол топиши, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва республикада аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қодир кадрларни шакллантириш мақсадида ривожланувчи узлуксиз таълим тизими яратилди.

Дарҳақиқат, мактаб — таълим-тарбия бешигидир, унда камол топган ўғил-қиз борки, эртага эл-юрти, унинг келажаги учун хизмат қилувчи бўлиб вояга етиши зарур. Ўз келажаги, унинг равнақи хусусида бош қотирган давлат, таълим бошқаруви ва ота-оналар, энг аввало, илм масканларида ўқувчиларда шакллантирилаётган билим, кўникма ва малакаларнинг давлат таълим стандартлари талабларига нечоғлик мослигига эътиборни қаратиши лозим. Жумладан, Навоий вилояти халқ таълими тизими мактабларида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда 2001-2002 ўқув йили якуни асосида янги 2002-2003 ўқув йилининг долзарб вазифалари белгиланиб, амалга оширишга киришилди. Масалан, Давлат таълим стандартлари мониторинги хизмати орқали ўтган ўқув йили якуни арафасида Навоий шаҳри Навоий, Навбаҳор, Нурота ва Хатирчи туманларидан 6 тадан 30 та мактабда 6505 нафар 7,8-синф ўқувчиларидан 12 та фандан тест синовлари ўтказилди. Натижа шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларда шаклланган билим, кўникма ва малакалар меъёри Давлат таълим стандартлари талабларига 10 фоиз, яъни тўлақонли жавоб бера олганлар 8-10 фоизни, 90 фоиздан ортиқ жавоб бера олганлар 12-15 фоизни, 70 фоиздан ортиқ жавоб бера олганлар 45-50 фоизни ташкил этди. Ўқувчиларнинг 20-25 фоиз эса, Давлат таълим стандартлари талаби даражасида билимга эга бўла олмаётганлиги, яъни билим кўрсаткичи 70 фоиздан кам эканлиги қайд этилди. Ушбу таҳлиллардаги камчиликлар сабаби ўрганилганда, ўқувчиларда дарслик етарли эмаслиги, ўқитувчиларнинг дарс жараёнини ташкил этишдаги методик йўналишига мактаб раҳбарлари томонидан амалий-услубий ёрдамларнинг камлиги, ота-оналар маҳалла ҳамда таълим муассасалари ҳамкорлигининг йўқлиги ўқувчилар билимини оширишда қушимча машғулотлар ва куни узайтирилган гуруҳларни етарли ташкил этилмаганлиги, шунингдек, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ёки ўз устида ишлаш каби жараёнларни тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган таҳлил маълумотлари асосида янги ўқув йилида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар мониторинги тайёрланиб, халқ таълими бошқармасининг анъанавий йиғилишларида ишлаб чиқилди ва таълим муассасаларига етказилди. Бу етказилган, таҳлиллар мониторингида ўқувчиларда шаклланаётган билим, кўникма ва малакаларни Давлат таълим стандартлари талабларига мослик даражасини яхшилаш, ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш, уй вазифаларини бажарилишига эришиш, ота-оналар ҳисобидан ўқувчилар билан ишлаш жараёнини коррекциялаш ва методик ёрдамни кучайтириш ҳақида методик тавсиялар берилди. Ўз навбатида, умумий ўрта таълим мактабларини таъмирлаш, уларнинг моддий базасини яхшилаш, ўқитувчиларни янги педагогик технология асосида методик жиҳатдан қуроллантириш, лаборатория хоналарини талаб даражасида жиҳозланишига эришиш борасида ҳам кўрсатмалар берилди.

Юқоридаги каби амалга оширилган жараёнлар ва ДТС мониторинги фаолиятидаги таҳлил жараёнлари таълим самарадорлигини оширишда услубий диагностика ҳисобланиб, юқори натижаларга эришиш омили ҳисобланади. Янги ўқув йилида таълим муассасаларида юқоридаги методик тавсиялар асосида фаолият кўрсатилса, муваффақиятлар йили бўлиши мумкин.

Н.ЖЎРАЕВ,
Вилоят ДТС мониторинги бўлими бошлиғи, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими
О.РАҲМОНОВ,
ДТС мониторинги бўлими етакчи эксперти Ⓜ

Навоий вилоят МЧ "Матбуот уюшмаси" жамоаси

Қомусимизнинг 10 йиллик юбилейи билан барча ватандошларни, матбуот ходимларини ҳамда матбуот тарқатувчи ходимларни чин қалбдан самимий муборакбод этади.

Бу қутлуғ ва мўътабар кунлар шунчалар шарофатлики, унинг шодиёнасида асрларга татигулик улкан бунёдкорлик ишлари ривож топмоқда.

Ўзбекистон матбуотининг нуфузи тобора ортиб бориши, албатта, республикамизнинг асосий Қонуни — Конституция билан кафолатланган. Бугунги матбуот ва унинг омма орасига етиб бориши мустақилликнинг меваси ҳисобланади.

Қадрли ватандошлар!

Барчангизга боқий умр, тинчлик ва омонлик, бахт-саодат истаб қоламиз.

Ⓜ

КАФЕДРАНИНГ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Farmon va ijro

Юртимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш бош Қонун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги кунда унинг мазмун-моҳиятини узлуксиз ўрганиш талаб этилмоқда. Зеро, шундай бўлиши ҳам керак. Чиндан ҳам Конституция мамлакатдаги ҳар бир фуқаро суянса, ишонса, эъзозласа, қадрласа арзийдиган энг мўътабар ва мукаммал қонунлар мажмуаси бўлиб, унда фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатлари тўлиқ кафолатланган.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши Конституциянинг қадр-қиммати ва аҳамиятини янада ошириш, бу мақсад учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Ана шу фармойишнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент Молия институти "Менежмент ва ҳуқуқ" кафедрасида "Ҳуқуқшунослик" фанидан дарс берувчи ўқитувчилар томонидан режа тузилди. 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб институтимизнинг барча кундузги ва сиртқи факультетларида Конституция мустақил фан сифатида биринчи курс талабаларига ўқитила бошланди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига мувофиқ, "Конституция" ва "Ҳуқуқшунослик" фанларини ўқитиш иккинчи ярим йилликка режалаштирилган. Шунга кўра, барча курслар учун иккинчи ярим йилликда машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда. Бу фанлардан намунавий ва ишчи дастурлари мавжуд. Маъруза матнлари мамлакатимизда ва хорижда яратилган ушбу фанларга тегишли адабиётлар ҳамда амалиёт материаллари асосида яратилган бўлиб, кўп нусхада нашр этилгач, талабаларга тарқатилди.

Кафедрамиз педагогик жамоаси томонидан шу кунга қадар 4 та ўқув қўлланма, 2 та услубий тавсиянома, намунавий ишчи-ўқув дастурлари тайёрланди ҳамда чоп этилди. Ўқув қўлланмалари ва дастурлари давр талабларига мос равишда янгиланиб, тўлдириб борилмоқда.

Бу фанга жами 40 соат ажратилган бўлиб, унинг 24 соатини маъруза, 16 соатини амалий машғулот ташкил этади. Кафедрамизда ҳуқуқшуносликка қизиқувчи талабалар хоҳиши билан тўгарак ташкил этилган. Унда 50 дан ортиқ талаба қатнашади. Улар билан ойига бир марта дарсдан ташқари машғулотлар олиб бориляпти.

Аудитория дарсларидан ташқари институт миқёсида вақти-вақти билан "Конституция ва биз", "Конституция — бахтимиз пойдевори", "Конституция ва ёшлар", "Конституцияда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик" деб номланган мавзуларда семинар йиғилишлар бўлиб туради. Хусусан, шу йилнинг октябрь, ноябрь ойларида Конституциянинг 10 йиллигига бағишланган анжуманлар ўтказилди. Ҳисоб-иқтисод факультети 2-босқич талабаси Б.Қўчқоровнинг "Конституцияда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларимизни билайлик" номли маърузаси кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортди.

Институтимиз "Менежмент ва ҳуқуқ" кафедраси томонидан байрамга бағишлаб бир қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш" мавзусида Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетининг кафедра мудири, доцент Э.Эгамбердиев институтимиз фаоллар залида ўқитувчи ва талабалар билан самимий мулоқот ўтказди. Унинг жонли маърузаси барчага маъқул келди. Э.Эгамбердиев ўз кафедрасида олиб борилаётган тажрибалар билан ўртоқлашди.

2002—2003 ўқув йилидан бошлаб магистратура босқичи талабалари учун "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" фанини янги босқичда ўқитиш режалаштирилган. Магистрантлар учун мўлжалланган ушбу курсда бакалавриатга нисбатан чуқурроқ ва мукаммалроқ билим бериш кўзда тутилмоқда.

Таълим доимий равишда янгилик, ўзгаришлар талаб қиладиган соҳа. Шундай экан, ҳали кафедрамиз педагогик жамоаси олдида ҳам бир қанча вазифалар кўндаланг турибди. Буларни уддалашга барчамиз масъулмиз.

Б.ЖОНБОҚИЕВ,
Д.СОБИРЖОНОВА,
Тошкент молия институти "Менежмент ва ҳуқуқ" кафедраси ўқитувчилари

Tadqiqot

Илмий тадқиқотга кўп ҳолларда олий таълим муассасаларини тугатган шахслар қўл уришади. Тадқиқотчи олдига қўйилган мавзуни ўрганиш учун нафақат илмий-сиёсий адабиётларни, балки бир қанча объектларда унинг амалий жиҳатларини ҳам ўрганади.

Ҳозирги пайтда юртимизда пул сиёсати ҳам изчил амалга оширилиб келинмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий валютамиз — сўм қадрсизланишининг олдини олиш, унинг харид қувватининг пасаймаслигига эътибор қаратишимиз керак. Кишилар савдо-сотиқда, маош олишда , турли тўловларда, албатта, пул билан муомала қилишади. Лекин, шуни тан олиш керакки, пул, яъни сўмни ишлатиш билан боғлиқ муаммолар ҳам анчагина.

Институтни тугатиб, Марказий банкда амалиёт билан ўз фаолиятимни боғлагач, мамлакатимизда валюта муносабатлари билан боғлиқ муаммолар борлиги билан яқиндан таниша бошладим. Шу боис олдимга "Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш йўллари" мавзуси устида тадқиқот бошладим. Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курсларидаги мувофиқлик ва номувофиқликлар, конвертация масалалари илмий ишимнинг негизига айланди.

ПУЛ СИЁСАТИГА ДОИР

Бу мавзуни мукаммал ўргандим, деб айтишим камтарликдан бўлмас. Лекин, амалиёт билан боғлаган ҳолда тадқиқотни жиддий олиб боришга ҳаракат қилдим. Ниҳоят, бу йил уни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Ўйлайманки, бу кичик бир тадқиқот. Уни яна ҳам чуқурлаштириш, мамлакатимиздаги пул сиёсатида учраётган бошқа муаммоларни бартараф этиш йўллари хусусида бошқа изланишлар ҳам олиб бориш мумкин.

Нодиржон ЖУМАЕВ,
институт "Молия" кафедраси катта ўқитувчиси

Талаба ва институт. Кўз очиб-юмгунчалик даврдаги олтин лаҳзалар мужассам шу икки сўзда. Минглаб талабалар институтга қабул қилинади-ю тез фурсатда диплом қўлга тегиб, қадрдон даргоҳ билан хайрлашиш онлари етиб келади. Институт магистратурасини тамомлаётган йигит-қизлар ҳам худди шундай ҳолатни бошдан кечираётганликлари, табиий. "Диплом қувончини кўриш ҳар бир талабага насиб қилсин", шундай дея институт маънавият-маърифат масалалалари бўйича проректори Элшод Набиев магистрларнинг қўлларини самимий сиқади.

* * *

Институтда турли анжуманлар ўтказилади ва булардa таълим жараёнини такомиллаштириш ҳақидаги таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланади.

НОМГА МУНОСИБ БЎЛИШ КЕРАК

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг бир объекти сифатида вужудга келган академик лицейимиз Тошкент Молия институти қошида ўз фаолиятини бошлади.

Лицейимизда математика, инглиз тили, она тили, адабиёт, информатика фанлари чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитилмоқда. У иқтисодиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларида ўқиш истагида бўлган ёшларни ўз бағрига олади. Таълим муддати шу ўқув йилидан бошлаб уч йил қилиб белгиланди.

Чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлардан кенг мазмунли тестлар тизими, оғзаки ва ёзма вариантлар банки яратилиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси таҳлил қилинади. Оралиқдаги вақт 45 кун бўлиб, мониторинг таҳлилларида синф ўқувчиларининг ўзлаштириш, давомат, хулқ даражалари акс этади. Натижалар, албатта, олингани бўйича қолиб кетмайди. Педагогик ва услубий кенгашларда, агар яхши натижалар олинган бўлса, бунга эришган ўқитувчиларга сўз берилади. Аксинча ҳолатда камчиликларни бартараф этиш йўллари кўрсатилади. Айни кунларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тавсия қилинган иккинчи оралиқ назоратларини ўтказяпмиз.

Ўқувчиларнинг билим даражаларини оширишда тест технологиясини таълим жараёнига киритиш муҳим аҳамият касб этаяпти. Лицейимиз Давлат тест маркази билан мустаҳкам алоқа ўрнатишни лозим топди. Ҳар ўқув йилининг маълум чорагида стандарт тест вариантлари асосида ўқувчилар билимини синаб

O'rta bo'g'in

кўрмоқдамиз. Бу эса уларни абитуриентлик даврига руҳан тайёрлаб боради. Шу ўринда лицейимизни бу йил 27 нафар ўқувчи битирганини, шундан 22 нафар битирувчи пойтахтимиздаги турли олий ўқув даргоҳларига қабул қилинганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Талабалик бахтига эришганларнинг кўпроқ қисми, яъни 12 нафари бюджет асосида таълим олишяпти.

Ҳозирги вақтда компьютер технологиялари кириб бормаган таълим муассасалари юртимизда қолмади ҳисоб. Унинг имкониятлари ҳақида эса ҳамма билади. Лицейимизда ҳам таълим жараёнини аудио-видео ва компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишнинг самарасини сезяпмиз. Лицей ўқувчиларига 21 та компьютер хизмат қилмоқда. Шунингдек, физика, химия, биология кабинетларида лингафон, кадоскоп, мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланиб дарс ўтилиши ҳам таълим тизимида жиддий ўзгаришлар ясамоқда.

Ўқувчилар, албатта, бир хил дунёқарашга эга эмас. Уларнинг фикрлаш доиралари ҳам ҳар хил. Агар уларни билим даражалари бўйича табақалаштиради-ган бўлсак, аълочилар, яхшилар, шунингдек, ўртадан сал юқори ўқувчиларга ажратиш мумкин. Улар орасида дунё мамлакатларига чиқиб келаётганлари ҳам бор. Халқаро олимпиада иштирокчилари ҳам йўқ эмас. Нодир Турдиматов "ACCELS" дастурининг синовларидан муваффақиятли ўтиб, АҚШда тўрт ой ўқиб қайтди. Шомурод Шомуқимов эса Англиядаги коллежлардан бирида ўқияпти.

Молия институти ректори, академик М.Шарифхўжаев ва институт педагогик жамоаси лицейимиз билан мунтазам алоқа ўрнатганлигини қувонч билан таъкидлашим керак. Бу йил институт лицей биносини таъмирлаш учун 1,5 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди. Телефон тармоқларининг ўрнатилишига ҳам институт ҳомийлик қилди. Кутубхонамизни мунтазам равишда турли адабиётлар билан таъминлашни ҳам институт раҳбарияти ўз зиммасига олган.

Бу ўқув йилидан бошлаб лицейимизга "академик лицей" мақоми берилди. Бу номнинг ўзига яраша масъулияти, жавобгарлиги бор. Демак, шунга муносиб бўлишнинг барча имкониятларини излаб топишимиз керак.

Тошниёз АҲМЕДОВ,
институт қошидаги академик лицей директори Ⓜ



Навоий вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси давлати суверенитетини, озод халқининг ҳуқуқлари асосларини белгиловчи Қомусимиз—Ўзбекистон Республикаси Конс-титуцияси қабул қилинганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон халқини, республика ўрта махсус, касб-ҳунар тизимида талаба-ёшларга билим бераётган педагог, ўқитувчи-мутахассисларни самимий муборакбод этади.

Бу қутлуғ ва мўътабар кун шунчалар азиз ва шарофатлики, унинг бир олам шодиёнаси силсиласида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бўйича асрларга татигулик улкан тараққиёт ва бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бошқармамизнинг аҳил жамоаси шу муаззам ва муборак айёмда шуни мамнуният билан таъкидлайдики, озод ва обод Ўзбекистонда, Юртбошимиз раҳнамолигида тинчлик, осойишталик, мамлакат ободлиги, ёш авлоднинг буюк келажаги йўлида улуғвор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу байрамни ёруғ юз билан нишонлаётган бошқармамиз таркибидаги 13 та касб-ҳунар коллежлари, 4 та техникум, 2 та академик лицей, 6 та ҳунар билим юртлари, 1 та лицей-интернатларида жами 18026 нафар ўқувчи-ёшлар 79 йўналиш бўйича таҳсил олишмоқда.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан буён ўтган 11 йил мобайнида улкан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнлар негизида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон нафақат МДҲ мамлакатлари, балки ривожланган хорижий давлатларни ҳам ўз интеллектуал салоҳияти билан ҳайратга солмоқда. Таълим равнақи учун астойдил меҳнат қилаётган профессор-олим, ўқитувчи ва мутахассисларимиз иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш борасида, ёш мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув юртларида ўқувчилар, талабалар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Қадрли ватандошлар!

Ҳурриятнинг тотли шодиёнаси дилларни нурафшон этаверсин. Бу қутлуғ кунда барча ватандошларимизга, устоз, ўқитувчи-мураббийларга, сиҳат-саломатлик, хонадонларига тинчлик-тотувлик, рўзғорига қут-барака тилаймиз.

Ⓜ



Юртимизнинг озодлиги абадий бўлсин!

Ватан, буюрсанг агар Хоҳ кундуз, шому саҳар, Керак бўлса жон қадар Садқа сенга бу таним.

Муҳаббат одамни не кўйларга солмайди, дейсиз. Севгилисига етишиш учун Ромей нафсини тийишга, 18 кун деганда 181 килога озишга муваффақ бўлди.

Ma'rifat

ҚУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

Ko'ngil bitiklari

ВАТАН

Она-Ватан, онамсан,
Ёруғ кулба, хонамсан,
Юртлар ичра санамсан
Дилларимни яйратган.

Қизим, синглим, ёримсан,
Номус ила оримсан,
Кўлимдаги торимсан
Тилларимни сайратган.

Фарзандинг бўлай дуркун,
Сен обод бўлгин эркин,
Кечирма сира, лекин
Ярамасам корингга.

Сенга кўз тикса ғаним
Агар турсам лол ва жим,
Ишонмагин Ватаним
Бу дунёда боримга.

Ватан, буюрсанг агар
Хоҳ кундуз, шому саҳар,
Керак бўлса жон қадар
Садқа сенга бу таним.

Мадҳинг куйламоқ ҳавас,
Юракдан келар бир сас,
Кучоғингда ўлсам бас,
Онам — Ўзбекистоним.

Амир ХОЛБОЕВ,
Пастдарғом туманидаги 94-мактабнинг математика фани ўқитувчиси

КУЗ МАНЗАРАСИ

Дувиллаб тўкилар ҳазин япроқлар,
Заъфарон тус олди бутун дала-туз.
Гулларнинг қалбига солиб титроқлар,
Юртим боғларида куз кезмоқда, куз.

Милтираб нур сочар кўкнинг ҳилоли —
Гўё улкан денгиз узра парча муз.
Этларни жунжитар мезон шамоли,
Юртим боғларида куз кезмоқда, куз.

Иссиқ ўлкаларга учган турналар —
Ортидан термулиб қолармиз маъюс.
Недандир кўнгил ғаш, юрак тирналар,
Юртим боғларида куз кезмоқда, куз.

Кўлмаклар четида йилтираган муз,
Дер: илиқ кунлардан умидингни уз!
Баҳору ёзимиз ўтдиму, эсиз?!
Юртим боғларида куз кезмоқда, куз.

Шунчалар ўткинчи экан бу ҳаёт,
Уч фаслинг ўтди-ку эй, умри азиз!
Ўзи ҳам хазондек сарғайиб, ҳайҳот!
Юртим боғларида куз кезмоқда, куз.

Зикрилла НЕЪМАТ,
Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби илмий ходими

***

Ёрдин елса хуш сабо,
Уйғотар дилда наво.
Майга чанқаган кўнгул,
Дардим ҳануз бедаво.

Куйган бағрим чорасин,
Топинг дўстлар қорасин.
Десам тушунмас улар,
Келтирур гул сарасин.

Зулфин тори деб ўлай,
Номус ори деб ўлай.
Ёрдин ўзга ёр ўлмас,
Заҳрин дори деб ўлай.

Ҳижрон даштида қолдим,
Тикан қасдида қолдим.
Қалбим кузакнинг боғи,
Хазон остида қолдим.

Висол шарбатдан ортиқ,
Шаҳди раҳматдан ортиқ.
Топилурму дунёда
Расво Ғайратдан ортиқ.

Ёрдин елса хуш сабо,
Уйғотар дилда наво.
Майга чанқаган кўнгул.
Дардим ҳануз бедаво.

Ғайрат АБДУРАҲМОНОВ,
Чироқчи туманидаги 50-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

КУЗГИ ҒАЛАЁН

Яна булутларнинг кўзларида ёш,
Шамоллар тўзғитар, хиёбонларни.
Майсалар заминга қўйганича бош,
Соғиниб яшайди яшил тонгларни.

Дарахтлар кун бўйи, яшайди оғриб,
Япроғин йўқотиб, қилгандай гуноҳ.
Кечалари ойга кўнглини ёриб,
Унсиз бир, нидодан чайқалади боғ.

Ўрикзор оралар кузги ғалаён,
Тилларанг баргларни узади фасл.
Дарахт шохларининг дардлари аён,
Япроқлар ўрнида қолдирар насл.

Умаржон МАМАЖОНОВ,
Марҳамат туманидаги 19-мактаб кимё фани ўқитувчиси

ЁР-ЁР САСИ

Ёр-ёр саси қишлоқ узра,
Таралади ёр, ёр.
Ёр-ёр саси юрагимни,
Яралади ёр, ёр.

Тинглаб туриб ёр-ёр сасин,
Йиғлаган мен ёр, ёр.
Бугун дунё кўзларимга,
Кўринади тор-тор.

Остонаси тилло уйга,
Киролмадим ёр, ёр.
Туйғуларим қаршингизда,
Бўлди бугун хор-хор.

Ўша қўшни қизида-ё,
Аламим бор ёр, ёр.
Бу қишлоқда турмоқ энди,
Бегим, бизга ор-ор.
Етар энди, етар энди,
Куйганимиз ёр, ёр.
Мен йиғладим суйганингиз,
Йиғламасин зор-зор.

Ҳамида БОБОЖОНОВА,
Хонқа туманидаги 46-мактаб ўқитувчиси

КАЛБИМДАГИ ҚИЁФА

Айлайин, ул зотга чексиз дил изҳор,
Ул азиз инсондир, ул улуғ устоз.
Шогирдман қалбимда чуқур изи бор,
Таъзимим сизгадир, эй улуғ устоз!

Мехрингиз етаклаб фан бўстонига,
Митти юрагимга ниҳол экдингиз.
Меҳнат, машаққатла илм бердингиз,
Тилим калом топди, эй улуғ устоз!

Бугун сочингизга оқ оралабди,
Оқ кўнглингиздан олиб андоза.
Ишончингиз оқлаймиз бугун албатта,
Мўътабар инсонсиз, эй улуғ устоз!

Нодира ҚУРБОНОВА,
Сариосиё туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси

4TV

ТВ—4 Халқаро телеканалида ҳар якшанба куни намойиш этилаётган "Инглиз тили Сиз учун" масофавий инглиз тили курсининг бешинчи дарс саволлари:

11 november

1. Describe the responsibilities of each family member what you are preparing to receive guests for a holiday. Who do you think has the most difficult responsibilities?
2. Does your culture have a special time or tradition for giving thanks? Please describe .....
3. What does your family like to do for fun during a holiday?

18 november

1. What kind of treatment does your doctor usually give to sore throat and a cough?
2. Can you suggest any treatments other than medicine to help someone who is sick to feel better?
3. How often should you schedule a visit to see a doctor? Explain your answer.

Бизнинг манзил: Тошкент 700011, Навоий кўчаси 69, ТВ-4, "Инглиз тили Сиз учун" кўрсатувига ёки uztv-4 (@ uznet.uz.) электрон почтаси.

ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ

Рамазон ва Қурбон ҳайитлари айёмларини бутун дунё мусулмонлари катта шоду хуррамлик билан нишонлайдилар. Рамазон ҳайити 30 кунлик рўза ойининг тугаши билан ўтказилади. Бу кунда кишилар томонидан кўпгина эзгу амаллар қилинади.

Булар бемор ва ногирон кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, уришган кишиларнинг ярашишлари, гина-адоватларнинг унутилиши, марҳумлар руҳига бағишланиб Қуръон тиловат қилиниши, ўзаро ҳадя алмашишлар, бева-бечоралар, етим-есирлар ҳолидан огоҳ бўлиш, олис-яқиндаги қариндошлар, биродарларнинг бир-бирларини йўқлашлари ва ҳоказолардир.

Дунёдаги бирорта илоҳий дин ҳеч қачон ёвузлик, ёмонлик, ваҳшийлик, шафқатсизлик ва шунга ўхшаган салбий ҳолатларни тарғиб этган эмас. Аксинча, қайси динни олиб қараманг, унда ҳамиша инсонпарварлик ва унинг таркибий қисми бўлган одамийлик, эзгулик, саҳийлик, раҳмдиллик, одоблилик каби гўзал амаллар тарғиб этилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Рамазон ҳайитининг бошидан охиригача эзгуликдир. Рамазон ҳайитида эзгу амаллар қад ростлайди. Ана шу амаллар сабаб, ҳамма хурсанд бўлади. Бу кунда хурсандчилик қилиш жоиздир.

Кириб келаётган Рамазон ҳайити муборак бўлсин, азизлар!



СОҒИНИБ КУТИЛГАН БИРИНЧИ ҚОР.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Xullas...

88 ЁШДА БИРИНЧИ КИТОБ

Данилов шаҳарчасида яшовчи Надежда Гладченкова салкам 90 ёшида ўзининг илк шеърий тўпламини чиқарди. Кўпфарзандли оиланинг қизи бўлган онахон ҳеч қандай университет, ҳаттоки билим юрти дипломини ҳам олган эмас, бор-йўғи тўртинчи синф маълумотига эга.

Биринчи жаҳон урушининг тенгдоши 1953 йилдан бошлаб, ўзича шеърлар машқ қилиб юрар, шеърий китоб чиқариш бир умрлик орзуси эди. Аммо у ана шу орзуни армон ҳолида гўрига "орқалаб" кетишни истамасди.

Данилов муниципал округида хизмат қилаётган Андрей Евтушенко бундан хабар топиб, унга ёрдам беришга ахд қилди. Унча-мунча шеърлар машқ қилиб юрадиган Андрей кампирнинг дардини тушунгани кимларгадир ғийбат учун мавзу бўлди, кимлардир уни мақтади, кимлардир бепарво кўл силтади.

Қисқаси, қуш тилини қуш билар экан. Энди эса кекса шоира орзуси ушалгани боис, Андрейнинг яхшилигига қай тарзда жавоб қайтаришни билмаяпти.

БЕШАФҚАТЛИКНИНГ ЯНА БИР ТУРИ

Яқиндагина отасини нариги дунёга жўнатган италиялик хоним Лоретта Зен, шифокорлар ибораси билан айтганда, қаттиқ "стресс" ҳолатига тушди. Унинг кўзига ҳеч нарса, ҳаттоки саккиз ойлик қизалоғи ҳам кўринмас, хархашалар асабига тегарди.

... Одамзот ўйлаб топган бешафқатликлар ичида ҳали бунақасини эшитмаган бўлсангиз керак. Лоретта ҳадеб йиғлайверган қизчаси Викторияни "тинчитиш" учун кир ювиш машинасига ташлади. Латта-путталар орасида бироз айланган қизалоқ кўп ўтмай, бўғилиб, жон берди.

Тергов жараёни бошланди. Лоретта воқеани бутунлай бошқача тарзда ифодалаб бериш бобида устаси фаранг экан. Унинг гапига кўра, қизча кир ювиш машинасига ўзи тушиб олган эмиш. Сақлаб қолишга улгурмабди.

Терговчилар Лореттанинг афт-ангорида, хатти-ҳаракатида телбаликка хос ҳолатларни илғагандек бўлишди. Эҳтимол, у артистлик қилаётгандир. Энди қотилни мутахассислар синчиклаб текшириб кўришади, агар тахмин рост чиқса, у қамоқ жазосидан омон қолиши мумкин. Агар фараз тасдиқланмаса, қотил она тегишли жойга жўнатилади. Ишқилиб, мутахассислар унинг ўзини атайлаб жинниликкa солаётганини исботлаб беришса керак.

МУҲАББАТНИНГ КУЧИ — 18 КУНДА 181 КИЛОГРАММ

Ромей Макинтий — ирландиялик. Бу жанобнинг иштаҳаси шу қадар карнайки, бир кунлик таомлари рўйхатини эшитсангиз, унинг қорни ёрилиб кетмаганлигига ҳайрон қоласиз.

Тушликка ўн бўлак дудланган чўчқа гўшти, тўртта тухум, ўнта картошка, кетидан қатиқ, компот, яна алламбалолар. Кечки овқатга қовурилган картошка ва гўшт. Яхши ухлаш учун у кечқурун ширинликлар истеъмол қилишни афзал кўради. Ҳатто ётишдан аввал ҳам Ромей бутерброд, кекларни паққос туширади. Эҳтимол, бу мечкай жаноб тушида ҳам нималардир еб ётса керак.

Шу тарика овқатланишда Макинтийнинг вазни 272 килога етди! Бу чиндан ҳам даҳшат! Баҳайбатлиги учун у ўз машинасининг олд ўриндиғини олиб ташлаб, орқадагисига ўтириб, рул бошқарадиган бўлди. Ромейнинг шифокори қаттиқ ташвишда. Нима қилмоқ керак? Шу алфозда у вазнини кўтаролмай ўлиб қолиши ҳам мумкин. Доктор унга эҳтиётшарт ўзига мослаб тобут ясатиб қўйишни буюрди.

Аммо Ромей таслим бўладиган эмас... Тўғрироғи, у муҳаббат дардига мубтало бўлди, Жозефина исмли аёлни учратиб қолди. Ўлдим-куйдимлар бошланди. Жозефинанинг талаби шу бўлдики, унга уйланишни истаса, Ромей вазнини кескин камайтириши керак. Муҳаббат одамни не кўйларга солмайди, дейсиз. Севгилисига етишиш учун Ромей нафсини тийишга, 18 кун деганда 181 килога озишга муваффақ бўлди.

Энди у ихчамгина бир киши, Жозефина билан бахтли ҳаёт кечирмоқда.

ana shunaqa gaplar

"ҚОМУС" СУПЕРКРОССВОРДИ



ЭНИГА: *1. ЖЧ-2002 (футбол) бўлиб ўтган шаҳарлардан бири (Япония). 4. Пуфлама чолғу асбоби. 7. "Олтин олма" маъносини берувчи сабзавот. 10. Куйловчи қушлар. 13. Тиббий ходим. 16. Бир аждоддан тарқаган кишилар. 17. Марра. 18. Олтинкўл. 19. Доривор чўл гиёҳи. 20. Яшаш даври. 21. Бокс қироли. 22. Қуш аъзоси. 23. Ака (шевада). 24. Башара. 25. Ранг. 26. Буюм, нарса. 27. Чўкинди тоғ жинси. 28. Ҳайит. 29. "Ювентус"нинг қисқача атамаси. 36. Керамиканинг нафис тури. 38. F. Ғулом асари. 40. Ўқувчилар билимини аниқлаш усули. 42. Якка ўзи бутун бошли қўшин билан жанг қилган афсонавий қаҳрамон. 45. Тугал мазмун ифодасига эга бўлган шеър. 46. ... Қаххор, ... Қодирий, ... Авлоний, ... Орипов. 47. Ёзувчи ва давлат арбоби. 48. Кимёвий текширув ўтказиш усули. 49. Мотам маросими. 50. Муқат бир йўналишда ўзгарадиган функция. 53. Бирон нарсага эътиқод қилиш. 56. Машҳур физик олим номига қўйилган кимёвий элемент. 59. Барча орзу-умидлари рўёбга чиққан. 62. "Маугли" асари муаллифи. 65. Бошқотирма. 66. Ҳарбий хизматчи. 67. Пул ёки буюм тикиб ўйналадиган ўйин. 68. Айнан, мос. 69. Шахмат доналаридан бири. 70. Эртапишар мева. 71. Падари бузруквор. 72. "Ўғил" маъносини билдирувчи сўз. 73. Биялар тўдаси. 74. Таажжуб маъносини билдирувчи сўз (шева). 75. Аёллар исмига ҳурмат юзасидан қўйиладиган қўшимча. 76. Математик белги. 77. Қўйлак қисми. 78. Қатор. 85. Нафис, латиф. 87. Эркаклар исми. 89. Марҳум Уэльс маликаси. 91. Бир ерда доимий турувчи. 94. "Гўрўғли"нинг сафдоши. 95. Ниагара ...си. 96. Бир йилда икки марта ҳосил берадиган ўсимликлар оиласи. 97. Кенг доирада ўтказиладиган мажлис. 98. Давомат дафтари. 99. Телеўйин. 102. "Ялла" ансамблининг солисти. 105. Мингта минг. 108. Киноя. 111. Дунёдаги энг баланд тоғ. 114. Билим булоғи. 115. Кафтда ҳосил бўладиган қаварик. 116. Қамария йил ҳисобидаги еттинчи ой. 117. Нақш. 118. Чилдирма. 119. Ишора. 120. От. 121. Хаммом қурилмаси. 122. Тана аъзоси. 123. Таажжуб. 124. Келишув, битим. 125. Халқаро ташкилот. 126. Таг, туб. 127. Асал. 134. Йирик саноат корхонаси. 136. Муаллиф. 138. Тинч, жимжит. 140. Ақл-идрокли. 143. Фарқ. 144. Коса тагида ... коса. 145. Фан, санъат ва бошқа соҳаларда кўрсатган жуда катта хизматлари учун бериладиган унвон. 146. Ёгда пиширилган нон. 147. Шимолий қутб. 148. Ноқ. 151. Равшан ... (хонанда). 154. Ўрта осиёлик машҳур файласуф. 157. Эрта билан нонушта қилмасдан юриш. 160. Одам боласи. 163. Моторли қайиқ. 164. Меваси ва толаси учун ўстириладиган тропик ўсимлик. 165. Бош омон бўлса нима топилади? 166. Дурадгорлик асбоби. 167. Сезги. 168. Очофат. 169. Қўлга ўргатилган қушларни чақириш. 170. Тўғри тўртбурчакнинг бир томони. 171. Ақл, идрок. 172. Бир неча юз миллион йилларни ўз ичига олган муддат. 173. Ука. 174. Чуқур. 175. Бўёқ. 176 Усиз ҳаёт бўлмайди. 183. Финиш. 185. ... Яссавий. 187. Йирик аҳоли пункти. 189. Ўта хасис. 192. Остидан. 193. Органик моддалар таркибидаги кимёвий элемент. 194. Ўзбек исмларидан бири. 195. Аҳдида турмайдиган. 196. Буюрувчи йўл ҳаракати белгиси. 197. Бозорнинг асосий қонуни. 200. Кинолента ўраладиган мослама. 203. Сиртдан қараганда. 206. Бразилия терма жамоаси ҳужумчиси (футбол). 209. Иссиқ шамол. 212. Горга ўхшаш ўйиқ жой. 213. Болқон ярим оролида яшовчи халқ. 214. Элементар зарра. 215. Алдаб-сулдаш. 216. Пича, бироз. 217. Устки кийимнинг икки ён этаги. 218. Электр заряди бўлган атом. 219. Хасса. 220. Қалб. 221. Жаҳолат. 222. Муҳаббат. 223. Табиий сув ҳавзаси. 224. Электр ўтказгич. 225. Леонардо ди Каприо. 232. VII асрда Бухорода кўтарилган халқ қўзғолонининг бошлиғи. 234. Гап. 236. Истак. 238. Аҳил. 241. Исбот талаб қиладиган жумла. 242. Циттрус мевасининг 90фоизини ташкил этувчи рангсиз суюқлик. 243. Ёвойи қовун. 244. Меҳрибонлик билан қилинган муомала. 245. Икки кўзи бир томонда бўлган ялпоқ денгиз балиғи. 246. Пойафзал. 249. Молюскаларнинг косаси. 252. Ишлаётган кишидан ҳол сўраш. 255. Ипподром. 258. Катта маблағ, бойлик. 261. Ижод париси. 262. Олий лига футбол жамоаси. 263. Расмий ёзма илтимос. 264. Танбур чертиш учун ишлатиладиган металл мослама. 265. Кумушсимон оқ рангли металл. 266. Пишмаган. 267. Сопол идиш. 268. Хитой. 269. Овоз чиқармай жим ўтириш ўйини. 270. Афсонавий махлуқ. 271. Энага. 272. Такроран. 273. АҚШ штати. 274. Шараф. 281. Концертдан олдин тарқатиладиган эълон. 283. "... ўпмаган қиз" (Р. Комилов қўшиғи). 285. Эски ҳужжатлар сақланадиган жой. 287. Дебоча. 290. Қора-сариқ тусдаги ранг. 291. Жанубий Америкадаги чўл. 292. Электромагнит тўлқинларни тарқатувчи ва қабул қилувчи мослама. 293. Ёш каниз. 294. Тригонометрик функция. 295. Шахматдаги танг ҳолат. 298. Хавфли ҳолатларда қўлланиладиган махсус чақириқ. 301. Болаларни жуда ҳам яхши кўриш, эркалаб чақириш. 304. Эмикдош. 307. Беор гул. 310. Бахмал. 311. Жоду. 312. Трубинанинг айланадиган қисми. 313. Қадимий узунлик ўлчови. 314. От ўрнини ... босади. 315. Самолёт русуми. 316. Аъло баҳо. 317. Инъом қилмоқ. 318. Инкор. 319. Сирт. 320. Йўл. 321. Чигитдан толаларни ажратиб оладиган машина. 322. Қозоғистондаги дарё. 323. Ном. 329. Балиқ номи. 330. Пардоз ашёларидан бири. 331. Гўштсиз. 332. Денгиз. 333. Диндор. 334. Атир солинадиган идиш. 335. Иккита материкдан иборат қитъа. 336. Ютиладиган дориларнинг юпқа қобиғи. 337. Бетараф.*

БЎЙИГА: *1. Алоэ. 2. Оғирлик ўлчов бирлиги. 3. Халқ хўжалиги соҳаси. 4. Яшаш учун жой. 5. Кечирим, узр. 6. Ширинлик тури. 7. Машҳур теорема. 8. Номаълум сон. 9. Иш жисми оқими ҳисобига куч ҳосил қилувчи двигатель. 10. Флотда ишлатиладиган алифбо. 11. Сатурн сайёрасининг йўлдоши. 12. Жисмнинг тинч ҳолатини ёки тўғри чизиқли ҳаракатини сақлаш қонуни. 13. Машҳур қизиқчи (исми). 14. Хурсанд, қувноқ. 15. Ал-жабр. 30. Шахматдаги ҳолат. 31. Спорт тури. 32. Авом халқ. 33. Қадимги қабила. 34. Ҳашорат. 35. Буюк ипак йўли ўтган шаҳарлардан бири. 36. Минг йил яшайдиган дарахт. 37. Шайтон. 38. Танҳо. 39. Қадимги меҳмонхона номи. 40. Мажбурий тўлов. 41. Магнит оқимининг ўлчов бирлиги. 42. Уфқнинг асосий нуқтаси. 43. Кичикроқ мато парчаси. 44. Муҳаммад пайғамбаримизнинг оналари. 50. Диний ўрта ва олий ўқув юрти. 51. Она (шевада). 52. Зарра. 53. Сув бериш, сувлаш. 54. Билан. 55. Шоҳлар ҳақидаги поэма. 56. Сув ўсимлиги. 57. Кўйлакнинг қўлга кийиладиган қисми. 58. Мажлис. 59. Бож олинадиган маҳсасса. 60. Дилдаги орзу, тилак. 61. Боксдаги ҳолат. 62. Химиявий. 63. Жуда тўла, лиқ. 64. Рассомнинг қоғозга ишлаган расми. 79. Ишва. 80. Сув солиб қўйиладиган тери. 81. Оддий, содда. 82. "Ота" маъносини билдирувчи арабий атама. 83. Катта рақс кечаси. 84. Бошланиш пайти, вақти. 85. Дунёдаги энг катта тўғонлардан бири. 86. Таом тури. 87. Зарба бермоқ. 88. Қора-қизил, тўқ жийрон. 89. Қон берувчи. 90. Ҳисор тизмасидаги довон. 91. Подшоҳ. 92. Мусулмон. 93. Тўш. 99. Икки қарама-қарши фикр. 100. Тегишли, доир. 101. Қуръон ўқиш. 102. Аслзода. 103. Ихтиёр, эрк. 104. Польша давлатининг энг йирик шаҳри. 105. Мотоциклда тўп ўйнаш. 106. Россиялик афсонавий дарвозабон (исми). 107. Ўсимликлар олами. 108. Ботиққа тескари. 109. Дастлаб. 110. Хориж фирмаси. 111. Икки нуқта орасидаги масофа. 113. Бугун сени узатамиз, ... қиз (қўшиқдан). 128. Тамом. 129. Электр зарядининг оқими. 130. Марта, карра. 131. Хизматкор, малай. 132. Нарсанинг юқори қисми. 133. Таҳсин, тасанно. 134. Тиббиётда ишлатиладиган чувалчанг. 135. Энг қимматли пул бирлиги. 136. Иш қуроли, буюм. 137. Текис. 138. Муҳаммад алайҳиссалом авлодига мансуб киши. 139. Най чалувчи созанда. 140. Озиқ-овқат ёки бошқа маҳсулотлар сақланадиган жой. 141. Кишидаги матонат ва қатъият. 142. Ҳурмат, иззат. 148. Афсонавий чашма суви. 149. Тўда. 150. Батамом, буткул. 151. Қопчиқли ҳайвон. 152. Билим. 153. Тахт вориси. 154. Роҳат. 155. Оқ-қора. 156. Қўшни давлатдаги шаҳар. 157. Энг яхши, энг қулай. 158. Баҳодир, паҳлавон. 159. Раҳмшафқатни билмайдиган. 160. Одиллик билан. 161. Юз тубан ётиш. 162. Икки тавақали катта эшик. 177. ДАН (рус). 178. Эҳ-а. 179. Роят, жуда. 180. Миллий мусиқа асбобларининг умумий номи. 181. Дада. 182. Ўзбекистонда ўсадиган қандли ўсимлик. 183. Фариштa. 184. Саноати ривожланган мамлакат. 185. Қон томир. 186. Савдо уйи. 187. Фахр, ифтихор. 188. Туман. 189. Қизлар исми. 190. Кесишмайдиган икки тўғри чизиқ. 191. Осма гултувак. 197. Электр токини ростлаш учун ишлатиладиган аппарат. 198. Зеб бериш. 199. Малака, синов. 200. Таътил. 201. Салқин жой. 202. Ибн Синонинг тиббиётга оид шоҳ асари. 203. Ош ичида тош, тош ичида ош. 204. Изза. 205. Қадди-қомати келишган, гўзал. 206. Бухоро вилоятидаги туман. 207. Гуноҳ. 208. Ҳамқишлоқ. 209. Бўйинбоғ. 210. Ой. 211. НУЖларнинг кўриниши. 226. Жаннатдаги малак... 227. Авторусум. 228. Дарвешлар кийими. 229. ...метрия. 230. Бирга ва ўзига бўлинадиган сон. 231. Уйғоқ. 232. Отанинг акаси ёки укаси. 233. Бирон бир тадбир учун халқдан олинадиган ҳақ. 234. Пул ўрнига ўтадиган металл ёки пластмасса нишон. 235. Ҳамма ёқ, теварак. 236. Кўчманчи қуш. 237. Ер сатҳининг қоғоздаги чизилган шартли тасвири. 238. Кулранг пўлатсимон қаттиқ модда, металл. 239. Она юрт. 240. Кема қисми. 246. Ватани Хиндистон бўлган сабзавот экини. 247. Эшакни тўхтатиш. 248. Нафақа тури. 249. Хордиқ чиқарадиган жой. 250. Футбол термини. 251. Қайин она. 252. Геометрия. 253. Жуда кўп. 254. Қаттиқ жисмларнинг юзига ўйиб туширилган нақш. 255. Эрксевар халқлар орзуси. 256. Қасам. 257. Достонларнинг энг йирик тури. 258. Энергия. 259. Жағ қисми. 260. Бокс бўйича оғир вазндаги жаҳон чемпиони. 275. Нарсанинг пастки қисми. 276. Ҳисса, улуш. 277. ...реометрия. 278. Боғловчи. 279. ... сизники, суяги бизники. 280. Гулдаста. 281. Ундан пиширилган ёғсиз суюқ овқат. 282. Спорт мусобақаларининг бошланиш ўрни. 283. Грек ҳарфи. 284. Башар. 285. Катта ариқ. 286. Давлатнинг юқори арбоби. 287. Мата. 288. Шоқул. 289. Лаб. 295. Ўлчов системасига кирмаган масса бирлиги. 296. Жим. 297. Оғиз ва бурун бўшлиғининг туташган қисми. 298. Тош ва бақа. 299. Баҳона. 300. Платон. 301. Бирон хизматни бажариб бериш учун олдиндан айтилган топшириқ. 302. Ҳузур-ҳаловат. 303. Балоғатга етмаган. 304. Гапга чечанлик, сўзамоллик. 305. Мактуб, нома. 306. Илтимоснома. 307. Бўғиз. 308. Ҳид, ис. 309. Бировга озор бермайдиган. 324. Пайғамбар. 325. Кекса, қари. 326. Арслон. 327. Боп. 328. Марказдан узоқ жой.*

Тузувчи: Абдумалик УСАНОВ, Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 18-мактаб математика фани ўқитувчиси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-1127.
Тиражи 23099 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 8 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррирлар:
Нурлан УСМОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА
Навбатчилар:
Абдулҳамид МУХТОРОВ, Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00